

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИБЕКОВ МЎМИН

ШИМОЛИЙ ТОЖИКИСТОН ТАРИХИЙ ТОПОНИМЛАРИ

Монография

“Нодирабегим” нашриёти

ТОШКЕНТ–2022

УДК. 824.513.144-1.
КБК 84(Ё)5
М-66

Маъсул муҳаррир:

Лайло Раунова – филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Султонбек Нормаматов – филология фанлари доктори, профессор

Икром Исломов – филология фанлари доктори, доцент

Турдибеков Мўмин Тўраевич.

И 76 Шимолий Тожикистон тарихий топонимлари. Монография.
М.Турдибеков. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Тошкент.: 2022. 244
б.
ИСБН 978-9943-7804-8-4

Ушбу монография Шимолий Тожикистон тарихий топонимларининг лингвистик тадқиқига бағишланган. Шимолий Тожикистонда ҳудудда эрамизгача бўлган даврдан бошлаб бир қанча миллат вакиллари яшаб келган. Шу миллат вакилларида кўпини туркий халқлар ташкил этади. Бу ҳол ушбу ҳудуд топонимикасини таҳлилга тортиш жараёнида ҳам яққол кўзга ташланди. Топонимлар, жумладан, туркий топонимлар тилшуносликнинг бебаҳо манбаи саналади. Чунки қадимий топонимлар ёрдамида тилимизнинг тарихий ҳолати, тадрижий ривож тўғрисида муҳим маълумот олиш мумкин. Мазкур монографияда юқоридаги каби масалалар атрофлича ёритилган. Монографиянинг илмий таҳлиллари, фактик материалларидан ўзбек тарихий топонимикасига оид илмий-таълимий қўлланмалар яратишда, атоқли отларнинг изоҳли, этимологик, имловий луғатларини тузишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу монография материалларидан олий ўқув юртларида Ўзбек ономастикаси, Ўзбек топонимикаси, Ўзбек тили тарихи, Ўзбек шевалари бўйича олиб бориладиган машғулотларда фойдаланиш мумкин. Монография ўзбек тили тарихи, Ўзбек ономастикаси билан шуғулланувчи филолог, географ ва тарихчилар учун мўлжалланган.

УДК. 824.513.144-1.
КБК 84(Ё)5

Ушбу монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-техник Кенгашининг 28.04.2022 йилдаги 8-сон маслиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ИСБН 978-9943-7804-8-4

М.Турдибеков “Нодирабегим” 2022

*Ушбу монографиямни
биринчи устозларим кўллари қадоқ,
қалби пок надари бузуркворим Тўрабек
ота ва ўтқир зехнли, мумтоз адабиёт
билимдони, кайвони, волидаи
муҳтарамам Умринисо она пок
руҳларига бағишлайман.*

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида жой номларини ифодаловчи топонимлар тил ва нутқдаги ономастик бирликлар тизимида алоҳида ўрин тутиши билан эътиборни тортади. Муайян ҳудуднинг махсус тўпланмаган, кам ўрганилган топонимик бирликларини йиғиш, уларнинг лексик–семантик хусусиятлари, номинатив, коммуникатив, услубий вазифаларини аниқлаш эса бугунги глобаллашув жараёнида дунё халқлари ўртасида ўзаро ижтимоий–сиёсий, иқтисодий, маънавий–маърифий, маданий алоқалар, туристик муносабатлар кенг ривожланаётган бир шароитда амалий аҳамият касб этади. Дунё тилшунослигида топонимшунослик тилшуносликнинг ономастика соҳаси таркибида муҳим йўналиш сифатида тобора назарий такомиллашиб бормоқда. Унинг таркибида муайян маҳаллий ҳудуд жой номларини ифодаловчи урбаноним, гидроним, ороним, ойконим, хороним, некроним каби ономастиканинг мустақил турлари генезисини, этимологик хусусиятларини ўша ерда истиқомат қилувчи аҳолининг миллий анъана ва қадриятлари, урф–одатлари, турмуш тарзи, эътиқодий дунёқараши, тарихий–маданий бойликлари тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқлаш, лексик–семантик хусусиятларини, халқнинг лисоний, тарихий, географик, этнографик, диний–мифологик қарашлари мужассамлашган топонимларнинг лингвогеографик, этнолингвистик, лингвокультурологик, концептуал, парадигматик, ономастик–грамматик белгиларини очиш муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб–авайлаш ва ривожлантириш масаласига

устувор аҳамият қаратиши табиий»¹ бўлган ҳозирги бир шароитда ишлаб чиқилган топонимик сиёсат топонимика соҳасини илмий–назарий ва амалий йўналишларда жиддий ривожлантиришни ҳам талаб этади. Бунинг учун жойларда ташкил қилинган топонимик комиссиялар ва марказлаштирилган топонимик хизматларга жой номларини аниқлаш, сақлаш, ўзгартириш йўлида уларнинг илмий ва амалий жиҳатларини пухта ўрганган тадқиқотлар катта амалий ёрдам бера олади. Шу каби талаб ва эҳтиёжлар натижасида ўзбек тилшунослигида халқ тарихи, қадрияти, анъана ва урф–одатларини ўзида тўлиқ ифодаловчи лисоний бирликлар – топонимларни муайян ҳудуд мисолида лингвистик тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жиҳатдан қадимдан шаклланган ва ҳозирда ижтимоий–иқтисодий, маданий ривожланиш йўлини босиб ўтаётган Шимолий Тожикистон топонимларининг лексик–семантик, ономастик–грамматик хусусиятларини, келиб чиқиш асосларини лингвогеографик, этнолингвистик ҳамда лингвокультурологик аспектда ўрганиш долзарблик касб этади. Шу маънода, Шимолий Тожикистон макро ва микротопонимларининг лексик–семантик тадқиқи юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Жаҳон тилшунослигида Ҳ.А.Смит, А.Л.Даузат, Г.Ж.Коплей, Г.В.Лемон кабиларнинг илмий изланишлари топонимиканинг фан сифатида шаклланишида алоҳида эътирофга лойиқ².

Рус тилшунослигида эса бу борада А.В.Суперанская, В.Д.Беленькая, А.А.Белецкий, О.Т.Молчанова, Э.М.Мурзаев, Н.Я.Подольская каби олимларнинг топонимика соҳасидаги мақсадли тадқиқотларни келтириб ўтиш ўринли³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.lex.uz

²Smit, A.H. English Place-Names Elements. – Cambridge: 1956. – 163 p.; Алберт Даузат. La Toponymie française. – Paris: Bibliothèque scientifique, Payot, 1960, Réimpression 1971 – 168 p.; Copley, G. J. Names and Places with a short dictionary of common or wellknown place-names. – London: Phoenix House Ltd., 1963. – 226 p.; Лемон Г.В. English Etymology. – G.: Robinson, 1783. – 693 c.

³Суперанская А. В. Что такое топонимика? – М.: Наука, 1985. – 176 с.; Беленькая В.Д. Топонимы в составе лексической системы языка. – М., 1969. 166 с.; Белецкий А.А. Лексикология и теория языкознания (ономастика). – Киев, 1971. – 156 с.; Молчанова О.Т. Топонимический словарь Горного Алтая. – Горно-Алтайск, 1979. – 398 с.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.: Мысль, 1974. – 382 с.; Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988. – 188 с.

Ўзбек топонимшунослигининг назарий асослари яратилишида Т.Нафасовнинг Қашқадарё вилояти топонимлари, Ш.Қодированинг Тошкент микротопонимлари, Т.Раҳматовнинг Самарқанд топоними этимологияси, Ж.Латиповнинг Марғилон шаҳри жой номлари, Л.Каримованинг ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши, С.Н.Найимовнинг Бухоро вилояти ойконимлари, З.Дўсимовнинг Хоразм топонимлари, Х.Холмўминовнинг Сурхондарё вилояти топонимлари, Б.Ўринбоевнинг Жиззах ва Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи, А.Муҳаммаджоновнинг топонимлар илмий тавсифи ва этимологик таҳлилининг тарихий жиҳатлари, Э.Бегматовнинг ўзбек антропонимлари ҳамда топонимикаси, А.Отажонованинг Хоразм этнотопонимларининг назарий масалаларига бағишланган мақола, монография ва диссертациялари муҳим аҳамият касб этди¹.

Шимолий Тожикистон топонимлари, уларнинг номланиши ҳамда номланиш меъёрлари ҳақида тарихий, иқтисодий, ижтимоий–сиёсий манбаларда турли шарҳ, талқин мазмунидаги бир қанча қайдлар ХХ асргача ҳам мавжуд бўлган².

¹Нафасов Т. Қашқадарё область топонимлари: Фил. фан. ном. дис. – Т., 1968. – 301 б.; Кадырова Ш. М. Микротопонимы Ташкента: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1970. – 28 с.; Рахматов Т. Этимология топонима Самарқанд//Советская тюркология. – Баку, 1973. № 4. –С.43-50; Латипов Ж. Марғилон шаҳри ва унинг атрофи топонимияси: Фил. фан. ном. дис. – Т., 1975. – 219 б.; Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Т.: Фан, 1982. – 96 б.; Найимов С.Н. Ойконимы Бухарской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1984. – 20 б.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Т.: Фан, 1985. –

104 б.; Холмўминов Х. Бойсун район микротопонимларининг лексик-семантик хусусиятлари. Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 1988. – 73-75 б.; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. – 53 б.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – 202 б.; Муҳаммаджонов А. Жой номлари – тарихий манбадир. Илмий-амалий конференция докладлари тезислари. – Т., 1994. – 15-17 б.; Бегматов Э. Истиклол ўлкасининг топонимик сиёсати. Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1997. – 3-сон. – 3-9 б.; Отажоннова А. Хоразм этнотопонимлари. – Т.: Фан, 1997. – 94-111 б.

²Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Фан, 1966. – 119 б.; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-жилд. – Т., 1966. – 273 б.; Заҳрирдин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т., 1960. – 512 б.; Хаников Н.В. Бухоро хонлигининг тасвири – Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843, Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения О Зерафшанском округе с приложением списка населенных мест округа. – СПб., 1874, Ситянковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана. ИТОРГО. Т.1, вып. 2. 1900. – С.121-314.

ШИМОЛИЙ ТОЖИКИСТОН ТОПОНИМИК СИСТЕМАСИНING ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Топонимларда тил ва маданият муштараклиги масаласи.

Ҳозирги вақтда тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар масаласи лингвокультурологиянинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Дарвоқе, лингвокультурология бир тил ва бир қанча тиллар тизимидаги халқларнинг маданияти, миллий менталитети ва топонимикани ўз ичига олган дунёдаги миллий тил қурилишининг ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш билан шуғулланади. Топонимлар эса лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларни бирлаштирган мураккаб маъно тузилишига эга бўлган географик объектларнинг атоқли отларидир. Лингвокультурологик жиҳатдан топонимик тадқиқотларни танлаш тилнинг кўп маданиятли хусусиятлари билан белгиланади. Шимолий Тожикистон топонимияси асрлар давомида бу ерда яшаган ва яшаб келаётган этник гуруҳларнинг лингвистик маданиятини ўзида мужассам этган. Ушбу тадқиқот иши тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири муаммосига, яъни тилда маданий омилни ўрганишга кенг қизиқиш билан боғлиқ. Ономастик луғатнинг алоҳида қисми бўлган географик номлар кўп ўлчовли лингвистик бирликларни ифодалайди ва миллатлараро тил алоқаларини кўрсатади. Топонимларни лингвокультурологик жиҳатдан ўрганиш, бу тил ва маданият ўртасидаги муносабатларни кузатишга имкон берадиган тилшуносликнинг янги ва долзарб соҳаси. Ҳар бир минтақа – бу халқнинг менталитети ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс этадиган махсус топа асосга эга. Ҳар қандай минтақанинг топонимияси турли хил сиёсий жараёнлар, миграция ва тарихий омиллар натижасида келиб чиққан лингвистик стратегик қатламлардан иборат бўлади. Ономастик макон ўзига хос жараён саналиб, ҳар бир этник гуруҳ географик объектни белгилаш ва таъкидлаш учун маълум бир лексик бирликларига эга бўлади. Тил мажмуи муайян халқнинг дунёқарашига боғлиқ. Маълум бир ҳудуддаги ҳар бир этник жамият тарихан тахмин қилинадиган вақт

ва макон даврида ривожланган топонимларнинг маълум тизимига эга деб тахмин қилишимиз мумкин. Топонимларнинг таҳлили топонимик тизимларнинг шаклланиши ва ишлашининг умумий тамойилларини ўрганиш, Шимолий Тожикистон географик номларнинг этно–маданий хусусиятларини очиб беришга имкон беради.

Подольская таъбири билан айтганда, атоқли отлар бир объектни бошқасидан ажратиш учун хизмат қиладиган сўз ёки иборадир: Атоқли от жойни индивидуаллаштириш ва идентификациялаш деганидир.¹ Онимлар туркумига географик номлар – топонимлар киради. Бу тадқиқот ишида топонимлар тарихий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан шаклланадиган ернинг қуруқлик ёки сув ҳудудида инсон томонидан яратилган катта–кичик, табиий ёки сунъий равишда яратилган ҳар қандай объектларнинг географик номлари эканлигини тўлиқ ёритишга ҳаракат қилинади.

Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири муаммоси ҳозирги пайтда янада долзарблик касб этмоқда, шунинг учун ҳам бу масала тилшуносликнинг марказий масалаларидан бири бўлиб, уни ўрганишнинг турли хил ёндашувлари мавжуд. Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган лингвокультурологик йўналишнинг пайдо бўлиши илмий билимларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мос келадиган муҳим воқеа саналади, чунки тил ижтимоий ҳақиқат учун қўлланма бўлиб, тилни илмий ўрганишда маданият етакчи тамойил сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.² Албатта, тил маданиятдан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди ва бу тушунча тилшунослар томонидан эътироф этилган ҳодиса ҳисобланади. Замонавий тилшунослик тилни алоқа ва билиш қуроли эмас, балки миллатнинг маданий коди деб ҳисоблайдиган йўналишни ривожлантиради. В.А.Маслова тилнинг маданият билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб қуйидаги фикрларни айтган: тил маданиятдаги нарсани номлабгина қолмай, уни

¹ Подольская, Н. В. Проблемы ономастического словообразования [Текст] / Н. В. Подольская // Вопросы языкознания. 1990, № 3. С. 40 - 53.

² Сепир, Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии [Текст] : Пер. с англ. / Э. Сепир ; Общ. ред. и вступ. ст. А. Е. Кибрика. - 2-е изд. - М. : Издательская группа «Прогресс», 2001. - 656 с. - (Филологи мира)

ифодалабгина қолмай, маданиятни шакллантиради, у билан бирлашади, ўзи ҳам ривожланади.¹ Юқоридагиларга асосланиб, луғат, грамматика ва синтаксис ходисаларини маълум бир тилда гаплашадиган одамларнинг маданий хусусиятлари билан боғлайдиган асарлар жуда муҳим, деб таъкидлаш мумкин, чунки улар тил бирликларининг ишлаш хусусиятларини тавсифлашдан ташқари, уларни тил бирликларининг маданий хусусиятлари билан изоҳлашади. Бундай ёндашув топонимик лисоний ходисаларни талқин қилишда янги имкониятларни назарда тутаяди. Лингвокултурологик тадқиқотларнинг асосчилари А.А.Потебня, Э.Сепир, Б.Л.Уарф ва бошқалардир. Тил ва маданият муаммоси биринчи марта 1822 йилда Вилгелм фон Гумбольдт асарларида кўриб чиқилган бўлиб, унинг ғоялари кейинчалик кенг тарқалди: “Тил – бу халқлар руҳининг ташқи намоёйиши, халқнинг тили унинг руҳи, халқнинг руҳи эса унинг тилидир”². В.фон Гумбольдтнинг сўзларига кўра, тил асосий антропологик омил ҳисобланади. Тил нафақат одамлар ўртасидаги ташқи алоқа воситаси, балки жамоатчилик билан алоқаларни сақлаб туради, у инсоннинг табиатига хосдир ва унинг маънавий кучларини ривожлантириш ва дунёқарашни шакллантириш учун зарурдир³. Демак, тил маданий мероснинг моҳиятини акс эттирувчи, миллат маданиятини узатувчи восита ҳисобланади. Гумбольдтнинг фикрича, тил миллатнинг шаклланиши, ўтмиши ва ривожланишига хизмат қиладиган асл сўзларини сақлаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, тил ўзининг нозик уйғунлиги билан инсон руҳи ва унинг маданиятининг хилма–хил томонларини ўзида мужассам этиши мумкин.⁴ В.фон Гумбольдт ўз асарларида тил жамиятда ривожланади, инсон ўзини фақат тажриба орқали тушунади, сўзлари тушунарли эканлигига ишонч ҳосил қилади деган хулосага келади. XX асрнинг биринчи ярмида америкалик тилшунос Э.Сепир ўз асарларида В.фон Гумбольдт ғояларини давом эттириб

¹ Маслова, В. А. Методология и методы лингвокультурологии [Текст] / В. А. Маслова // Лингвокультурологии : учебное пособие. - М. : Академия, 2001.-С. 33-47.

² Гумбольдт, В. Избранные труды по языкознанию [Текст] : Пер. с нем. / В. Гумбольдт; Общ. ред. Г. В. Рамишвили; Послесл. А. В. Гулыги и В. А. Звегинцева. - М.: ОАО ИГ «Прогресс», 2000. - 400 с.

³ Гумбольдт, В. Избранные труды по языкознанию [Текст] : Пер. с нем. / В. Гумбольдт; Общ. ред. Г. В. Рамишвили; Послесл. А. В. Гулыги и В. А. Звегинцева. - М.: ОАО ИГ «Прогресс», 2000. - 400 с.

⁴ Гумбольдт, В. фон. Язык и философия культуры [Текст] / В. фон Гумбольдт. - М. : Прогресс, 1985. - 448 с. 204

қуйидаги фикрларни баён қилади: Тилни “маданиятни тушуниш учун рамзий қўлланма” деб ҳисоблаш мумкин.¹ Сепирнинг фикрлари унинг издоши Б.Л.Варф томонидан қайтадан ишлаб чиқилган бўлиб, у тил ва маданият биргаликда ривожланиб, бир–бирига таъсир қилади деб ишонган. Сепир ва Варфнинг лингвистик нисбийлик гипотезаси тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири бўйича кейинги назарияларнинг ривожланишига кучли туртки бўлди. А.А.Потебня ўзининг “Тафаккур ва тил” асарида сўзнинг миллий ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи ва маълум бир халқ маданияти воқеликларини акс эттирувчи сўзнинг ички шаклига ишора қилади: «Ички шакл ҳам тасвирнинг маркази, унинг барча хусусиятларидан биридир. Сўз билан ифодаланган хусусият бошқаларга нисбатан устунлигини осонгина ўрнатади, чунки у ҳар бир янги идрокда, ҳатто бу охиргисида бўлмаган ҳолда ҳам такрорланади, тасвирнинг бошқа кўплаб хусусиятлари эса вақти–вақти билан онгга қайтиши мумкин. Ички шакл, тасвирнинг ҳақиқий бирлигидан ташқари, бу birlik ҳақида ҳам маълумот беради; бу объектнинг тасвири эмас, балки ички шаклнинг тасвири.»². Лингвокултурология тилшуносликнинг янги ва мустақил тармоғи сифатида XX асрнинг 90–йилларида пайдо бўлди, унинг тадқиқот объекти икки код–тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирида тил белгиларининг маданий семантикасини ўрганишдир. «Лингвокултурология» атамасининг ўзи В.Н.Телиа раҳбарлигидаги Н.Д.Арутюнова, Ю.С.Степанова, В.М.Шаклеин, В.В.Воробьев, В. М. Маслова каби фразеологик мактаб тадқиқотчиларининг ишлари туфайли пайдо бўлди. В.В.Воробьевдан кейин лингвокултурология «Маданият ва тилнинг ўз фаолиятида ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини ўрганадиган, бу жараённи тизимли усуллардан фойдаланган ҳолда уларнинг лингвистик, лингвистик (маданий) таркиб бирлигидаги birlikларнинг ажралмас тузилиши сифатида акс эттирадиган синтез қилувчи турдаги мураккаб илмий интизом» деб тушунилади.»³ Тилшунос олимларнинг асарларида тилнинг миллий маданият

¹ Сепир, Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии [Текст] : Пер. с англ. / Э. Сепир ; Общ. ред. и вступ. ст. А. Е. Кибрика. - 2-е изд. - М. : Издательская группа «Прогресс», 2001. - 656 с. - (Филологи мира)

² Потебня, А. А. Мысль и язык [Текст] / А. А. Потебня. - К. : СИНТО, 1993.-192 с.

³ Воробьев, В. В. Лингвокультурология: Монография [Текст] / В. В. Воробьев. - М.: РУДН, 2008. - 336 с.

тушунчалари тизими эканлигини тасдиқловчи кўп манбалар мавжуд. Лингвокультурология замонавий маданий шароитда тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирини ўрганиш ва тавсифлашга қаратилган миллий ўзига хослик ва унинг тилда намоён бўлиши, ушбу ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири масалалари билан ҳам шуғулланувчи фан саналади. Ушбу муаммолар тилшунослар ва маданиятшуносларнинг диққат марказида бўлиб қолмоқда.

Н.Ф.Алефиренконинг фикрича, илмий манбаларда «маданият» тушунчасининг 500 дан ортиқ таърифи мавжуд¹. В.А.Маслова Маданиятшунослик ва тил фалсафасига оид асарларни ўрганиб чиқиб, маданиятни «муносабат ва рецептлар, кадриятлар ва меъёрлар, чизмалар тизимига асосланган дунёдаги субъект фаолиятининг барча шакллариининг йиғиндиси» деб таърифлайди. Бу «яшайдиган» жамоанинг ирсий хотираси, фақат бошқа маданиятлар билан мулоқотда, шу билан бирга, маданий меъёрлар ўрганиш орқали олинади.² Вақт ўтиши билан дунё ҳақида маълумот олиш жараёнида жамият томонидан тўпланган тажриба такомиллашиб, янги тушунчалар, яъни маданий бойликлар яратилади. Бироқ, инсон томонидан олинган билимлар тилда акс эттирилган ва музлатилган, маънавий ва ҳиссий жиҳатдан боғлиқ бўлган муҳим куч эканлигини ҳисобга олиш керак.³ Тил маданият билан боғлиқ, чунки у «ривожланишнинг юқори даражаларига эришган биринчи тил ва вақт умуман маданиятни ривожлантириш учун зарур шартдир»,⁴ чунки у маълум бир ҳудуд аҳолиси маданиятининг муҳим қисмидир. Тилнинг ўз муҳити бор. «Бу ҳақда гапирадиган одамлар баъзи ирқларга (ёки бир нечта ирқларга), яъни бошқа гуруҳлардан жисмоний хусусиятлари билан фарқ қиладиган инсоният гуруҳига тегишли. Тил маданиятдан ташқарида, яъни бизнинг турмуш тарзимизни тавсифловчи ижтимоий мерос қилиб олинган

¹ Алефиренко, Н. Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка : учебное пособие [Текст] / Н. Ф. Алефиренко. - М. : Флинта, 2010.-224 с.

² Маслова, В. А. Методология и методы лингвокультурологии [Текст] / В. А. Маслова // Лингвокультурологии : учебное пособие. - М. : Академия, 2001.-С. 33-47.

³ Питина, С. А. Лингвокультурология : краткий курс лекций [Текст] / С. А. Питина, Л. А. Шкатова. - Челябинск : Челяб. гос. ун-т, 2007. - 105 с.

⁴ Сепир, Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии [Текст] : Пер. с англ. / Э. Сепир ; Общ. ред. и вступ. ст. А. Е. Кибрика. - 2-е изд. - М. : Издательская группа «Прогресс», 2001. - 656 с. - (Филологи мира)

амалий кўникмалар ва ғоялар тўпламидан ташқарида мавжуд эмас».¹ Шундай қилиб, тил миллий маданиятни ифодалаш ва сақлаш воситасидир. Лисоний ходисалар ортида муайян ижтимоий маданият, дунёнинг лисоний манзараси ортида эса дунёнинг ижтимоий–маданий манзараси туради. Атрофингиздаги дунё уч шаклда ифодаланиши мумкин:

- дунёнинг ҳақиқий сурати (объектив, ғайритабиий ҳақиқат);
- дунёнинг маданий (концептуал) сурати (ҳақиқий расми инсон тасвирлари асосида шаклланган тушунчалар призмаси орқали акс эттириш);
- лингвистик дунёқараш (маданий дунёқараш орқали воқелик акс эттиради).²

Дунёнинг ҳар қандай тилдаги тасвири – бу тилнинг барча даражаларида амалга ошириладиган дунё ҳақидаги ғоялар тўпамидир. Ўзига хос бўлган тил дунёни ва ундаги инсонларни турли йўллар билан ушлайди, шунингдек, у халқ маданиятининг нозикликларини акс эттиради. Топонимлар кенг маънода халқнинг маданияти ва менталитетининг қимматли манбаи ҳисобланади, чунки улар ономастикада мавжуд бўлган маданий ва тарихий маълумотларни (яъни маълум бир белгиланган ҳудудда, маълум бир халқда, турли тарихий даврларда ёки алоҳида адабий асарда) сақлайди. «Ҳақиқий дунёдан концепцияга ва ундан кейин концепцияни оғзаки ифода этишгача бўлган йўл турли халқлар учун фарқ қилади, бу ушбу халқларнинг тарихи, географияси, ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари ва шунга мос равишда уларнинг ижтимоий онгининг ривожланишидаги фарқлар билан боғлиқ»³.

О.А.Леонтович талқинига кўра бирор тилнинг лексик фонди лингвокултуранинг «юқори қатлами» ҳисобланади.⁴ Э.Сепирнинг сўзларига кўра, «Тил одамлар қандай фикрда бўлиши, маълум бир жамият нима қилиши ва ўйлашини маданият белгиси деб таърифлаш мумкин.» Тил маданий билимларни

¹ Гумболт юкорида келтирилган асар

² Тер-Минасова, С. Г. Язык и межкультурная коммуникация: (Учебное пособие) [Текст] / С. Г. Тер-Минасова. - М. : Слово / Slovo, 2000. - 624 с. 214

³ Тер-Минасова, С. Г. Язык и межкультурная коммуникация: (Учебное пособие) [Текст] / С. Г. Тер-Минасова. - М. : Слово / Slovo, 2000. - 624 с. 214

⁴ Леонтович, О. А. Введение в межкультурную коммуникацию: Учебное пособие [Текст] / О. А. Леонтович. - М. : Гнозис, 2007. - 368 с.

тўплаш воситаси сифатида маданий ифодалашнинг амалга оширилган шакли сифатида ишлайди.¹ Миллат маданиятининг нозикликлари унинг тилида акс этади, бу ноёб ва ўзига хосдир, чунки у дунёни ва ундаги одамни турли йўллар билан бошқаради². Тил ўз луғатида хизмат қиладиган маданиятни акс эттиради, яъни тил тарихи ва маданият тарихи паралел равишда ривожланади.³ Юқоридагиларга асосланиб, В.А.Маслованинг фикрига кўра, тил ва маданият ўртасидаги яқин муносабатлар ҳақида гапириш мумкин:

- 1) коммуникатив жараёнларда;
- 2) онтогенезда (инсоннинг тил қобилиятларини шакллантириш);
- 3) филогенезда (умумийликни шакллантириш, ижтимоий шахс).»

Бу тушунчалар ўртасидаги фарқ куйидагича:

1) тил оммавий адресга нисбатан муносабат ҳукмрон, маданият эса элитизмни кадрлайди;

2) маданият, тил каби, белгилар тизимидир, лекин у ўзини ташкил қила олмайди;

3) тил ва маданият турли семиотик тизимлардир. В.А.Маслова «маданият изоморф (мутлақо мос келади) эмас, балки тилга гомоморф (структура жиҳатдан ўхшаш)» деган хулосага келади.⁴

В.И.Постовалованинг фикрича, лингвокултурология ономастикани «маънавий маданиятни яратишда тилнинг иштироки ва тилнинг шаклланишида маънавий маданиятнинг иштироки аспектида ўрганиш объекти» деб ҳисоблайди.⁵ Топонимияда маданият барча йўналишларда, аммо барча ҳолатларда турли йўллар билан акс этади. О.А.Леонтовичнинг фикрига кўра,

¹ Сепир, Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии [Текст] : Пер. с англ. / Э. Сепир ; Общ. ред. и вступ. ст. А. Е. Кибрика. - 2-е изд. - М. : Издательская группа «Прогресс», 2001. - 193 с. - (Филологи мира)

² Маслова, В. А. Методология и методы лингвокультурологии [Текст] / В. А. Маслова // Лингвокультурологии : учебное пособие. - М. : Академия, 2001.-С. 33-47.

³ Сепир, Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии [Текст] : Пер. с англ. / Э. Сепир ; Общ. ред. и вступ. ст. А. Е. Кибрика. - 2-е изд. - М. : Издательская группа «Прогресс», 2001. - 656 с. - (Филологи мира)

⁴ Маслова, В. А. Лингвокультурология : Учеб. Пособие для студ. высш. учеб. заведений [Текст] / В. А. Маслова. - М.: Издательский центр «Академия», 2001. - 208 с. 208

⁵ Постовалова, В. И. Лингвокультурология в свете антропологической парадигмы (к проблеме оснований и границ современной фразеологии) [Текст] / В. И. Постовалова // Фразеология в контексте культуры. - М. : «Языки русской культуры», 1999. С. 25-33 .

тилда атоқли отлар яратилган, яъни улар учун асосий нарса маънавий маданиятдир. Шу билан бирга, тегишли номлар маънавий ва моддий маданият фактларига тезда таъсир қилади. Атоқли отларнинг айрим турлари, ўз навбатида, ҳар қандай номда берилган маданиятни акс эттиради.¹

В.Р.Нерознак ономастика лингвокултурологиянинг бир бўлими бўлиб, атоқли отнинг этно–маданий хусусиятларини текширади, деб ҳисоблайди.²

Миллат маданиятининг узок ривожланиш жараёни унинг хусусиятларини авлоддан авлодга етказиб берадиган ва узатадиган топонимларнинг семантикасида акс этади. Географик номлар ўтмиш ва ҳозирги кунни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ҳар бир янги ном вақт ва даврни ўзида акс эттиради.³ Бошқа тиллардаги маданиятни ўрганаётганда, топонимлар нафақат маълум бир турдаги даврнинг худудий ва табиий–географик хусусиятларини, балки унинг урф–одатлари ва анъаналарида қадимий ва ҳозирги таркиби ҳақида ҳам маълумот беришини унутмаслик керак. М.В.Горбаневский топонимни турли нутқ вазиятларида турлича ва тенгсиз даражада янгиланадиган бир неча ахборот блокларидан ташкил топган яхлит матн тури деб ҳисоблайди.⁴ Топонимик матннинг кенгайиши унинг номи ва географик объекти ҳақидаги лингвистик ва экстралингвистик билимларнинг асоси ҳақида тўлиқроқ тушунча беради. Бироқ, лингвокултурологик жиҳатдан аҳамиятли маълумотлар асосан топоним ортида турган энциклопедик (экстралингвистик) маълумотлар саналади. О.С.Ахманова таъбири билан айтганда, «тил мулоқотининг асоси бўлган гапириш ва тинглаш воқеликларини ўзаро билиш»ни тушунамиз.⁵ Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров асос билимларининг уч турини кўриб чиқадилар:

– умумбашарий;

¹ Леонович, О. А. Страноведение Великобритании [Текст] / О. А. Леонович. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: КДУ, 2004. - 253 с.

² Нерознак, В. П. Ономастика как составная часть лингвокультурологии [Текст] / В. П. Нерознак // Ономастика Поволжья: Мат-лы VII конф. Поволжских ономастологов. - Волгоград, 1995. - С. 4 - 6.

³ Матвеев, А. К. Топонимические древности [Текст] / А. К. Матвеев // Формирование и развитие топонимии : Сб. науч. тр. / Отв. ред. А. К. Матвеев. - Свердловск : УрГУ, 1987. - С. 4 - 29.

⁴ Горбаневский, М. В. Русская городская топонимия [Текст] / М. В. Горбаневский. - М., 1996.

⁵ Ахманова, О. С. Словарь лингвистических терминов [Текст] / О. С. Ахманова. - 2-е изд., стер. - М. : УРСС : Едиториал УРСС, 2004. - 571 с.

– минтақавий;

– мамлакатшунослик (миллий маданиятни билиш).¹

В.А.Никоновнинг фикрига кўра, топонимлар маълум бир тил ва маданиятнинг она тилида сўзлашувчиларнинг мавжуд билимларининг ажралмас қисмидир: кўзгуда сийрат акс этгани каби, топонимларда халқнинг тарихи, ушбу ҳудуднинг жойлашиши ва ривожланиши акс этади. Шунинг учун ҳам топонимларнинг бу қисми нафақат филологлар, балки тарихчи, этнограф ва географларнинг ҳам эътиборини тортади.² Бу фикрни Г.Д.Томахин³ ҳам қўллаб қувватлаган. Тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар масаласи ўта мураккаб ва кўп қирралидир. Ушбу иккита тушунчани қисм ва бутун деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ, бу икки тушунчани алоҳида кўриб чиқмаслик керак. Лисоний ва маданий дунёқарашлар ўзаро боғланган ва бир–бири билан ўзаро алоқада бўлиб, реал дунёқарашни акс эттирувчи ягона тизимни ифодалайди. Топонимик материалга нисбатан лингвокултурологиянинг асосий вазифаси топонимларнинг маданий семантика билан ўзаро таъсирининг асосий механизмларини, маълум бир халқнинг маданий кодини ўрганиш ва тавсифлашдир. Дунёнинг топонимик сурати маълум бир лингвистик ва маданий жамиятнинг этник стереотипларини очиқ беришга ёрдам беради, чунки шаффоф этимологияга эга бўлган ҳар қандай географик ном нафақат этник гуруҳ ҳаётининг ҳудудий, табиий, географик ва тарихий хусусиятларини, балки унинг маънавий таркиби, тафаккури, хулқ–атвори ва бошқаларни акс эттиради. Географик жойлашуви, тарихи ва келиб чиқиш вақтидан қатъи назар, турли тилларнинг топонимларини лингвокултурологик таҳлил қилиш умумий субстрат формантларини аниқлаш ва тавсифлашга ёрдам беради. Топонимик субстрат деганда биз «ўрганилаётган даврда ушбу ҳудудда яшовчи этник гуруҳ топонимиясида маълум бир ҳудудда яширин тилнинг элементи ёки элементлари» ни назарда тутамиз.⁴ Географик

¹ Верещагин, Е. М. Язык и культура. Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного [Текст] / Е. М. Верещагин, В. Г. Костомаров. - 2-е изд. - М. : Русский язык, 1976; 4-е изд., переизд. и доп. - М.: Русский язык, 1990. - 248 с.

² Никонов, В. А. Введение в топонимику [Текст] / В. А. Никонов. - М. : Наука, 1965.-180 с.

³ Томахин, Г. Д. Топонимы как реалии языка и культуры [Текст] / Г. Д. Томахин // Вопросы языкознания. - 1984. - №4. - С. 84 - 90.

⁴ Подольская, Н. В. Проблемы ономастического словообразования [Текст] / Н. В. Подольская // Вопросы

номлар узоқ вақт давомида тиллараро алоқалар шароитида ривожланган Шимолий Тожикистонда бу формантлар кўплаб топилади. Ҳозирги вақтда тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирини ўрганишга катта қизиқиш мавжуд, бу муаммони кўриб чиқишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Тилнинг асосий вазифаси халқ маданиятини сақлаб қолиш ва уни авлоддан-авлодга ўтказишдир. Лингвокултурологиянинг аҳамияти маълум бир этник гуруҳ менталитетининг ўзига хос хусусиятларини, унинг дунёқарашлари ва дунё образларини тил қонуниятлари асосида аниқлаш ва тавсифлашдан иборат. Дунёнинг топонимик манзараси дунёнинг умумбашарий манзарасини акс эттирувчи жиҳатлардан биридир, чунки географик номларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи уларни яратган халқнинг маданияти билан белгиланади. Дунёнинг топонимик харитасида фавқулодда барқарорлиги билан ажралиб турадиган географик номлар этник гуруҳ маданиятининг характерини ўзида мужассам этади, одамлар турмуш тарзидаги энг муҳим ва барқарор ўзгаришларни акс эттиради.

Атоқли отлар лингвистик тадқиқот объекти сифатида.

Ономастика – бу атоқли отларни, уларнинг функционал хусусиятларини ва атоқли отларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганадиган лингвистик фандир. Ономастика амалий фан сифатида пайдо бўлган. Унинг муаммоларига қизиқиш нафақат тилшунослик балки адабиёт, география, тарих, этнография ва социология соҳаларида ҳам номларнинг ривожланиши ва қўлланишига бағишланган кўплаб илмий асарларнинг пайдо бўлишидан ҳам билса бўлади. Кўпчилик олимлар, жумладан, А.К.Матвеев, В.А.Никонов, А.В.Суперанская, Н.И.Толстой, В.Н.Топоровлар ономастикани тарих, география, этнография ва б.га нисбатан ёрдамчи эмас, балки мустақил лингвистик соҳа деб ҳисоблайдилар ва улар қуйидаги хусусиятларни ўрганишни тавсия этадилар.

Атоқли отларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш, атоқли отларнинг келиб чиқиши, номлар семантикаси муаммоси, номлар типологияси, номлар таснифи, ономастика тизими, ономастик қонунлар. Ономастика сўз бирикмаларининг муҳим ва хилма–хил қатламини қамраб олади, бу эса уни тегишли номлар билан аталган объектлар тоифаларига мувофиқ бир неча соҳаларга ажратишни талаб қилди: антропонимия (инсонларнинг атоқли отлари тўплами), топонимия (маълум бир тил ёки минтақанинг географик объектларининг номлари тўплами), зоонимия (хайвонларнинг номлари тўплами), фитонимия (ўсимликларнинг номлари тўплами), астрономия (осмон жисмлари номлари тўплами), хоронимия (бирон–бир ҳудуд, вилоят, туман номлари тўплами) ва бошқалар. Топонимия ономастиканинг бир қисми бўлгани учун топонимия назарияси ономастика назариясидан бир бутун сифатида ажралмасдир. Ономастиканинг тармоқлари ўртасида (хусусан, топонимия ва антропонимия ўртасида) органик алоқа мавжуд. Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган атоқли отлар махсус тоифани ташкил қилади ва умумий номлардан фарқ қилади. Булар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун А.В.Суперанскаянинг «Атоқли отларнинг умумий назарияси» китобида битта, умуман қабул қилинган концепциянинг етишмаслигини таъкидлайди ва буни «уларни яратувчиларнинг дастлабки позициялари ва усулларининг ҳозиргилардан фарқ қилиши, шунингдек қидирув баъзан қарама–қарши йўналишларда олиб борилганлиги билан изоҳлайди.¹ Баъзи тилшунослар бу фикрни сўзма–сўз (фарқланмаган) тушунадилар ва атоқли отларнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталмайдилар. Атоқли от алоҳида объектни ёки бир хил номдаги бир нечта объектларни англатади, уларнинг ҳар бири алоҳида қабул қилинади ва шунинг учун у концепция билан бирлаштирилмайди, лекин қўшимча маънога эга бўлиши мумкин. Агар ён маънолардан бири асосий маънога айланса, унда тегишли ном умумий номга айланади. Атоқли от олган объект аниқ бўлади.² Ном концепция

¹ Суперанская, А. В. Общая теория имени собственного [Текст] / А. В. Суперанская. - Изд. 2-е, испр. - М.: Издательство ЛКИ, 2007. - 368 с.

² Суперанская, А. В. Общая теория имени собственного [Текст] / А. В. Суперанская. - Изд. 2-е, испр. - М.: Издательство ЛКИ, 2007. - 368 с.

билан бевосита боғлиқ эмас ва тил даражасида аниқ маънога эга эмас.¹ Бошқача қилиб айтганда, атоқли от «семантик жиҳатдан қисқартирилган» деб айтишимиз мумкин. А.А.Реформацкий ушбу тезисни қуйидаги фикрлари билан қўллаб-қувватлайди: «умумий номнинг атоқлига айланиши, авваламбор, концепцияни йўқотиш ва сўзни тахаллусга айлантиришни англатади; аксинча, атоқли отнинг умумий номга айланиши билан боғлиқ сўзни янги тушунча билан тўлдириш бу тушунча асл умумий ном билан боғлиқ тушунчадан бутунлай фарқ қилиши мумкин».² В.Д.Бондалетов атоқли отни тил-нутқ категорияси деб ҳисоблаб, қуйидаги таърифни беради: «атоқли отлар-бу ҳақиқат субъектларининг айримларини аниқ номлаш учун хизмат қиладиган ва бундай ихтисослашув натижасида маъно, грамматик жиҳатдан баъзи хусусиятларни ривожлантирган тил-нутқ бирликларини (сўзлар ва асосли иборалар) ташкил қилади. Атоқли отнинг мақсади-маълум бир объектни номлаш, уни ўхшаш ёки тегишли объектлар гуруҳидан фарқлашдир. Умумий номлар асосида яратилган атоқли отлар бир хил маънода ишлатилмайди ва уларни бир планда ўрганиб бўлмайди, чунки атоқли отлар семантикаси анча мураккаб. Масалан, Р.З.Мурясов атоқли отлар ва умумий номлар ўртасидаги фарқни бошқа лингвистик хусусиятларни белгилайдиган биринчисининг семантик ўзига хослигида кўради. Бундан ташқари, атоқли от ҳам тиллараро умумийлик хусусиятига эга: у бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиниши шарт эмас.³ Атоқли отлар номинатив бўлиб, уларни умумий номлардан ажратиб турадиган семантик маъно мавжуд. А.А.Реформацкий умумий номларнинг «максимал концептуал» ва атоқли отларнинг «максимал номинатив»лигини таъкидлайди.⁴ А.В.Суперанская таъкидлаганидек, умумий ном, номланган объектни синф билан ўзаро боғлайди, асосий ва қўшимча маънога эга (номланган объект билан алоқа концепция

¹ Гумболт юкорида келтирилган асар. 324 б

² Реформатский, А. А. Введение в языковедение: Учебник для вузов [Текст] / А. А. Реформатский ; Под ред. В. А. Виноградова. - 5-е изд., испр. - М.: Аспект Пресс, 2005. - 536 с.

³ Мурясов, Р. З. Имя собственное в современном немецком языке [Текст] / Р. З. Мурясов. - Уфа: Изд. Башк. ун-та, 1983. - 90 с.

⁴ Реформатский, А. А. Топономастика как лингвистический факт [Текст] / А. А. Реформатский // Топономастика и транскрипция. - М., 1964. - С. 9 - 34. 212

орқали амалга оширилади). Номланадиган объект аниқланма¹ган ва чекланмаган (аниқ нутқ ҳолатларидан ташқари) бўлади. Ўз навбатида, тегишли ном билан белгиланган объект ҳар доим аниқланади ва қатъий чекланади. Ҳар қандай атоқли от, шунингдек умумий ном, у ёки бу маълумотни ўз ичига олади.² А.В.Суперанскаянинг фикрича «объект қанчалик аниқ бўлса, у атрофдаги ландшафтдан шунчалик аниқ ажратиб олинади, унинг ўз номига эга бўлиш қобилияти катта ва номининг ўзи ҳам аниқ бўлади».³ Атоқли ва умумий номлар турли даражадаги лексик мавҳумликка эга. О.С.Ахманова ўз асаарида таъкидлаганидек, умумий номлар белгили функциядан маҳрум бўлиб, маълум нарса, ҳодиса, ҳолат ва ҳоказоларни кўрсатувчи оддий белгидир. А.А.Реформацкий бу нуқтаи назарни қўллаб–қувватлайди. А.В.Суперанская, аксинча, умумий номлар умумлаштириш қобилиятига эга бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. В.А.Жучкевичнинг фикрича, географик номлар умумий тушунчани конкретлаштириш ва индивидуаллаштириш жараёнида тил таракқиётининг нисбатан кейинги босқичида умумий номлардан вужудга келган атоқли отлар синфига киритилади.⁴ Топонимларнинг ўзига хослиги топонимларнинг яратилишида иштирок этувчи иккиламчи лингвистик элементлар ҳамда уларнинг кўпчилигининг узоқ давом этиши билан белгиланади.⁵ Номлар тилнинг сўз бойлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, топонимлар сўз бирикмаларининг алоҳида қатламлари билан аниқроқ алоқаларни кўрсатади. Географик номлар, кўп ҳолларда номлар бўлиб, нутқнинг бошқа қисмларидан фарқ қилади. Атоқли отларга мурожаат қилганда, топонимлар алоҳида нарсаларга ишора қилади ва умумий номлар билан таққосланади. Топонимларнинг ёнма–ён жойлашиши номланган объектларнинг

¹ Суперанская, А. В. Общая теория имени собственного [Текст] / А. В. Суперанская. - Изд. 2-е, испр. - М.: Издательство ЛКИ, 2007. - 368 с.

² Подольская, Н. В. Какую информацию несет топоним [Текст] / Н. В. Подольская // Принципы топонимики. - М.: Наука, 1964. С. 87 - 99. 211

³ Суперанская, А. В. Апеллятив - онама [Текст] / А. В. Суперанская // Имя нарицательное и собственное. - М., 1978. - С. 32 - 33.

⁴ Жучкевич, В. А. Общая топонимика: Учеб. пособие [Текст] / В. А. Жучкевич. - 3-е изд., перераб. - Мн.: Высш. школа, 1980. - 288 с.

⁵ Леонович, О. А. Страноведение Великобритании [Текст] / О. А. Леонович. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: КДУ, 2004. - 253 с.

табиатидаги фарқдан келиб чиқади. Тилшуносликда атоқли отларнинг алоҳида мавқеи мустақил лингвистик соҳаси бўлган ономастиканинг янада шаклланишига олиб келди. Географик номлар тил сўзлари билан бир хил парадигматик ва синтагматик хусусиятларга ва тоифаларга эга, аммо тил луғатининг бир қисми бўлган топонимлар ўз номларига, махсус гуруҳга тегишли. Ономастика объекти миллионлаб birlikларга эга ва бу уларни ўрганиш жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ономастиканинг асосий вазифаларидан бири ономастик семантика назариясини ишлаб чиқишдир. Е.Л.Березович атоқли от семантикасининг икки ўлчамини—семантик горизонтал (ономастик коднинг маънавий маданиятнинг бошқа таржима кодлари билан ўзаро боғлиқлиги, хусусиятларини аниқлаш) ва семантик вертикал («оним семантикасининг кўп даражали моделини яратиш») таҳлил қилади. Семантик горизонталда тилшунос ўзаро таъсирнинг иккита ҳолатини кўриб чиқади:

1) ном прецедентга айланади ва кўшни ономастик, апеллятив маданий кодларга кириб боради;

2) умумий тил номи бошқа маданий кодлар билан такрорланиб, маданият ономастикаси фактига айланади.¹

Семантик вертикалнинг батафсил кўринишини М.В.Голомидова куйидагича беради:

1) бирор номнинг умумий категориал семантикаси;

2) алоҳида категориал семантикаси (онома—умумий атама);

3) алоҳида ҳарактерловчи ва индивидуаллаштирувчи семантикаси;

4) фреймлар (лисоний бўлмаган билимлар).²

В.Д.Бондалетов номнинг семантикаси унинг «таркибий ва лингвистик мазмуни» эканлигини таъкидлайди, бу концептуал принципнинг яширин ифодаланиши туфайли «мавҳум—таркибий» (лингвистик) мазмунга қараганда ночоррокдир. Шунинг учун «тил» ва «нутқ» оппозицияларини ҳисобга олган ҳолда ономастика тушунчасини аниқ фарқлаш лозим. Ва албатта, ономастик

¹ Березович, Е. Л. Русская ономастика на современном этапе: критические заметки [Текст] / Е. Л. Березович // Известия АН. Серия литературы и языка. - М., 2001. Том 6. № 6. - С. 34 - 46.

² Голомидова, М. В. Искусственная номинация в ономастике [Текст] / М. В. Голомидова. - Екатеринбург, 1998.

бирликларнинг таърифлари лисоний ва нутқий аспектлардаги тадқиқотларни ўз ичига олиши керак.¹ Номларнинг тузилиши ва фаолиятига оид юқоридаги маълумотларни умумлаштирган И.Р.Литвиннинг нуқтаи назарича жисмоний ва географик хусусиятларнинг номлари иккита муҳим ва функционал жиҳатдан турли хил таркибий қисмлардан иборат: топоним (атоқли от) ва унга қўшилган географик атама (умумий ном). Ушбу топонимик умумийлик ҳар қандай тил ва ҳар қандай топонимик тизимга тегишли бўлиши мумкин. Шу билан бирга, атоқли от ҳар бир объектни бир хил (Днепр дарёси – Дунай дарёси – Вистула дарёси) ҳар бирини алоҳида номлайди. Умумий ном эса ушбу объектнинг бошқалари билан умумий хусусиятларини таъкидлайди, уни бир қатор тушунчалардан ажратиб туради ва уни бир хил булган доирага киритади (Ок дарё–Оқ денгиз–Оқ кўл).² «Семантик жиҳатдан боғлиқ номлар, коида тариқасида, объектлар ғоясини батафсил баён қилиш натижасида пайдо бўлади: топонимик тизим дастлаб фақат ҳудуднинг контурларини белгилайди, сўнгра географик объектларнинг амалий ривожланиши давомида тафсилотларни белгилашни бошлайди. Катта дарёнинг кичик ирмоғи бор, тоғнинг иккита чўққиси бор ва дала чизиқларга бўлинган. Табиий комплексларнинг бўлиниши ва объект ҳақидаги батафсил ғоялар номда акс эттирилиши керак. Топонимлар семантик боғланиши ана шундай фарқлаш усулларидан биридир».³ Барча атоқли отлар ономастик маконни ташкил қилади, нутқ вазиятлари бўйича тенг тақсимланади ва номланган объектнинг аниқ кўрсатмасини беради. Бошқача қилиб айтганда, топонимларнинг асосий вазифаси объектларни ҳудудий рўйхатга олишдир. Шундай қилиб, топонимларнинг фазовий тарқалиши уларга маданий маълумотларнинг вакиллари ва сақловчилари бўлишга имкон беради.⁴ Номинатив белги–денотатни билиш натижаларини акс эттирувчи ташқи (ифода

¹ . Бондалетов, В. Д. Русская ономастика: учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. № 2101 «Рус. яз. и лит.» [Текст] / В. Д. Бондалетов. - М.: Просвещение, 1983. - 224 с.

² Литвин, И. П. О структуре и функционировании названий физикогеографических объектов в своей и чужой языковой среде (на материале некоторых европейских языков) [Текст] / И. П. Литвин // Ономастика. Типология. Стратиграфия. - М. : Наука, 1988. - С. 68 - 86.

³ Березович, Е. Л. Семантические микросистемы топонимов как факт номинации [Текст] / Е. Л. Березович // Номинация в ономастике : Сб. статей. - Свердловск : Изд-во Урал, ун-та, 1991. - С. 75 - 90.

⁴ Суперанская, А. В. Аpellятив - онома [Текст] / А. В. Суперанская // Имя нарицательное и собственное. - М., 1978. - С. 32 - 33.

режаси) ва ички (мазмун режаси) томонга эга бўлган икки томонлама ҳуқуқий бирликдир. Ономастик макон ўзига хосдир, яъни ҳар бир этник гуруҳ географик объектни таъкидлаш ва белгилаш учун ўзига хос лексик бирликларга эга бўлади. Бундай ҳолат номинациялар дунёқарашига боғлиқ. Шундай қилиб, ҳар бир этник жамият маълум бир ҳудудда тарихий маконда географик номларнинг шаклланишининг маълум тизимига эга бўлиши мумкин. Географик номлар улар яратилган даврдан бошлаб турли ҳодисалар рўй беришидан қатъий назар сақланиб қолади ва келгуси авлодларга тиллар, халқларнинг миграция йўллари, уларнинг алоқаси ва айрим миллатларнинг йўқ бўлиб кетиши ҳақидаги маълумотларни етказадиган муҳим манба саналади. Топонимик тизим маълум бир гуруҳнинг этник ва маданий маълумотларини қайд этади ва халқларнинг жойлашув ҳудудлари ва чегаралари, тарихий воқеалар, жисмоний ва географик хусусиятлар тўғрисида қимматли маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. Бинобарин, ономастика соҳасидаги тадқиқотлар тарихий ва этнографик саволларни ҳал қилишга ёрдам беради (тарихий майдондан чиқиб кетган ёки бошқа жойларга кўчиб ўтган халқлар ҳақида);

лингвистик (номларнинг лингвистик мансублигини ўрнатиш, морфологик алмашинувлар, таркибий турлар, фонетик ва фонематик ўзгаришларни аниқлаш);

социологик (маданият ва бошқа ҳудудларга кўчиб ўтган халқлар ҳақида) адабий (вақт ва маконда мос ёзувлар нуқтаси сифатида ном) ва бошқалар.

Бундан ташқари, баъзан номларнинг шакллари, уларнинг тили ва сиёсий йўналиши ва географик хусусиятлари ўзгаради, бу ҳол географик номлар таркибига ўзгариш ва қўшимчалар олиб келади. Муайян ҳудуд топонимларини ўрганаётганда ушбу ҳудуд географияси, тарихи ва бошқа маълумотларни, хусусан антропонимларни таҳлил қилиш ва ўрганиш керак, бу бизга маъносини аниқлаш қийин бўлган номларни очишга ёрдам беради. Ана шу жиҳатлар билан боғлиқ ҳолда топонимика муаммоларини атрофлича ўрганиш лозим.

XVIII–XIX аср олимлари биринчилардан бўлиб объектларнинг номларини тасвирлаш ва хариталаш жараёнида жамлаб, улардан фойдаланганлар. Илмий

топонимика асосларининг келиб чиқиши тилшуносликда қиёсий тарихий методнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шунга қарамай, географик номлар соҳасидаги баъзи дастлабки асарлар номларни талқин қилиш, халқ этимологиясини ўрганишдан бошқа нарса эмас. Вақт ўтиши билан топонимиянинг махсус билим соҳаси сифатида шаклланишини кўрсатадиган илмий асарлар вужудга келди. Ономастиканинг ривожланишида уч давр мавжуд:

1) илмий ўрганиш ёки тайёргарлик босқичи (XIX асргача, топонимларнинг келиб чиқишини тушунтириш учун қиёсий–тарихий методдан фойдаланишгача);

2) ономастиканинг фан сифатида шаклланиши (XIX – XX аср бошлари). Топонимикани лингвистик ўрганиш тарихий–географик маълумотлар ҳамда қиёсий–тарихий тилшунослик кашф этган фонетик қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда ҳарактерлидир.

3) илмий ёки ономастик (XX асрнинг 20–йилларидан то ҳозирги кунгача). Бу давр илм аҳли ономастик материалдан хабардорлиги билан ажралиб туради ва топонимикани мустақил фанга ажратишни талаб қилади.¹

Дастлабки даврида, яъни фаннинг шаклланиш даврида ёзма ёдгорликлар асосида топонимик материал тўпланади ва топонимик моделларнинг тарихий–географик томони ўрганилади. Олимларнинг асарлари тарихий ономастиконлар бўлиб, уларда номларнинг мавжуд шакллари қайд этилган. Бу давр топонимларни ўрганишга тизимли ёндашиш йўлидаги муҳим қадам бўлди:

1) топонимик материал тўплаш амалга оширилади;

2) илмий этимологиянинг шаклланишига ҳисса қўшган географик номларнинг келиб чиқишини ўрганиш;

3) топонимлар ва жамият тараққиётидаги воқелик ўртасидаги муносабатни аниқлаш.

Шуни таъкидлаш керакки, топонимия XVIII асрдан бошлаб узоқ вақт давомида мустақил равишда ривожланиб, тилшунослар ва тарихчиларнинг ўрганиш мавзуси бўлган. Географик номларни ўрганишга мистик ёндашув

¹ Бондалетов, В. Д. Русская ономастика : учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. № 2101 «Рус. яз. и лит.» [Текст] / В. Д. Бондалетов. - М.: Просвещение, 1983. - 224 с.

уларнинг тизимда (умуман) тадқиқ қилинишига ва номларни кўп ўлчовли кўриб чиқишга тўсқинлик қилди. Россияда географик номларга илмий географик маълумотларнинг муҳим манбаи сифатида доимий қизиқиш XVIII асрдан бошланган бўлиб, бу ҳол ҳозиргача давом этмоқда. Тарихчи ва географ олим Б.Н.Татищев топонимикани географиянинг элементи деб ҳисоблаган топонимик тадқиқотларнинг асосчиси ҳисобланади. 1904 йилда Россия География жамиятида географик терминологияни ўрганиш бўйича картографик комиссия ташкил этилади ва бу комиссия таркибига тилшунос олимлардан А.А.Шахматов, И.А. Бодуин Де Курите, А.Д.Руднев ва бошқалар киритилади. XIX асрнинг охиридан бошлаб амалий грамматика ва картография талаблари туфайли топонимияга қизиқиш янади ортди. Топонимикага оид асарлар нашр этилиб, АҚШ, Англия, Россия, Франция, Германия ва Полшада географик номларни ўрганиш бўйича комиссиялар ва жамоалар ташкил этилган. Шундай қилиб, XVIII–XIX асрларда топонимик йўналиш асослари қўйилди, муҳим материаллар тўпланди ва топонимиянинг айрим ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Кейинги пайтда номларни ўрганишга тизимли ёндашув кўп тармоқли бўлмоқда. Булар қуйидагилар :

- 1) топонимларнинг морфологик тузилиши;
- 2) умумий тилшунослик нуқтаи назаридан топонимика муаммолари;
- 3) социолингвистик масалалар;
- 4) тарихий ва лингвистик масалалар;
- 5) прагматик аспект¹.

Топонимика фан сифатида, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан олимларнинг илмий асарларида кенг планда ўрганила бошланди. Тарихчилар, географлар ва тилшунослар ушбу фанни қайси фан доирасига киритиш борасида узоқ баҳслашдилар. Кўп жиҳатдан географик номларни ўрганиш назарияси ва амалиёти тилшуносларнинг асарлари билан олдиндан белгилаб қўйилган. В.А.Никонов «Топонимияга кириш» китобида бир қатор асосий топонимик

¹ Кузиков, В. В. Топонимика немецкого языка. Учебное пособие [Текст] / В. В. Кузиков. - Уфа : Изд. Башк. ун-та., 1985. - 80 с. 207

ТОПОНИМИК СИСТЕМАНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Топонимлар ономастиканинг алоҳида тадқиқ манбаи сифатида

Оламда ҳар нарсанинг номи бор. Энг улкан предметлардан тортиб кўзга кўринмас заррачаларнинг ҳам ўз номи мавжуд. Бу дунёда номсиз мавжуд бўлиш мумкин эмас. Ном нарса ва ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш учун зарурдир. Тушунчаларни фарқлаш жой номларига ҳам бевосита тааллуқли. Ҳар қандай жойнинг номи, уни бошқалардан фарқлайдиган атамаси ҳамда шу атама билан боғлиқ сўзлар гуруҳи мавжуд бўлади. Жой номларини бир-биридан фарқлашга хизмат қиладиган бирлик - топонимдир. Топоним юнонча сўз бўлиб, топос - жой, онома - ном. Демак, топоним - жой номи.

Жаҳон тилшунослигида Х.А.Смит, А.Л.Даузат, Г.Ж.Коплей, Г.В.Лемон кабиларнинг илмий изланишлари топонимиканинг фан сифатида шаклланишида алоҳида эътирофга лойиқ¹.

Х.А.Смитнинг тадқиқотида топонимларнинг назарий асослари, А.Л.Даузат ишида француз топонимларининг маъно гуруҳлари ёритилган. Г.Ж.Коплейнинг ишида жойларнинг умумий ва машхур номлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган бўлса, Г.В.Лемон инглиз тилидаги топонимларнинг этимологиясига оид қарашларини баён этган.

¹Smit A.H. English Place-Names Elements. – Cambridge: 1956. – 163 p.; Алберт Даузат. La Toponymie française. – Paris: Bibliothèque scientifique, Payot, 1960, Réimpression 1971 – 168 p.; Copley, G. J. Names and Places with a short dictionary of common or wellknown place-names. – London: Phoenix House Ltd., 1963. – 226 p.; Лемон Г.Б. English Etymology. – G.: Robinson, 1783. – 693 c.

Топоним тушунчасига таъриф берган машхур рус тилшунослари Н.В.Подольская ва А.В.Суперанскаялар “топонимлар Ер планетасидан ташқари ҳар қандай географик номларни ифода этувчи барча сўзлар учун умумлаштирувчи атамадир”¹, – дея қайд этишган.

В.А.Никонов томонидан “топонимика географик номларни ўрганиш билан шуғулланувчи; тил тарихи, диалектология, этимология, лексикология соҳалари билан кесишадиган; тарих, география, этнография билан узвий алоқадорликда бўлган тилшуносликнинг алоҳида бўлими”² эканлиги баён қилинган.

Д.Э.Розенталь, М.А.Теленковалар топонимикани “лексикологиянинг географик номларни ўрганувчи бўлими; бирор ҳудуднинг географик номлари жамланмаси”³, деб таърифлаган.

Ҳ.Ҳасанов “топоним деб бир жой номига айтилади: лотинча топос - ер, онома-ном, исм. Жой номлари йиғиндиси топонимия бўлади. Жой номларини ўрганувчи фан эса топонимика деб аталади. Топонимист шу соҳа билан шуғулланувчи мутахассис”⁴ эканини қайд этади.

Топонимика соҳасининг мутахассисларидан бири С.Қораев топонимика ҳақида тушунча берар экан, “топонимика деганда жой номларини ўрганадиган фанни, топонимия деганда эса географик номлар йиғиндисини назарда тутамиз”⁵, деб шарҳ бериб ўтган.

Топоним ва у билан боғлиқ атамаларнинг кенг қамровли моҳияти Э. Бегматов ва Н.Улуқовларнинг луғати⁶да ҳам ёритилган. Чунки ушбу луғатда топоним билан алоқадор 130 га яқин атама изоҳланган. Луғат муаллифлари топонимга қуйидагича таъриф берган: *“ер юзасининг қуруқлик қисмида жойлашган табиий-жузғрофий ва сунъий (инсон яратган) объектларнинг атоқли оти: ойконим, ороним, спелеоним, хороним, урбаноним, дримоним,*

¹ Подольская Н.В., Суперанская А.В. Терминология ономастики // Вопросы языкознания. – 1969. – № 4. – С.141.

² Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – С.164.

³ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Справочник лингвистических терминов. – М., 1972. – С.447.

⁴ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965. – Б.3.

⁵ Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – Б.6.

⁶ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.76-83.

некроним ва б.”¹. Географик объектнинг атамашуносликдаги умумлашма номи *топоним* ҳисобланар экан, ушбу атама асосида *топонимия*, *топонимика* кабилар тегишли ҳудудда яшайдиган миллат ва халқларнинг ўтмишини, тарихий ривожланишини ҳамда этник жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Ономастикада *топоним*, *топонимия*, *топонимика* каби тушунчалар бири иккинчисини, иккинчиси учинчисини тақозо этади. *Топоним* – ҳар қандай жойнинг номи; *топонимия* – бирор тил ёки ҳудудда учрайдиган жой номлари мажмуаси², *топонимика* (*топонимистика/топономастика* деб номланиш ҳам кузатилади) - номшуносликдаги жой номларининг пайдо бўлиши, ривожи, вазифавий хусусиятларини ўрганувчи соҳаси¹дир.

А.Вамбери, В.В.Бартольд, М.Е.Массон, С.П.Толстов, Э.М.Мурзаев, Я.Ғуломов, С.Ғ.Кляшторний, Ф.Абдуллаев каби атоқли шарқшунослар Ўрта Осиё топонимикасига доир талай мақолалар ёзганлар³.

Ономастиканинг йирик йўналиши бўлган топонимика ўзбек тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан алоҳида соҳа сифатида шакллана бошлаган.

Топонимикага оид ишларнинг дастлабки муаллифи таниқли ўзбек географ олими Ҳ.Ҳасанов ҳисобланади. Олим Ўрта Осиё топонимиясини кенг камров билан ўрганганлиги билан ажралиб туради. Унинг «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» асарида топонимиканинг назарий масалаларига доир қарашлари ҳамда кўплаб жой номларининг изоҳи келтирилган.

С.Қораев топонимикани қайси фанлар қаторига киритиш керак, деган мунозара узоқ давом этганлигини таъкидлаб, географик номлар, яъни топонимлар тил луғат таркибининг бир қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунди: сўзни, албатта, тилшунослик - лингвистика фани ўрганиши керак. Демак, олим топонимика атоқли отларни ўрганадиган ономастика фанининг бир қисми бўлиб, тилшунослик фанлари қаторига киради⁴, деб уқтирган.

¹ Бегматов Э., Улуков Н. Кўрсатилган луғат. – Б.76-77.

² Бегматов Э., Улуков Н. Кўрсатилган луғат. – Б.81.

³ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965. – Б.4.

⁴ Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – Б.7.

С.Қораевнинг “Географик номлар маъноси” китобининг “Топонимика хақида тушунча” ҳамда “Топонимикага оид терминлар”¹ қисмларида жой номлари билан боғлиқ асосий тушунчалар шарҳланган.

Ўтган асрнинг тўртинчи чорагида яратилган бу асар собиқ иттифоқ илм-фани талаблари асосида яратилган. Унда миллий-сиёсий мустақиллигимиздан олдинги даврдаги илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат, айтиш мумкинки, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилган ишлар, соҳалар бўйича тадқиқотлар, эришилган ютуқлар коммунистик мафкурага асосланган иттифоқ миқёсида баҳоланган. Топонимия бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, хуллас, барча ҳаракатлар рус ва россиялик олимлар номи билан боғланган.

С.Қораевнинг қайд этишича, А.И.Попов, В.Гумбольдтни топонимия соҳасида анча хизмат қилган биринчи олим деб эътироф этган². Марказий ва Ўрта Осиё жой номларини ўрганиш рус мутахассислари фаолиятида асосий ўринни эгаллагани маълумдир. Бу борада В.В.Бартольд, Л.С.Берг, А.Х.Востоков, С.Б.Веселовский, В.Вяткин, А.П.Дульзон, В.А.Жучкевич, Ю.А.Карпенко, М.Е.Массон, А.К.Матвеев, Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов, А.И.Соболевский, В.П.Семенов-Тянь-Шанский, Б.А.Серебренников, А.В.Суперанская, В.Н.Топоров, А.И.Попов, С.П.Толстов, А.М.Шёгрэн, В.Б.Шостакович каби олимлар кенг кўламли фаолият олиб борган.

Ўрта Осиё тарихий географиясини ўрганишда Н.В.Хаников, Л.Н.Соболев, Н.Ф.Ситянковскийларнинг хизмати каттадир³. Хусусан, тарихчи олим В.Л.Вяткиннинг номини алоҳида тилга олиш зарур. Чунки В.Л.Вяткин Тошкент ва Самарқанд ҳудудларига мансуб топонимларни тадқиқ қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатган. У вақф ҳужжатлари асосида топонимларнинг маъноси, пайдо бўлиш тарихи ҳамда талаффуз жиҳатларини таҳлил этган⁴. Бу

¹ Қораев С. Кўрсатилган асар. –Б. 6-23; 190-197.

² Қораев С. Кўрсатилган асар. –Б. 6-23.

³ Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843; Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения О Зерафшанском округе с приложением списка населенных мест округа. – СПб., 1874; Ситянковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана. ИТОРГО. Т.1, вып. 2. 1900. – С.121-314. Бу ҳақда қаранг: Қораев С. Кўрсатилган асар. – Б. 18-19.

⁴ Вяткин В.Л. К исторической геграфии Ташкентского района. ПТКЛА,1900. – С. 156-159; Материалы к

ҳақда маълумот берган С.Қораев В.Вяткин фаолиятига В.В.Бартольднинг жуда юксак баҳо берганлигини қайд этган.

XIX аср охири XX аср бошларидаги рус шарқшуносларидан академик В.В.Бартольднинг асарлари топонимикада алоҳида ўрин тутади. В.В.Бартольд асарларини ўрганмасдан туриб Ўрта Осиё топонимикаси билан шуғулланиб бўлмайди¹.

Ўрта Осиё топонимиясининг қадимги ҳолати ҳақида А.Л.Хромовнинг асарида ҳам маълумотлар берилган. Жумладан, жой номлари ҳақидаги фан - топонимиянинг шаклланиши узоқ тарихга бориб тақалишини шарқшунос ва тилшунос А.Л.Хромов маълумотларидан билиб олиш мумкин. Унинг хабар беришича, ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудининг топонимикаси эрамиздан аввалги I асрда грек олими Страбон, Ибн Хўрдодбех (IX аср), Абу Жаъфар Наршахий (X аср), Муқаддасий (X аср) ва бошқаларнинг асарларида илк топонимик маълумотлар учрайди.

Топонимикага доир илмий асосланган илк фикрлар араб олими Ёқут томонидан баён этилган. “Ёқут Ўрта Осиё ва мусулмон Шарқининг биринчи топонимисти деб ҳисобланади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг географик муаммоларни таҳлил қилиш усули ҳозирги замон методларини, айниқса, топонимларни топоформант (топонимлар таркибидаги грамматик шакллар) ларга ажратиб таснифлаш методини эслатади.

Ўрта Осиё топонимиясини фаол ўрганиш фақат XIX асарнинг II ярмидан бошланди. Шу пайтдан бошлаб топонимика масалаларига дахлдор бўлган барча ишларни улардаги материалнинг баён этилиш характериға кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга махсус топонимик кузатишлар, яъни географик номлар ўрганиш объекти бўлган ишлар киради. Муаллифлар у ёки бу даражада топонимик масалаларни ёритган тарих, география ва ўлкашуносликка оид асарлар иккинчи гуруҳни ташкил этади”². А.Л.Хромов ўз фикрларини давом эттириб, X–XIII асрлар Мовароуннаҳр топонимиясининг

исторической географии Самаркандского вилайета. СКСО, вып. VII, 1902. – С.1-63.

¹ Қораев С. Кўрсатилган асар. – Б. 19.

²Хромов А.Л. Очерки по топонимии и микропонимии Таджикистана. – Душанбе: изд-во «Ирфон», 1975. – С. 7.

катта фоизини исломгача бўлган даврдан мерос қолган шарқий эроний суғдий, хоразмий ва эҳтимол, бақтрия тилига оид топонимлар ташкил қилади. XIII аср Мовароуннаҳр топонимиясининг шаклланиш жараёни туркий элементларнинг кучайиши ва бунинг оқибатида шарқий эроний қатламнинг сиқиб чиқарилиши билан боғлиқ. Шарқий эроний топонимиядаги жадал бузилишлар ва мослашишлар, айниқса, тожик тили туркий тиллар билан алмашган ҳудудларда содир бўлди. Туркий тилли аҳоли учун қабул қилинган топонимия айнан «гунг» топонимия эди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг шимолий ҳудудларида шарқий эроний топонимия элементлари кам миқдорда сақланиб қолган¹, дея қайд этган.

Баён қилинганлардан шу ҳолат аниқ бўладики, Ўрта Осиё топонимикаси билан боғлиқ масалалар, илк изланишлар, унинг муаммолари билан шуғулланиш узоқ даврларга бориб тақалади. Топоним ва бошқа географик объектлар номлари ҳақидаги фикрларни баён этиш ҳамда шарҳлаш мутафаккир алломаларимиз - Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Рашидиддин, Абу Жаъфар Наршахий, Шарафиддин Али Яздий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурахмон Самарқандий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Абу Тохирхожа кабиларнинг қомусий мерослари орқали бизгача етиб келган. “Девону луғотит турк”, “Ҳудуд ул-олам”, “Шажарайи турк”, “Бобурнома”, “Убайдуллонома”, “Абдуллонома” ва бошқа шу каби манбалардан, Ўрта Осиё ва унинг халқлари тарихи, илм-фани ва маданияти, этнографияси ва археологиясига оид тадқиқотлар олиб борган олимлар В.В.Радлов, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, В.И.Шишкин, С.П.Толстов, О.И.Смирнова, М.Е.Массон, И.И.Умняков, Л.Н.Гумилев, Г.А.Пугаченкова, Я.Ғуломов каби олимларнинг асарларидан тегишли маълумотларни олиш мумкин. Бу асарлар жой номлари борасидаги кузатишлар учун асос, манба вазифасини ўтайди.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Ўрта Осиё, шу жумладан Тожикистон топонимикасини ўрганиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бу ишлар сирасига анжуман материалли, маъруза, мақоладан бошлаб

¹ Хромов А.Л. Кўрсатилган асар. – Б. 9-10.

монография ва диссертацияларни киритиш мумкин.

Топонимия соҳасининг йўналишилари бўйича қатор диссертациялар яратилдики, уларда Ўзбекистон ҳудудига оид жой номларини йиғиш, аниқланган материални мавзу гуруҳлари бўйича тизимлаштириш, лексик–семантик ва этимологик хусусиятларини тадқиқ этиш каби вазифалар ўз ечимини топган.

Бу тадқиқотларни ўрганиш кўламига кўра бир неча гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1–гуруҳга катта ҳудуд топонимияси материали қамраб олинган ишлар кирази: С.Қораевнинг «Опыт изучения топонимии Узбекистана», О.Бегимовнинг «Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами» (1999);

2–гуруҳга вилоят топонимияси тадқиқ қилинган ишларни киритиш мумкин: Т.Нафасовнинг «Топонимы Кашкадарьинской области» (1968), (1969), З.Дўсимовнинг «Топонимы Северного Хорезма» (1970), Ш.Қодированинг «Микротопонимы Ташкента» (1970), Ё.Хўжамбердиевнинг «Историко–этимологическое исследование топонимы Сурхандарьинской области» (1974), С.Наимовнинг «Ойконимы Бухарской области» (1984), М.Рамазанованинг «Развитие ойконимии Ташкентской области в современный период» (1986), А.Зокировнинг «Топонимия Джизакской области Узбекской ССР» (1991);

3–гуруҳга шаҳар ва унга тегишли ҳудудлар топонимияси ўрганилган ишлар кирази: Т.Раҳматовнинг «Топонимия города Самарканда и его окрестностей» (1973), Ж.Латиповнинг «Топонимия города Маргелана и его окрестностей» (1975), Н.Охуновнинг «Топонимы Кокандской группы районов» (1978), Н.Мингбоевнинг «Топонимия Мирзачуля» (1988), Т.Эназаровнинг «Шахрисабз ҳудуди жой номларининг тарихий–қиёсий тадқиқи» (1993), Х.Бўриеванинг Тошкент шаҳрининг тарихий топонимияси (XIX аср охири – XX аср бошлари) (2007);

4–гуруҳга бирор туман топонимияси тадқиқ объекти бўлган ишлар кирази: Х.Холмўминовнинг «Микротопонимия Бойсунского района и его

окрестностей» (1993), Ў.Ориповнинг «Нурота тумани макро ва микротопонимиясининг лисоний таҳлили» (2003), А.Аслоновнинг «Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили» (2005);

5–гуруҳга топонимиянинг бирор соҳаси тадқиқ этилган ишлар киради: Н.Бегалиевнинг «Самарқанд вилояти гидронимлари» (1994), А.Отажоновнинг «Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари» (1997), А.Туроповнинг «Самарқанд вилояти этноним ва этнотопонимларининг таҳлили» (1999), Ш.Темировнинг “Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи” (2019) каби диссертацияларини киритиш мумкин.

Соҳага оид докторлик диссертациялари ҳам яратилди. Булар сирасига лингвистика йўналишида З.Дўсимовнинг «Историко–лингвистической анализ топонимии Хорезма» (1986) ҳамда география йўналишида С.Қораевнинг «Ўзбекистон ойконимлари» (1998) каби ишлари киради.

Топонимия муаммолари ечимига қаратилган алоҳида нашрлар, монографиялар ҳам яратилдики, улар ҳам, асосан, юқорида номлари зикр этилган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган. Бундай ишлар қаторига С.Қораевнинг «Топонимика» (Т., 1970), «Географик номлар маъноси» (Т., 1978), “Топонимика - географик номлар ҳақидаги фан” (Т., 1980), «Тошкент топонимлари» (Т., 1991), «Топонимия Узбекистана» (Т., 1991), «Ўзбекистон вилоятлари топонимлари» (Т., 2005), «Топонимика» (Т., 2006); Э.Бегматовнинг «Жой номлари – маънавий кўзгуси» (Т., 1998); З.Дўсимовнинг «Хоразм топонимлари» (Т., 1985), «Жой номларининг қисқача изоҳли луғати» (Т., 1977; ҳаммуаллиф Х.Эгамов), «Жой номларининг сири» (Хива, 2001; ҳаммуаллиф М.Тиллаева), «Топонимика асослари» (Т., 2002; ҳаммуаллиф М.Тиллаева); Т.Нафасовнинг «Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи» (Т., 1985), «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати» (Т., 1988), “Қишлоғингиз нега шундай аталган?” (Т., 1989), «Ўзбек номномаси» (Қарши, 1993), “Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари” (Т., 2008; ҳаммуаллиф Ш.Турсунов), “Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи” (Т., 2009); Б.Ўринбоевнинг «Самарқанд

вилояти топонимларининг изоҳи» (Самарқанд, 1997), «Асрлардек барҳаёт номлар» (Самарқанд, 2003), “Жиззах топонимларининг таъбири” (Самарқанд, 2007); Н.Йўлдошевнинг “Бухородаги айрим авлиёлар тарихи” (Бухоро, 1993); С.Каримовнинг “Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида” (Т., 2006; ҳаммуаллиф С.Бўриев); К.Назаровнинг “Жой номларини йиғиш сўроқномаси” (Т., 1995; ҳаммуаллиф Т.Эназаров); Т.Эназаровнинг «Топонимларни этимологик тадқиқ қилишнинг илмий–назарий ва амалий–услубий асослари» (Т., 2001), «Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи» (Т., 2002), «Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини» (Т., 2004); “Номшунослик масалалари” (Т., 2010); Л.Каримованинг «Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши» (Т., 2002); А.Мухаммаджоновнинг «Қадимги Тошкент» (Т., 2002); С.Наимовнинг «Бухоро области топонимияси» (Т., 1984), «Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати» (Бухоро, 1997); А.Отажонованинг «Хоразм топонимлари» (Т., 1997); Н.Охуновнинг “Жойлар ва номлар” (Т., 1986), «Тил ва жой номлари» (Т., 1988), «Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари» (Т., 1989), «Жой номлари таъбири» (Т., 1994) каби асарлари мансубдир.

Ўрта Осиё географияси ҳамда топонимиясини тадқиқ этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширган атоқли олим Ҳ.Ҳасановнинг «Географик номлар имлоси» (Т., 1962), «География терминлари луғати» (Т., 1964), «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» (Т., 1965), «Ер тили» (Т., 1977), «Сайёҳ олимлар» (Т., 1981), «Географик номлар сири» (Т., 1985) асарлари диққатга лойиқдир.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, топонимика бўйича тадқиқотлар маълум бир изчилликка эга эмас. Бажарилган ишлар алоҳида олинган ҳудуд ёхуд мамлакат (вилоят, шаҳар, туман) топонимларининг маълум бир гуруҳини лексик–семантик, этимологик тадқиқ этиш юзасидан олиб борилган.

Шу нуқтаи назардан қаралса, топонимлар ҳудуд жиҳатидан кенг ёки тор қамров билан тадқиқ этилади. Бу ҳақда фикр юритган Е.М.Поспелов топонимик

материални глобал, локал, тўлиқ, тўлиқсиз кабиларга ажратган эди¹. Амалга оширилган тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жойлар кесимида аниқланган топонимлар тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Топонимларни муайян ҳудудга кўра ўрганиш ўзига хос илмий–методик аҳамиятга эга. Бунда ҳудуднинг топонимияси ҳар томонлама кенг ва мукамал тадқиқ этилади. Топонимларни мукамал ўрганишга қаратилган тадқиқотларда ҳудудий топонимик материалларни қиёсий ўрганиш талаб этилади. Бу талаб турли ижтимоий–сиёсий жараёнлар, аҳоли миграцияси ҳамда аҳолининг шеvasи ва этник таркибига бориб тақалади.

Топонимиканинг ёндош фанлар билан муносабати.

Топонимика ономастиканинг географик номлар (топонимлар), уларнинг кўлланиши, маъноси, келиб чиқиши, таркиби, тарқалиш ареали, даврлар давомида тараққиёти ва ўзгаришини ўрганувчи бўлидир².

Тилдаги махсус атаб қўйилган номлар – атоқли отлар ономастикада ўрганилади. Топонимиканинг таркибига ойконимия (юнонча: oikos – уй, бошпана), гидронимия (юнонча: hidro – сув), оронимия (юнонча: oros – тоғ), космонимия (юнонча: kosmos – коинот) ва ҳ.к. киради.

Ўрганилаётган объектнинг ҳажми, кўламига кўра топонимиянинг макротопонимия ва микротопонимия тармоқлари ажратилади. Макротопонимия йирик географик объектлар, сиёсий–маъмурий бўлинишларнинг катта тизимини қамраб олади. Микротопонимия эса алоҳида олинган ҳажман кичик ҳудудларга мансуб географик номларни назарда тутди³.

Атоқли от даражасига кўтарилган жой номлари ономастиканинг тадқиқ соҳасига киради. Ономастикада атоқли отлар ҳам, улар билан алоқадор бўлган турдош отлар ҳам тадқиқ объекти бўлиши мумкин.

¹ Поспелов Е. М. Картографирование как метод исследования субстратной топонимики // Вопросы языкознания. – М., 1967. – № 1. – С.80.

² Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 515.

³ Кўрсатилган луғат. – Б. 515-516.

Топонимлар ўзи атаган объект ҳақида кўплаб маълумотларни бериши мумкинки, тилнинг бошқа ҳодисасида бундай имконият мавжуд эмас¹.

Топонимика ономастиканинг бир соҳаси сифатида унинг таркибига кирувчи йўналишлардан айрим ўзига хосликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Аввало, топонимика қамровида географик бирликлар ўрганилади, қолаверса, ушбу бирликлар ўзига хос ясалиш хусусиятларига эга. Топонимияда ҳар бир объект ўз номига эга. Уларнинг алоҳида ясалиш қонуниятлари, усуллари мавжуд. Топонимлар апеллятив лексика (атоқли отлар учун асос бўлган бирликлар) билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, топонимларда конверсия – кўчиш усули кенг қўлланади.

Топонимлар ижтимоий талаб, кундалик эҳтиёж натижаси сифатида юзага келади. Жойга ном бериш жараёни эҳтиёж, таклиф, ном, мослашиш, номланиш каби босқичларни ташкил этади. Бунда бирор географик объектга ном бериш эҳтиёжи юзага келади, объектнинг бирор жиҳати (тарихи, аҳолининг этник қатлами, касб–кори, жойнинг рельефи, бирор йирик объектга яқинлиги ва х.к.)дан келиб чиқиб, ном таклиф этилади. Келишиш ёки тасодифийлик асосида пайдо бўлган ном қисқа ёки узоқ муддат объектни номлашга хизмат қилади.

Адабиётларда қайд этилганидек, топонимларнинг пайдо бўлиши, турғунлашиши ёки, аксинча, алмашилиши, маъносида турлича ўзгаришларнинг содир бўлиши жамият тақдири билан боғлиқ бўлади. Ҳар қандай топонимик ўзгариш жамиятда амалда бўлган тил қонуниятлари доирасида содир бўлади².

Демак, ном эҳтиёж сабабли юзага келади. Бунда қуйидагилар асосий омил вазифасини ўтайди:

- 1) географик объектнинг тарихи билан боғлиқ ҳолатлар. Эскимачит;
- 2) аҳолининг этник қатлами, яъни ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган кишиларнинг қайси халқ, миллат, қавм, қабила ёки элат вакили эканлиги: Араблар, Ўзбеклар, Найман, Қипчоклар;

¹ Смолицкая Г.П. Топонимический ареал и вопросы реконструкции лексической системы языка (на словянском материале) // Вопросы языкознания. – 1978. – № 4. – С.115.

² Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Т.: Фан, 2006. – Б.15.

- 3) аҳолининг касб–кори, машғулоти ёки тирикчилик қилишининг асосий манбаси: Қассоб гузар, Совунчилар, Шакарчилар;
- 4) географик объект жойлашган манзилнинг рельефи: Боғишамол;
- 5) географик манзилнинг бирор йирик объектга яқинлиги: Бозорбоши;
- 6) географик объектнинг ҳажми, ўлчами, эгаллаган майдони, катта ёки кичиклиги: Катта қалъача, Қипчоқча, Каттатом, Катта қишлоқ;
- 7) географик объектнинг жойлашган ўрни: Ўртақўрғон, Жарқўрғон, Пастчақир ва бошқалар.

Хулоса қилиш мумкинки, кундалик турмушнинг барча жабҳаларида бўлганидек, ном бериш ҳам инсонларнинг маълум эҳтиёжлари натижаси ўларок майдонга келади.

Ном бирор географик объектни, манзилни шунчаки аташ воситаси бўлиб қолмай, балки уларни бир–биридан фарқлаш вазифасини ҳам бажаради.

Кундалик турмуш, ижтимоий ҳаётда мавжуд тушунчалар каби номлар ҳам узоқ шаклланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтади. Даврлар ўтиши билан номларда ҳам турли ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришларга бир қанча сабаблар асос бўлиши мумкин. Лекин топонимика соҳаси мутахассислари, қолаверса, кенг жамоатчилик олдида тарихий номларни асраб–авайлаш, уларни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш вазифаси доимо долзарб бўлиб қолади.

Топонимик бирликларда маълум маънодаги барқарорлик мавжуд. Бу ҳақда фикр билдирган тадқиқотчилар топонимларда турли ўзгариш кам кузатилиши, бу ўзгаришларнинг узоқ даврлар давом этиши, ўзгариш рўй берганда ҳам асл, аввалги ном халқ тилида узоқ муддат сақланиши ҳақида маълумот берадилар¹.

Ҳаттоки, тарих сахнасидан йўқ бўлиб кетган халқлар, миллатлар ва элатларнинг тилларига хос топонимлар асрлар давомида яшаб қолиши мумкин. Тўғри, жамиятнинг тараққий этиши билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгаришлар, янгиланишлар юз беради. Топонимлар ҳам маълум

¹ Муллазоде С.М. Топонимия северных районов Азербайджана. – Баку: Маариф, 1979. – С.137-138.

ижтимоий–сиёсий ўзгаришлар таъсирида бўлади. Демак, топонимларда ҳам ўзгариш, янгиланишлар юзага келади. Бундай ўзгаришлар, асосан, кичик географик объектлар – майда аҳоли пунктларига кўпроқ тааллуқли бўлади. Бунда бир неча аҳоли пунктларининг бирлашиши ёки янги қишлоқларнинг пайдо бўлиши асосий роль ўйнайди. Йирик ҳудудни, тарихий масканларни аташ учун қўлланган Самарканд, Тошкент, Хўжанд, Исфара, Конибодом, Ўратепа ва бошқа топонимларда ўзгаришлар камдан–кам ҳолатларда рўй беради. Номлардаги ўзгаришлар хусусида фикр юритар экан, А.В.Суперанская ҳам турли таъсирлар, ўзгаришлар натижасида кўпчилик топонимларнинг шакли – товуш қиёфаси ўзгариши ҳақида маълумот берган¹. Демак, топонимларнинг ўзгармаслиги ҳақидаги фикрнинг нисбий эканлигини инобатга олиш керак.

Юқорида номларнинг пайдо бўлиш омиллари ҳақида сўз юритган эдик. Аслида жойга ном танлашда асосий, ҳал қилувчи ролни халқ ўйнайди. Халқ томонидан маълум жойга ном берилгач, шу ном географик объектнинг ўзига хос белгисига айланади, даврлар ўтиши билан номнинг фонетик таркиби ўзгариши сабабли унинг асл маъносидан узоқ бўлган талқинлар, турли афсона ва ривоятлар майдонга келади. Бу халқ этимологияси деб юритилади. Халқ этимологияси деганда, келиб чиқиш манбаи ва маъноси ноаниқ бўлган атоқли отларни ном билан унга асос бўлган турдош лексема орасида шаклий ва маъновий ўхшашликка асосланиб ёки афсона ва ривоятлардаги маълумотларга таяниб талқин қилиш² тушунилади.

Баъзан номларда шу қадар катта шаклий ўзгаришлар бўладикки, вақт ўтиши билан унинг этимологиясини аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолатда фонетик ҳодисалардан товуш алмашиши, асос ёки қўшимчадаги товушларнинг жарангли ёхуд жарангсиз вариантыга ўтиши кабилардан келиб чиқиб таҳлил олиб бориш лозимдир. Чунки номда ҳар қандай ўзгариш бўлишига қарамай, унинг асл шаклини аниқлаш, этимологиясини ойдинлаштириш шарт. Қайд этиб ўтилганидек, топонимлар халқимиз тарихи, миллий қадриятларимизнинг бир

¹ Суперанская А.В. Что такое топонимика? – М.: Наука, 1985. – С.49.

²Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 90.

шакли сифатида биз учун муҳимдир. Шу сабабли тил луғат бойлигининг бир қисми бўлган топонимларни тўплаш, тизимлаштириш, уларни илмий таҳлил этиш ҳам илм–фан, ҳам маънавият нуқтаи назаридан муҳим саналади.

Топонимлар ўзи мансуб бўлган ҳудуд тарихи, маданияти, аҳолининг турмуш тарзи, тили ҳамда жойнинг географияси ҳақида маълумот берадиган муҳим манбадир. Шунинг учун топонимлар нафақат тилшунослик, балки тарих, география, геология, этнография каби соҳаларнинг ҳам ўрганиш объекти саналади.

Жой номларини ўрганувчи топонимика йўналиши ўзининг ички хусусиятларидан келиб чиқиб бир неча фанлар билан узвий муносабатни, алоқадорликни шакллантирган. Топонимика соҳаси жой номларини нафақат лисоний жиҳатлари, балки шаклланиш тарихи, жойнинг геологияси, географияси, маҳаллий аҳолининг этник қатлами каби масалаларни ҳам ўрганеди. Шу сабабли топонимиканинг қайси фанга мансублиги борасидаги саволга қатъий жавоб бериш мушкулдир.

Филологлар топонимика-лексикологиянинг бир қисми, яъни лингвистик фан десалар, географлар: “бу – географиянинг бир қисми” дейдилар. Атоқли рус тарихчилари А.И.Соболевский ва С.Б.Веселовский топонимиканинг тарих фанига тегишлилигини тарғиб қилганлар. А.И.Попов “Топонимика – тарихий фан” сарлавҳали асар ҳам ёзди. Бу “талаш”ни ҳеч қачон бир ёқли қилиб бўлмаса керак. Аммо шу нарса аниқ–ки топонимика учала фан чегарасидаги соҳадир. Кимки топонимика билан астойдил шуғулланмоқни истаса, у бир неча фанни ўрганиб олиши зарур: филолог – этнографияни, тарихни, табиий ва иқтисодий географияни, тарихчи – филологияни, географияни, географ – тилни, тарих ва этнографияни билиши лозим¹.

Демак, топонимиканинг энг биринчи хусусияти – унинг тилшунослик, тарих, география, геология ҳамда этнография фанлари доирасидан ўрин олганлигидир. Топонимик материал номлари зикр этилган фанларнинг барчаси

¹Хасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965. – Б.22.

учун тадқиқ манбаи саналади. Шунинг назарда тутиб, ишимизда топонимика соҳасининг ўзига ёндош фанлар билан алоқаси борасидаги фикрларимизни ҳам баён этишни лозим топдик.

Топонимлар ўзи аталган ҳудуднинг тарихи, унинг тарихий тараққиёт йўлини ҳам ёритувчи бир восита саналади. Деярли барча топонимлар бирор–бир тарихий ҳодиса ёки жараён ҳақида маълумот беради. Шунинг учун топонимлар халқ тарихини ўрганиш манбаи саналади. Жой номларида турли даврлардаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар, у ерда яшаган халқнинг этник хусусиятлари ўз аксини топади. Машҳур топонимшунос олим С.Қораев “Бухоро вилоятида Абумуслим деган тепалик бор. Абумуслим 747–749 йилларда араб халифалигининг шарқий қисмида-Мовароуннаҳр билан Хуросонда уммовийлар ҳукмдорлигига қарши кўтарилган кўзғолонга бошчилик қилган. Унинг асл исми Абдурахмон ибн Асад бўлиб, Абумуслим унинг лақабидир. Бу тепалик VIII аср ўрталарида Бухоронинг ҳозирги Қизилтепа қишлоғи яқинида Абумуслим қурдирган истехкомнинг ҳаробасидир, дея маълумот берган”¹. Абумуслим номли тепалик Навоий вилояти ҳудудида ҳам қайд этилган.

Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги топонимлар ҳақида фикр юритган олим Қ.Муҳаммаджонов мазкур ҳудуд асрлар давомида турли халқ ва қабилаларнинг тўқнашуви, аралашуви маркази бўлиб келганлиги, бу ерда массагет, усун, кангўй, гунн, кейинчалик қарлук, ўғуз ва қипчоқ каби йирик қабилалар яшаганлиги, жой номлари ҳам шу халқлар тарихи билан узвий боғлиқлиги ҳақида маълумот берган².

Шимолий Тожикистон ҳудудида ҳам кўплаб тарихий номлар мавжудки, улар халқимиз ва бу ерда истиқомат қилган халқларнинг тарихидан дарак берувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Хусусан, Ўратепа шаҳри номи ҳам тарихимизнинг ажралмас бир қисми бўлган тарихий жараёнлар натижасида юзага келган. О.И.Смирнова шаҳар номини Муғ тоғидан топилган сўғд

¹ Qorayev S. Toponimika. – T. O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – B.15.

² Муҳаммаджонов Қ. Топонимлар – халқ тарихини ўрганиш манбаи // “Ономастика Узбекитана”. Тезисы 2-республиканской научно-практической конференции. – Карши, 14-16 сентябрь 1989. – С.55.

хужжатларда Уструшана¹, қадимги Юнонистон ва Рим муаллифлари, араб ва Хитой солномалари, Беруний, Қошғарий, Бобур асарларида Судуйшина, Шуойдушана, Цзебудана, Осрушана, Ўратепа шаклларида, турли даврларда битилган тарихий манба ва китобларда эса Сутулисена, Сурушана, Осрушана, Усрушана каби номлар билан юритилганлиги ҳақида маълумотлар берган.

Топонимларни шарҳлашда тарихий воқеаларга таяниш зарурати туғилади. Топонимларнинг тарих фани учун нечоғлик қимматли эканлигини рус топонимист олими В.А.Никоновнинг “шаҳарлар вайрон бўлган, давлатлар емирилган, тиллар ҳам, халқларнинг ўзи ҳам йўқ бўлиб кетган, номлар эса яшаб қолган! Нозик сўзлар гранитдан ҳам мустаҳкам бўлиб чиққан..., ўтмишнинг маънодор гувоҳлари бўлган географик номлар қимматли тарихий ёдгорликлар орасида алоҳида даврларнинг тирик акс–садоси сифатида энг фахрли ўринни эгаллайди”² деган сўзларидан ҳам англаш мумкин.

Юқорида баён этилган фикрларни машҳур олим Ҳ.Ҳасановнинг “жой номларига қараб қадимий савдо йўллари, қабила ва тилларнинг тарқалиши, қалъа ва манзилларнинг ўринлари, сув ва довларнинг хосиятлари, фойдали қазилмалар, чўлларда қудуқлар бор–йўқлиги, жойнинг ўсимлик, ҳайвонот ҳамда иқлимий хусусиятлари, ҳунар–касб, тарихий воқеалар, афсона–ривоятлар ва бошқа хил маълумотларни билиб оламизки, булар ҳаммаси халқ хўжалиги, маданиятимиз тарихи учун жуда муҳимдир”³, деган қараши ҳам тасдиқлайди.

Бундан англашиладики, жой номлари ҳудуд тарихининг муайян даракчисидир. Жой номлари география фани билан ҳам узвий алоқада туради. Топонимлар, аввало, географик объектларнинг аниқ манзилларини кўрсатади. Шунинг учун топонимика география фани учун алоҳида аҳамиятли бўлиб, айрим олимлар уни географик фанлар сирасига қўшадилар⁴. Ҳақиқатдан ҳам, топонимларнинг маъносини аниқлашда географик қонуниятлар қўл келади.

¹ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 15-24.

² Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – С.12-13.

³ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Т.: Фан, 1965. – Б.37.

⁴ Маракуев А.В. Краткий очерк топонимики как географической дисциплины. Уч. зап. Казахск. ун-та. Т.18, вып. 2. 1954. – С.32.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, жой номларини географиядан ажралган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Чунки топонимиканинг муаммоларини географларнинг иштирокисиз ҳал қилиш мавҳум ва нотўғри хулосаларни келтириб чиқаради¹.

Географик қонуниятларни билмасдан туриб, топонимларнинг этимологияси ҳақида фикр билдириш кўпинча хатоликни юзага чиқариши борасидаги қуйидаги фикрлар асослидир: “Кармана шаҳри дастлаб Бодияи Хурдак деб аталган. Буни Абу Бакр Наршахий “кўзача” деб изоҳлаган. Бизнинг фикримизча, Бодияи Хурдак “кичик саҳро” деган маънони билдиради. Чунки бодия сўзининг иккинчи маъноси “дашт, чўл, саҳро” демакдир. Бундай дейиш учун асос шуки, биринчидан, Кармана шаҳри чўли биёбон ўровида жойлашган, худди шу маънода Даштак номли қишлоқлари ҳам бор, иккинчидан, кўза сўзидан кўра чўл (дашт, саҳро) термини топонимлар ҳосил қилиш “ҳуқуқиға” кўпроқ эга”².

Тилшунослар топоним, жой номи, ер – жой номи, географлар географик ном деб аташганлиги ва қўллашганлиги маълум. География илмининг бош воситаси – харита. Харита уч унсурдан тузилади: ном, чизик, ранг. Уч воситанинг асосийси – номдир. Номсиз харита бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, жаҳонни номларсиз тушуниш, англаш ва тавсифлашнинг ҳам иложи йўқ. Географиянинг асосий бирлиги ном бўлганлиги боис географлар ҳар қандай ҳудудни, мамлакатни, жой номлари мажмуини ўрганишдан бошлаган. Асосан, номнинг маъноси ва қайси халқ тилидаги сўз эканлиги билан қизиқишган. Кейинчалик жой номларининг имлоси, талаффузи, тарихи, баъзи лисоний хусусиятларини ҳам тадқиқ қилишган. Шунинг учун ҳам географлар топонимика география илмининг объекти деб қарашган³.

География ва топонимиканинг алоқаси хусусида Э.М.Мурзаев номлар

¹ Ахманова О.С., Беленькая В.Д. Микротопонимика как особый аспект топологии наименований // Вестник МГУ. Серия: филология. – 1966. – №3. – С.85.

² Қораев С. Топонимика ва тарихий география // “Жой номлари – халқ тили ва маънавиятининг нодир мероси” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Навоий, 1998. – Б.99-100.

³ Жонқобилов И. География ва топонимика // “Номшунос олим” Илмий-услубий нашр.– Қарши, 2008. – Б.137-138.

воситасида ҳудуднинг табиий–географик, аҳолининг жойлашиш хусусиятларини, аҳоли манзилларининг шаклланиш жиҳатларини аниқлаш мумкинлигини, номлар кўп ҳолатларда ўсимликлар, жониворлар, фойдали қазилмалар, қишлоқлар, дарёлар ва бошқа географик объектларнинг номлари бўлганда, у ёки бу ҳудуднинг аввалги ёки ҳозирги табиий шароити ҳақида кўшимча манба бўлишини қайд этган¹. Шунингдек, топонимика топографга жойни суратга олишда унга таниш бўлмаган, айниқса, бошқа тилга хос бўлган географик номни ҳаритага кўчиришда ёрдамлашади. Географик номларни ўрганиш орқали Ерни географик жиҳатдан билишнинг ва география фани тарихининг қизиқарли саҳифалари очилади, топонимлар эса унинг босқичларини ўзида акс эттиради².

Топонимикада географик номлар ҳаётнинг нафақат географик, балки социал муҳитини ҳисобга олиш лозим, – деб ёзади у, – шунинг учун, соф лингвистик таҳлилга материални манбашунослик нуқтаи назардан тайёрлаш ҳам қўшилиши зарур. Тарихчининг ушбу комплекс соҳа ривожига сезиларли роли фақатгина бундан кейинги топонимика маълумотларидан фойдаланишдагина эмас, балки мана шунда ҳамдир³.

Т.Эназаров эса топонимлар одамларнинг макон ҳамда замонда қандай ҳаракат қилишини ҳам белгилайди. Чунки муайян ҳудудда жойлашган сон–саноксиз объектлар қуршовида инсоннинг адашмасдан у объектдан бу объектга бориши, объектлар орасидан ўзига зарур объектни топа олиши, маконда мавжуд бўлган турли хил географик муҳитларни бир–биридан фарқлай олиши, объектларнинг бир–бирига нисбатан жойлашувидан хабардор бўлиши катта маърифий–маънавий аҳамиятга эгаллигини қайд этган⁴.

Топонимлар тадқиқида географик кузатишларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритган Ю.А.Карпенко реал ҳаётда номнинг туғилишига туртки бўлган аломатни топиш топонимика учун ниҳоятда муҳимлиги, тилшунослик

¹ Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.: Мысль, 1974. – С.81.

² Мурзаев Э.М. Кўрсатилган асар. – Б.86.

³ Витов М.В. Севернорусская топонимия XV-XVIII вв. (К постановке топонимического источниковедения) // Вопросы языкознания. – М., 1967. – № 4. – С.90.

⁴ Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Т., 2004. – Б.4.

фақатгина топоним қандай пайдо бўлди деган масалани батафсил таҳлил қилса, география кўпинча у нима учун туғилганлиги ҳақида маълумот бериш мумкинлигини кўрсатган. Олим топонимика предметини ташкил қиладиган объектлар номлари ўрганилар экан, география тадқиқотнинг кенг фронтида топонимия билан мустаҳкам боғлиқликда бўлиши ҳамда бунда муҳим жиҳатлардан бири топонимик этимология бўлиб ҳисобланишини уқтирган¹.

Рус олими В.А.Никонов топонимика – тилшуносликнинг тил тарихи, диалектология, этимология, лексикология ва бошқа бўлимлари билан кесишадиган, тарих, география ва этнография билан узвий боғлиқ бўлган махсус бўлими эканлигини уқтирган².

Англаш мумкинки, топонимия тилшунослик фани соҳаси бўлса–да, унинг муаммолари география, тарих, этнография, ўлкашунослик каби фанлар иштирокида ҳал этилади. Демак, топонимикада лингвистика чегарасида туриб тарих, география ва бошқа фанларнинг материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, албатта.

Бизнингча, топонимика қайси фан қаторига кириши борасидаги мунозарани атоқли номшунос олим С.Қораевнинг қуйидаги фикрлари узил–кесил ҳал этган: “Топонимика шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, кўллар, тоғлар каби географик номларни, уларнинг келиб чиқишини, тарихини ўрганар экан, бу фан лингвистларга ҳам, географларга ҳам, тарихчиларга ҳам бой илмий материал беради. Географик номлар, яъни топонимлар тил луғат таркибининг бир қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунди; сўзни албатта тилшунослик – лингвистика фани ўрганиши керак. Демак, топонимика атоқли отларни ўрганадиган ономастика фанининг бир қисми бўлиб, тилшунослик фанлари қаторига киради. Иккинчи томондан, географик номлар картанинг энг муҳим элементи бўлиб, бирор мамлакат, давлат ёки ўлка табиатининг хусусиятларини акс эттиради. Ана шу нуқтаи назардан топонимикани географик фанлар

¹ Карпенко Ю.А. Лингвистика-география-история // Проблемы топонимического этимологизирования. СС. –М., 1970. – Вып.4. – С.91.

² Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – Б.7.

жумласига киритиш мумкин. Шу билан биргаликда, жой номлари жамият тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Жойларга қандай ном бериш, аввало, жамиятнинг муайян босқичидаги эҳтиёжлари билан белгиланади. Жой номларининг тарихини билмасдан туриб, топонимика билан шуғулланиш кутилган натижани бермайди. Ана шунинг учун ҳам топонимика тарих фанлари қаторидан ўрин олади. Шундай қилиб, топонимика учта катта соҳа: тилшунослик, география, тарих орасидаги фандир. Шунга биноан топонимиканинг талайгина фактлари ҳарактер жиҳатидан хилма–хил бўлган кўплаб материал – лингвистик, тарихий ва географик материал жалб қилингандинга тўғри изоҳлаб берилиши мумкин”¹.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, топонимика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси саналган ономастиканинг таркибий қисмидир. Топонимика лингвистика доирасида туриб тарих, география, этнография, ўлкашунослик ва бошқа бир қатор фанлар билан алоқадорликда тадқиқ олиб боради.

Ўзбек топонимиясида тасниф масаласи.

Тил луғат бирликлари, жумладан, топонимларни ҳам тасниф этиш уларнинг лингвистик хусусиятларидан келиб чиқади. Тадқиқ этишда тасниф қилиш йўналишини тўғри танлаш ўрганилаётган объектнинг асл табиатини ҳамда бошқа бир қатор ўзига хосликларини аниқлашни енгиллаштиради.

Топонимларни таснифлаш борасида фикр юритган С.Қораевнинг куйидаги қарашлари эътиборга лойиқ: «Топоним муайян маънони англатади, топонимистлар таъбири билан айтганда, топоним информацияга эга ва у реал ҳодисани акс эттиради. Топонимларнинг ана шу реал воқеликни акс эттиришини ҳисобга олиб, уларни қандайдир группаларга бўлиш керак, албатта. Топонимларни ана шундай классификация қилиш уларнинг семантик моҳиятини ўрганиш ишини осонлаштиради деб ўйлаймиз.²

¹ Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – С.164.

² Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – Б.11.

Умуман, тилшуносликда топонимлар таснифи масаласи асосий тадқиқ объектларидан бири бўлиб келган. Бу борада турли эътиборга сазовор қарашлар таклиф қилинганки, уларда топонимларни тасниф қилишнинг энг самарали ва қулай йўллари баён этилган.

Топонимларни таснифлаш масаласида З.Дўсимов, К.Назаров ва Т.Эназаров, С.Қораев, Н.Охунов, Ш.Қодирова, К.Юсупов, Ҳ.Шарипов¹ каби олимларнинг олиб борган тадқиқотлари эътиборга лойиқ.

Туркий тиллардан бири бўлган қирғиз тили материаллари асосида тадқиқ олиб борган Ҳ.Шарипов Қирғизистондаги жой, сув ва тоғ номларини қуйидаги белгилар асосида шаклланган дейиш мумкин деб, уларнинг 1) жойлардаги табиий географик шароит; 2) мазкур жойлардаги табиий ер ости бойликлари; 3) кишиларнинг номлари, уларнинг яшаш шароитлари; 4) ҳайвонлар ва предметларнинг номлари сингари кўринишларини қайд этган². Муаллиф Жанубий Қирғизистондаги жой номларининг структура жиҳати бир хил эмаслигини, номлар содда, қўшма ҳамда мураккаб шакл ва характерга эгаллигини таъкидлаб, улар туркий тилларга хос морфологик, синтактик ва морфологик–синтактик йўл билан ясалганлигини уқтирган.

Ҳ.Шарипов грамматик нуқтаи назардан номларнинг шаклланишини қуйидагича таснифлашни тавсия этган:

I. Содда номлар. а) туб сўзлар асосида пайдо бўлган номлар. Бу хил номлар камроқ бўлса ҳам учраб туради. Туб сўз формасидаги топонимлар кўпинча нарса, предмет номлари, баъзан эса қадимги уруғ ва қабилалар номи билан боғлиқдек кўринади; б) ясама сўзлар замирида шаклланган номлар. Бу типдаги топонимлар кўплаб учрайди, уларнинг характери ҳам ҳар хил бўлиб, турли ясовчи аффикслар ёрдамида пайдо бўлади.

II. Қўшма номлар. 1. Синтактик усул билан (икки ва ундан ортиқ

¹ Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – 1-сон. – Б. 17-20; Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. – Т.: Университет, 1995. – Б.19-24; Қораев С. Юқорида кўрсатилган асар; Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Т.: Фан, 1989. – Б.18; Қодирова Ш. Тошкент микротопонимиясининг номланиш принципларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. – 6-сон. – Б.38; Юсупов К. Айрим топонимлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1966. – 1-сон. – Б.15; Шарипов Ҳ. Жанубий Қозоғистон топонимикасидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – 2-сон. – Б.48-52.

² Шарипов Ҳ. Жанубий Қозоғистон топонимикасидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – 2-сон. – Б.48.

ўзакнинг бирикувидан) пайдо бўлган номлар. Бу хил номлар материалига (сўз туркумларига) кўра: а) от+от; б) сифат+от; в) сон+от; г) сон+от+от; д) от+феъл; е) сифат+от+от; ё) сифат+феъл+от. 2. Морфологик–синтактик усул билан шаклланган номлар таркибида от+от ҳамда сифат+от, баъзан от+сифат иштирок этган бўлиб, уларнинг ўртаси ёки охирида ясовчи аффикс келади.

III. Мураккаб номлар.¹

Мақола муаллифи мураккаб номлар сирасига ҳозирда соддалашган, этимологияси ва семантикасини аниқлаш қийин бўлган ҳамда қисман кўшма сўз эканлиги сезилиб турадиган номларни киритган.

Биз ҳам ўз ишимизда Ҳ.Шарипов тавсия этган грамматик нуқтаи назардан номларнинг шаклланишига оид таснифлашни қўллаймиз.

Ўзбекистон топонимларини тасниф этиш борасида З.Дўсимов мақоласи алоҳида ўрин тутди. Чунки мазкур мақолада топонимларни тасниф этиш масаласи илк бор кенг кўламда таҳлилга тортилган.²

З.Дўсимовнинг қайд этишича, жой номларини лексик–семантик ва грамматик тузилишига кўра тасниф қилиш кенг тус олган. Олим топонимларни лексик–семантик тасниф этишда иккита муносабат борлигини уқтирган:

биринчидан, 1) этнонимлардан вужудга келган топонимик номлар; 2) ономастик номлар (киши отлари)дан пайдо бўлган топонимлар; 3) тоифа гуруҳ номларидан пайдо бўлган топонимлар; 4) ер тузилиши, сув ва қурилиш иншоотлари, ўсимликлар дунёси, аҳолининг касби, турли хил воқеалар–йиғинлар ва шу қабилар билан боғлиқ бўлган топонимлар;

иккинчидан, 1) қабила номини билдирувчи топонимлар; 2) миллат номини билдирувчи топонимлар; 3) кишилар исмига қўйилган топонимлар;

4) касб–ҳунарга нисбатан берилган топонимлар; 5) предмет белгисини ифодаловчи топонимлар; 6) ўсимлик (дарахт)лар номи билан юритиладиган топонимлар; 7) эл–юрт, ватан номи билан боғланган топонимлар; 8) географик рельефни ифодаловчи топонимлар.³

¹ Шарипов Ҳ. Жанубий Қозоғистон топонимикасидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – 2-сон. – Б.48-49.

² Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – 1-сон. – Б. 17-20

³ Дўсимов З. Кўрсатилган мақола. – Б.17.

Шунингдек, олим топонимларни бу типда тизимлаштиришда гуруҳлар орасида аниқ чегара йўқ эканлигини қайд этган ҳамда топонимларни тасниф этишда тадқиқотнинг ҳарактеридан ва тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, лексик–семантик принципдан фойдаланиш ўринли¹ эканлигини уқтирган.

Ўзбекистон топонимиясининг етук тадқиқотчиларидан бири З.Дўсимов ўзбек топонимияси бўйича Т.Нафасов, Л.Каримова, Ш.Қодироваларнинг амалга оширган ишлари, қолаверса, рус олимаси А.В.Суперанскаянинг таснифлар борасидаги қарашларидан келиб чиқиб, топонимларни таснифлаш бўйича ўзининг аниқ таклифини баён этган. Бу таклиф қуйидагиларда намоён бўлади:

Лексик–семантик тасниф.

1. Этнотопонимлар.
2. Антропонимлар.
3. Зоотопонимлар.
4. Биотопонимлар.
5. Геоморфологик топонимлар.

Структур–типологик тасниф.

1. Аффиксиз топонимлар ёки туб топонимлар.
2. Аффиксал топонимлар ёки ясама топонимлар.
3. Префиксал топонимлар.
4. Индикатор (аниқлагич)ли топонимлар ёки топоним–комполитлар.
5. Бирикмали топонимлар.

Хронологик тасниф.

1. Топоним–архаизмлар.
2. Топоним–историзмлар.
3. Неотопонимлар.²

Қайд этиш лозимки, З.Дўсимовнинг мазкур таснифи топонимларни

¹ Дўсимов З. Кўрсатилган мақола – Б.18

² Дўсимов З. Кўрсатилган мақола. – Б.20.

изчиллик билан тадқиқ этишда узок йиллардан бери асос–таянч вазифасини ўтаб келмоқда. Чунки ушбу тасниф воситасида топонимларнинг асосий лисоний хусусиятлари очиб берилиши мумкин.

Шунингдек, З.Дўсимовнинг М.Тиллаева билан ҳаммуаллифликда яратган тадқиқотида лексик–семантик жиҳатдан топонимларни этнонимлардан вужудга келган, ономастик номлар – киши отларидан пайдо бўлган, тоифа, гуруҳ номларидан пайдо бўлган, ер тузилиши, объект ва қурилиш иншоотлари, ўсимликлар дунёси, аҳолининг касби, турли хил воқеалар–йиғинлар ва шу кабилар билан боғлиқ топонимлар¹ кабиларга ажратиш мумкинлигини ҳам қайд этган.

Тилшунос олим К.Назаров ва топонимист Т.Эназаровларнинг услубий қўлланмаси²да топонимларни таснифлаш борасида янгича ёндашишни кузатиш мумкин. Бунда гуруҳларнинг ички бўлинишига алоҳида эътибор қаратилган:

1. Жой номларининг қўлланиш хусусиятига кўра таснифи: а) жой номларининг такрор қўлланиши; б) жой номларида топонимик аниқлагичларнинг қўлланиши; в) қўлланиш даврига кўра фарқланадиган жой номлари. 2. Жой номлари ҳудудга нисбатан катта–кичиклиги нуқтаи назаридан таснифи: а) макротопонимлар; б) микротопонимлар. 3. Жой номларининг таркибига кўра таснифи: а) апеллятив номлар; б) формантли номлар; в) индикаторли номлар. 4. Жой номларининг лексик таснифи: а) умумтуркий; б) сўғд; в) форс–тожик; г) араб; д) мўғул; е) рус ва б. 5. Жой номларининг лексик–семантик таснифи: а) жой номларининг гуруҳлари: ойконимлар; гидронимлар ва б.; б) жой номларининг келиб чиқиши ва номланишига кўра гуруҳлари: этнотопонимлар; антротопонимлар; геотопонимлар ва б. 6. Жой номларининг морфологик таснифи: топонимларга асос бўлган воситалар: ўзак ва қўшимчага хос хусусиятлар; жой номларининг сўз туркумлари жиҳатидан гуруҳланиши; жой номларининг ясалишига кўра гуруҳлари³.

Тарихий топонимларни таснифлаш борасидаги Х.А.Бўриеванинг

¹ Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. – Т.: Университет, 1995. – Б.19-24.

² Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. – Тошкент, 2002. – Б. 12.

³ Назаров К., Эназаров Т. Жой номларини йиғиш сўроқлиги. – Т.: Университет, 1995. – Б.19-24.

фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Олима Тошкент шаҳри тарихий топонимлари хусусида сўз юритиб, уларни таснифлашда даврийлик жиҳатига ҳам эътибор берилса, топонимик манзара янада аниқроқ бўлишини таъкидлаб, қуйидаги таснифни таклиф этган:

а) жойнинг турига кўра; б) мазмуни ёки маъносига кўра.

Жойнинг турига кўра топонимлар: гидронимлар, шаҳар қисмларининг номлари, маъмурий бўлинмалар ва б.

Топонимларнинг мазмуни ёки маъносига кўра: антропотопонимлар, географик шарт–шароитларни акс эттирувчи топонимлар, ижтимоий–хўжалик ҳаёти билан боғлиқ топонимлар ва б.

Ўз навбатида, олима ҳар иккала турдаги гуруҳлар турли жиҳатларга кўра яна кичикроқ гуруҳларга бўлинади¹, дея қайд этган.

Таниқли топонимист олим Н.Охунов ўзининг топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари масаласига бағишланган тадқиқотида ойконимлар мисолида қуйида таснифни келтирган: 1) киши исмининг ўзи билангина аталган ойконимлар; 2) киши исми ва унга қўшилиб қўлланган титул номидан иборат ойконимлар; 3) гидронимлар; 4) агроонимлар. Шунингдек, мазкур таснифда уруғ–қабила, халқ, элат номлари, ўсимлик, ҳайвон номлари; ер қатламининг тузилиши ва тупроқнинг таркиби; сувнинг турли сифатлари каби ўндан ортиқ йўналишга кўра номланган топонимлар ажратилиши кўрсатилган.²

Олим топонимларни пайдо бўлган даври билан боғлиқ хронологик таснифга кўра эски ва янги номларга ажратиб, эски номларга уруғ–қабилачилик даври, аҳолининг синфий, ижтимоий табақаланиши, диний эътиқод, тушунча ва тасаввурларга алоқадор, ўтмишдаги катта ер эгалари – феодаллар, хонлар, амирлар, беклар ва шу каби амалдорлар номи билан боғлиқ, турли хил воқеа–ҳодисаларни билдирувчи, ўтмишдаги амал, мансабни ифодаловчи номлар асосида шаклланган топонимларни киритишни таклиф

¹ Бўриева Х.А. Тарихий топонимларнинг таснифланишига доир (Тошкент шаҳри мисолида) // “Ўзбек тилшунослиги XXI асрда” Номшунос олим профессор Тўра Нафасов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуман материаллари. – Қарши, 2008. – Б.35-37.

² Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Т.: Фан, 1989. – Б.18.

этган. Янги номлар – неотопонимлар сирасига эса нисбатан кейинги даврда пайдо бўлган номларни киритган¹. Топонимларни таснифлаш борасида К.Юсуповнинг қарашлари ҳам эътиборга лойиқ. Олим топонимларни лексик–семантик жиҳатдан саккиз маъновий гуруҳга ажратишни таклиф этган:

- 1) қабила номини билдирувчи топонимлар;
- 2) миллат номини билдирувчи топонимлар;
- 3) кишилар исмига қўйилган топонимлар;
- 4) касб–ҳунарга нисбат берилган топонимлар;
- 5) предмет белгисини ифодаловчи топонимлар;
- 6) ўсимлик (дарахт)лар номи билан юритиладиган топонимлар;
- 7) эл–юрт, ватан номи билан боғланган топонимлар;
- 8) географик рельефни ифодаловчи топонимлар².

Атоқли тилшунос С.Каримов ҳамда Самарқанд вилояти Ургут тумани микротопонимиясини тадқиқ этган С.Бўриевларнинг монографияси⁷²да нисбатан батафсил таснифни кузатиш мумкин. Бунда муаллифлар мазмун ва шакл диалектикаси, топонимларнинг барча лингвистик ва экстралингвистик камрови нуқтаи назаридан К.Назаров ва Т.Эназаровларнинг таснифи бирмунча маъқул эканлиги, З.Дўсимов таснифида асосий диққат–эътибор топонимларнинг лексик–семантик ва грамматик тузилишига ҳамда хронологиясига қаратилгани туфайли уни ҳам шу тасниф доирасида қараш мумкинлигини уқтириб, топонимларни 5 йўналишда таҳлил этишни таклиф этишган:

1. Топонимларнинг ҳудудий таснифи.
2. Топонимларнинг хронологик таснифи.
3. Топонимларнинг қайси тилга мансублик жиҳатдан таснифи.
4. Топонимларнинг грамматик таркибига кўра таснифи.
5. Топонимларнинг лексик–семантик таснифи³.

Топонимлар таснифидаги биринчи йўналишга макротопонимия ва

¹ Охунов Н. Кўрсатилган асар. – Б.52.

² Юсупов К. Айрим топонимлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1966. – № 1. – Б. 17.

³ Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Т.: Фан, 2006. –129 б.

микротопонимия киритилган. Бунда макро ва микротопонимия тушунчалари чегаралари аниқ белгилаб берилган. Мавжуд илмий манбалар таҳлили натижасида муаллифлар микротопонимлар деганда, умумий маънода кичик объектлар (дарёлар, ариқлар, кўллар, булоқлар, каналлар, қудуқлар, ҳовузлар, жарлар, тўғонлар, маҳаллалар, гузарлар, дам олиш жойлари, чойхоналар, бозорлар, мактаблар, меҳмонхоналар, экинзорлар, муқаддас жойлар, тарихий ёдгорликлар, йўллар, тепаликлар, ташкилот ва корхоналарнинг номлари) англашилишини, жойлардаги йирик географик объектларнинг, яъни туманлар ва вилоятлар, шаҳарлар, тоғ ва саҳролар, чўллар ва водийларнинг номлари макротопонимлар ҳисобланишини уқтиришган.

Иккинчи йўналишда диахрон ва синхрон топонимлар, учинчи йўналишда ўзбекча, субстрат ва аралаш топонимлар, тўртинчи йўналишда содда, қўшма, мураккаб; туб ва ясама топонимлар, бешинчи йўналишда эса агрооним, антропооним, антропотопоним, гелоним, гидроним каби ўттизга яқин атоқли от турлари қамраб олиниши баён этилган¹.

Ўрни келганда қайд этиш керакки, рус тилшунослигида топонимларнинг таснифланиши масаласини чуқур ўрганган А.В.Суперанская ономастик таснифлар замирида аҳоли пунктларининг номлариғина чуқур таҳлил этилиб, асосий эътибор топоасослар ва уларнинг тарихий илдизларини ўрганишга қаратилганлигини қайд этган. Олима номларнинг лингвистик ва экстралингвистик табиатли бўлишини назарда тутиб, қуйидаги таснифни таклиф этган.

1. Номларнинг номланаётган объект билан алоқадорлигига кўра таснифи.
2. Табиий пайдо бўлган ёки сунъий яратилган номлар таснифи. Бу тасниф номларнинг расмий ва норасмий қўлланиши билан узвий боғлиқ.
3. “Микро” ва “макро” йўналишдаги тасниф.
4. Номларнинг структур таснифи.
5. Хронологик тасниф.

¹ Каримов С.А., Бўриев С.Н. Кўрсатилган асар. – Б.86.

6. Номланиш мотивлари ва этимология нуқтаи назаридан тасниф.
7. Ифодаланган тушунчаларнинг қамрови нуқтаи назаридан тасниф.
8. Тил ва нутқ муносабати билан алоқадор тасниф.
9. Услубий ва эстетик тасниф¹.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, тадқиқотчилар топонимларни таснифлашда турли–туман жиҳатларга эътибор қаратганлар. Бунда, албатта, миллий тил хусусиятлари, номларнинг турлари, уларнинг пайдо бўлиш мотивациялари, ҳажми, кўлами, пайдо бўлишнинг ижтимоий–маиший сабаблари, тарих, география фанлари ва бошқа омиллар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Биз Шимолий Тожикистон топонимларини тадқиқ этишда ўзининг нисбатан мукамаллиги билан ажралиб турадиган З.Дўсимов, С.Каримов ва С.Бўриев, К.Назаров ва Т.Эназаров каби олимларнинг таснифларига таянамиз.

Бизнингча, топонимларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Худудий: макротопонимия ва микротопонимия. Бунда тадқиқ этилаётган худуднинг кўлами, ҳажми назарда тутилади.
2. Хронологик: топонимларнинг вақт, давр билан боғлиқ хусусиятлари ўрганилади.
3. Маъновий: лексик–семантик таснифда топонимларнинг маъновий ва этимологик жиҳатлари қамраб олинади.
4. Морфем: топонимларнинг таркиби, ундаги асоснинг шакли ва кўшимчаларнинг мавжудлиги ҳамда вазифаси тадқиқ этилади.
5. Грамматик таркиб: топонимлар таркибида қандай сўз туркумларига оид бирликларнинг мавжудлиги таҳлил қилинади.
6. Ясалиш: топонимларнинг ясалиши билан боғлиқ ҳолатлар: туб ёки ясама эканлиги, ясалишнинг усуллари ўрганилади.

Боб бўйича хулосалар

1. Ўзбек ономастикаси фанининг таркибий қисми бўлган топонимика ўтган давр мобайнида алоҳида мустақил тадқиқ соҳаси сифатида шаклланди,

¹ Каримов С.А., Бўриев С.Н. Кўрсатилган асар. – Б.87.

янги тараққийёт босқичига кўтарилди.

2. Ўзбек тилининг мутахассислари томонидан топонимика соҳасининг тадқиқ объект, предмети, мақсади ва асосий вазифалари белгилаб берилди. Ономастиканинг бир йўналиши сифатида топонимика соҳаси ўзининг шаклланиш, ривожланиш тарихига эга бўлиб, унинг таянч манбалари ҳамда тадқиқотчилари мавжуд.

3. Топонимика бир қатор фанлар билан узвий алоқадаги соҳа бўлиб, уни тарих, география, этнография, археология, ўлкашунослик фанлари билан боғлиқликда ўрганишга тўғри келади.

4. Топонимика луғавий birlikлар, атоқли отлар, апеллятив лексика билан иш кўрганлиги сабабли тилшуносликнинг алоҳида бир йўналиши саналади.

5. Ўзбек топонимикаси ҳозирга қадар катта натижаларга эга бўлди. Бу натижалар, орттирилган илмий тажриба, тўпланган назарий қарашлар, тадқиқот методлари ва таснифлаш усуллари микротопонимларини ўрганишда ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

ШИМОЛИЙ ТОЖИКИСТОН ТУРКИЙ ТОПОНИМЛАРИНИНГ СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ

Топонимларнинг тизимли таҳлили.

Тилшуносликда топонимларни тизимли лингвистик шакллар бўйича таснифлаш замонавий топонимиянинг долзарб ва муҳим вазифалари сирасига киради. Шу маънода, маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан топонимика ва антропонимикани тадқиқ қилиш ва таснифлаш назарияси ва амалиёти соҳасида қатор йўналиш ва усуллар таклиф қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида бу йўналишларда қатор илмий ишлар юзага келди. Таниқли рус тадқиқотчилари В.А.Никонов, Н.В.Подолская, А.В.Суперанская, С.Роспонда, А.К.Матвеев, шунингдек ўзбек ва тожик олимлари Ҳ.Ҳасанов, Э.Бегматов, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, Л.Каримова, О.Носиров, Т.Эназаров, Хромовлар бу

соҳанинг турли йўналишларида фундаментал илмий асарлар яратдилар. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, замонавий топонимиканинг марказий муаммоларидан бири бу топонимларларни ҳар томонлама таснифлашдир. Бизга маълумки, топонимика фан сифатида узоқ ривожланиш тарихига эга эмас ва шунинг учун ҳам унинг барча жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган. Шу муносабат билан, тадқиқотни ўрганишда бу йўналиш методологиясини танлаш учун, биринчи навбатда, мавжуд бўлган усулларга таяниб иш кўриш қўйилган муаммонинг мақсадлари, вазифалари ва материалларини аниқлашда тўғри йўл саналади. Бизнинг фикримизча, замонавий ўзбек ономастикасини ўрганишда мавжуд усуллардан фойдаланган ҳолда иш кўриш керак. Дарҳақиқат, ўзбек тилшунослигида ономастика анча ёш соҳадир ва бир неча йиллардан буён тадқиқот объекти бўлишига қарамай, бу йўналишнинг ўрганилмаган қирралари кўпдир. Ўтган асрнинг 60–йиллари бошларида рус олими В.И.Жучкевич географик материални ўрганишга асосланиб, умумий ёки универсал деб номланган назарияни таклиф қилди ва бизнинг фикримизча, топонимларни таснифлаш ва ўрганилаётган материалнинг қуйидаги жиҳатларини аниқлашда жой номларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- географик ҳудуднинг хусусиятлари;
- географик ҳудудни ифодалаш усуллари;
- географик ҳудуднинг лингвистик хусусиятлари ¹.

Топонимларни таснифлашнинг бу усули ономастика фанини ўрганишда биринчи қадам қўйилган дастлабки давр учун мақбулрок ва қулай бўлган. Бироқ, кейинги йиллардаги жой номларни тадқиқ қилиш амалиёти шуни кўрсатдики, ҳар хил материалларни тадқиқ қилиш ва таснифлашнинг бу усули умуман мақсадга мувофиқ эмас, чунки кўзланган мақсадга эришиш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Шунинг учун топонимистлар маълум бир ҳудуднинг географик номларини ўрганаётганда, топонимларни ўрганиш ва таснифлашда сезиларли натижаларга эришиш учун уларнинг турли параметрларига эътибор беришни таклиф

¹ Жучкевич, В. А. Общая топонимика [Текст] / В. А. Жучкевич. - 2-е изд., испр. и доп. - Мн. : Высш. школа, 1968. - 432 с.

қилишади¹. Шу билан бирга, ўзбек олимлари, ҳудуд топонимиясининг муаммоси ва миллий маданий хусусиятларини таҳлил қилиш бўйича узоқ йиллик амалиётга асосланган Европа тажрибасини ўрганиб, баъзи элементларга асосланиб, бирор жойга ном бериш жараёнида одамнинг табиатга ва унинг яшаш муҳитига муносабати ўрганиш муаммони аниқлашда ёрдам беришини уқтирадилар. жумладан:

а) маълум бир ҳудудда тил ва амалдаги лаҳжаларнинг мавжудлиги (яшаши);

б) маълум бир жойнинг жонли ва ўлик тилларининг субстрат ҳодисалари;

в) топонимларнинг сўз ясалишининг анъанавий шакллари (морфогенези);

д) ҳудуднинг табиий ва физик–географик шароитлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг хусусиятлари;

г) аҳолининг маданияти ва кундалик ҳаёти (ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий шароит ва бошқалар);

е) янги объектлар номларини аташда унинг асосларни акс эттирувчи манбанинг мавжудлиги, маҳаллий топонимикани акс эттирувчи ҳудуд номлари рўйхати мавжудлиги;

ф) минтақадаги турли табиий, тарихий, ижтимоий ҳодисалар;

г) анъана ва урф–одатлар, дин, мифологиянинг мавжудлиги ва уларнинг маълум бир тил муҳитига таъсири.²

Шунингдек, мавзуни ўрганиш жараёнида биз тадқиқот мавзуси билан чамбарчас боғлиқ бўлган тадқиқот усуллариغا мурожаат қилишимиз ва муаммонинг турли томонларини ўрганишнинг энг мақбул усулларини тақдим этишимиз муҳим. Бу муаммо кенг қамровли таҳлил мавзуси бўлиши ва чуқурроқ тушунтириш ва талқин қилиш учун асос бўлиши керак. Шу муносабат билан, тўпланган материални кўриб чиқаётганда, биз ишимизнинг асосини энг янги, замонавий ютуқлар ва замонавий ўзбек тилшунослигини ўрганишнинг асосий тамойилларини асос қилишга ҳаракат қилдик. Маълумки, баъзи топонимлар

¹ Суперанская, А. В. Языковые и внеязыковые ассоциации собственных имен [Текст] / А.В.Суперанская // Антропонимика. - М., 1970. - С. 3 - 18.

² Додихудоев, 1992, 3-4 б

(микро-макротопонимлар) умумий отлардир ва уларни таҳлил қилганда куйидаги фикрларни қайд этиш мумкин:

- топонимларнинг тузилиши ва ясалиши;
- топонимларнинг фонетик хусусиятлари (фонетикаси);
- топонимларнинг синтактик хусусиятлари;
- топонимларнинг семантикаси ва ҳақиқий маъноси (этимологияси);
- топонимларнинг ишлатилишининг тарихий асоси;
- жой номларининг табиий ва тарихий ҳодисалар билан боғлиқлиги;
- жой номларининг этник гуруҳларнинг кўчиши билан боғлиқлиги;
- топоним ёки унинг бир қисми тарқалишининг чегаралари ва сабаблари;
- мифология, дин ва урф –одатларга қараб топонимларнинг келиб чиқиши ва қўлланиши;
- топонимларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки чекланганлик сабаблари;
- топонимларни ўзгартириш сабаблари.¹

Ономастика ва айниқса замонавий топонимиканинг энг муҳим муаммоларидан бири бу географик номларнинг тузилиши ва грамматик хусусиятларини таснифлаш ва ўрганиш, топонимларнинг синтактик ва морфологик тузилишини аниқлаш ва энг аввало топонимларнинг шаклланиш жараёнини аниқлашдан иборат. Бу жараёнда топоформантлар, қўшимчалар ва префикслар, морфемалар ва бошқалардан фойдаланиш даражаси ва усулини аниқлаш лозим. Никонов таъбири билан айтганда «... топонимика географик номларни ташкил этувчи махсус формантлар яратмайди, балки тилнинг воситалари ва хусусиятларидан фойдаланади.»² Бу позициядан келиб чиқиб, бу тадқиқот объектимиздаги топонимлар ва микротопонимларнинг лингвистик муаммоларини ўрганишда мавжуд тадқиқот ишларига, шу жумладан Ҳ.Ҳасанов, Э.Бегматов, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, О.Носиров, Т.Эназаров, А.Л.Хромов, Р.Х.Додихудоев, Ш.Исмоилов, Н.Офаридоев, С.Сулаймонов, С.Назарзода ва бошқаларнинг ишларига бевосита муносабат

¹ Додихудоев, 1992, 5 б

² Никонов, В. А. Введение в топонимику [Текст] / В. А. Никонов. - М. : Наука, 1965.-180 с.

қилганмиз. Тадқиқотда Шимолий Тожикистоннинг топонимлари қуйидаги тизимли ва грамматик таҳлилнинг турлари ва шаклларида фойдаланган ҳолда таснифланади:

1. аффикс (қўшимчалар) ёрдамида ҳосил бўлган жой номларини таҳлил қилиш;
2. соф топонимлар;
3. мураккаб топонимлар;
4. ибора – топонимлар;

Кейинги йилларда ономастикага, хусусан топонимикага бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу туфайли тилшуносликнинг ривожланиши учун энг муҳим ва зарур соҳалардан бири бу топонимларнинг таркибий тузилиш хусусиятларини ўрганишдир, бу ерда, биринчи навбатда, топонимларни ясалишининг турлари ва анъанавий функциялари, сўз ясашда формантларнинг ўрни ва сўз ясаш шакли ҳар томонлама ўрганилади. Бу борада топонимист Карпенконинг қуйидаги фикрлари муҳимдир. Ҳудуднинг географик номларини структуравий ўрганиш, шунингдек уларни грамматик шаклда ўрганиш асосий ва энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда, бу бир томондан этимологияга яқин, бошқа томондан эса ажратиб кўрсатишга ёрдам беради.¹ Шу билан бирга, ҳудуд топонимларининг тузилиши ва таркибини аниқлаш топонимлар ва микропонимларнинг у ёки бу тил билан тарихий алоқаларини тиклашга ёрдам беради, шунингдек, уларни тадқиқ қилишнинг янги усулларини яратиш учун фойдали материал беради. Топонимик материаллар янги хилма–хил муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш учун асос бўлади. Олимлар географик номларнинг тузилишини ўрганишда ҳал қилувчи ролни сўз тузилишини таҳлил қилиш ҳал қилишини тўғри таъкидлаганлар, аммо олимлар томонидан таклиф қилинган усуллар ва фикрлар ҳар доим ҳам қўллаб–қувватланавермайди. Бу йўлда, биринчи навбатда, тўпланган материалнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг турларини ҳисобга олиш керак. Шунини таъкидлаш лозимки, топонимик

¹ Карпенко, Ю. А. Свойства и источники микропонимии [Текст] / Ю. А. Карпенко // Микропонимия. - М.: Изд-во МГУ, 1967. - С. 15-22.

муаммоларининг ечиш усуллари ҳақида олимлар ўртасида бир неча хил карашлар мавжуд, улар ҳатто топономик терминологияни ҳам ҳар хил қўллайдилар, масалан:

1. Структуравий усул (Роспонд, 1961).
2. Сўз яшани таҳлил қилиш усули (Воробёва, 1968).
3. Сўз яшаш усули (Кореланова, 1969).
4. Формант усули (Поспелов, 1970).
5. Сўз яшаш усули (Поспелов, 1971).
6. Грамматик ва тизимли таҳлил усули (Хромов, 1975)

Черняховскаянинг фикрига кўра, тадқиқот усуллари бошқача, аммо «... улар лексик ва лексик–семантик таснифни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга, чунки агар лексик тасниф топонимлар ва микротонимларни таҳлил қилиш учун шароит яратса, иккинчи тур халқ сўзлари ва иборалари бойлигини, йўқолиши мумкин бўлган индивидуал элементларни очиқ беришда ёрдам беради, шунингдек, минтақа аҳолисининг тарихини тўғри ўрганиш ва яхшироқ тушунишда ёрдам беради.¹ В.Н.Топоров ва О.Трубачевнинг сўзларига кўра эса, «... Тополексемани ташкил этувчи формантларнинг таҳлиллари натижаси шундаки, биз ҳар сафар иложи борица битта умумий формант билан бирлаштирилган бир нечта мисоллар билан ишлаймиз. Бундан ташқари, ҳамма нарсани ўрганиш ва аниқлаш жой номларнинг турлари формантлардан бошланади ва бизнинг фикримизча, топонимларнинг шаклланиши ва этник муҳитига аниқлик олиб келади. Бундан ташқари, формантларни ўрганиш топонимларнинг лингвистик қатламларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, бу усул этник ва морфемик тасниф ҳисобланади:² Асосан, топонимларни (жой номларни) ўрганиш учун тўпланган материални таснифлашнинг учта усули мавжуд:

- А) лексик – семантик;
- Б) тизимли – ҳосилавий;

¹ Черняховская, 1970, 4 б

² Топоров, В. Н. Из области теоретической ономастики [Текст] / В. Н. Топоров // Вопросы языкознания. - 1962. № 6. - С. 3 – 12

В) икки ўлчовли // лексик – семантик ва ҳосилавий.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, туркий гуруҳ (ўзбек) топонимлари учун структуравий ва шу билан бирга шакллантирувчи усуллардан фойдаланиш анча изчил бўлади. Бу таснифлаш усули ўзбек олимлари С.Қораев, Э.Бегматов, Т.Нафасов, З.Дўсимов, О.Носиров, Н.Хусанов, Л.Каримова, Т.Эназаров ва тожик олимлари А.Л.Хромов, Р.Х.Додихудоев, Н.Офаридоев, Ш.Исмоилова, Ж.Алими, С.Сулаймонова, А.Абдунабиева томонидан қўлланган. Уларнинг илмий ишлари Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли жойлари топонимлари ва микротопонимлари ўрганишга бағишланган. Шимолий Тожикистон топонимларини ўрганишда биз ҳам бу олимлар таклиф қилган усул ва фактларга таяниб иш кўрдик. Тадқиқотнинг бу бобидаги Шимолий Тожикистон топонимлари ва микротопонимлари синхрон тавсифли тадқиқот асосида кўриб чиқилган. Топонимик номларнинг бу боби биз тўплаган материалнинг кўп қисмини ташкил қилади. Шунингдек, индивидуал топонимларни тушунтириш ва таърифлашда бизда мавжуд бўлган тарихий, лингвистик манбалардан, хариталар ва қўлланмалардан, ушбу ҳудуднинг географик номлари ёзилган минтақанинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи бўйича республика архив материалларидан фойдаландик.

1.2. Аффикслар ёрдамида ясалган топонимларнинг таснифи.

Топонимлар ва микротопонимларни аффикслар ёрдамида ҳосил қилиш энг самарали ва кенг қўлланиладиган усуллардан ҳисобланади. Улар, бошқа нарсалар қаторида, «... аффиксация—бу географик номларни ишлаб чиқишнинг самарали воситаси ва бу қисмда жой номларини ҳосил қилувчи қўшимчалар (формант) ҳал қилувчи ва муҳим рол ўйнайди, яъни топоним ясовчи префикслар кўпроқ қўшимчалар билан таққослаганда географик номларнинг шаклланишида самарали ...».¹ Топонимик қўшимчаларнинг бу ҳал қилувчи роли Шимолий Тожикистон топонимик материалида ҳам яққол кўзга ташланади. Таниқли топонимист В.А.Никоновнинг славян топонимлари ҳақидаги фикри ушбу тадқиқот материалига, умуман Тожикистон ҳудудларининг географик

¹ Никонов, В. А. Введение в топонимику [Текст] / В. А. Никонов. - М. : Наука, 1965.-180 с.

терминологиясига тўлиқ мос келади. Шимолий Тожикистон топонимик ва микротопонимик материалларининг таҳлил қилинганда географик номларнинг формант ёрдамида шаклланиши жуда қадимий даврларга бориб тақалиши ва ҳажман кўпчилиқни ташкил этиши маълум бўлди.

А. Қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинган жой номлари.

Тилшуносликда ва айниқса ўзбек тилида қўшимчали топонимларнинг шаклланиши кўпроқ учрайди ва кенг тарқалган. Топонимларнинг шаклланишида -лар қўшимчасини ўрганиш тадқиқотчига топонимлар ва микротопонимларнинг оммавий ва такрорланадиган элементларини, шунингдек, топонимлар, топонимик қўшимчалар ва префиксларни аниқлаш имконини беради.¹ Дарҳақиқат, ушбу тадқиқот материалининг топонимик шакллантирувчи формантларининг аксарияти ўзбек тили грамматикасининг қонуниятлари асосида шаклланган. Шунинг учун топоформантларнинг географик номларини таҳлил қилиш ва таснифлашда биз қуйидаги мавзуга олд шартларга эътибор қаратишимиз керак:

- талаффузи қайси лаҳжа фонетик қолипларга тўғри келишини аниқлаш ;
- формантларнинг тарқалиш ва ишлатилиш доираси аниқлаш;
- формантларнинг тарихий ривожланиши ва тарқалишини аниқлаш;
- формантларнинг лингвистик мансублиги аниқлаш, чунки ҳамма формантлар уларнинг тарқалиш доираси тилига мансуб бўлмаслиги мумкин;
- формантлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш.

Ушбу таснифга мувофиқ, тўпланган материал асосида Шимолий Тожикистон топоним ясовчи формантларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин.

– лар форманти; Ўзбек тилида бу формант шакл ясовчи маънога эга бўлиб, умуман кўплик ҳосил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, туркий тиллар тарихида бу формантлар ҳозирги ўзбек тилида бўлгани каби кўплик маносини ифодалаш хусусиятига қадим даврлардан буён амал қилади ва энг муҳим морфологик

¹ Бондалетов, В. Д. Русская ономастика : учеб. пособие для студентов пед. ин-тов по спец. № 2101 «Рус. яз. и лит.» [Текст] / В. Д. Бондалетов. - М.: Просвещение, 1983. - 224 с.

категория ҳисобланади. Тарихий жиҳатдан –лар қўшимчаси асосан мавжуд жой номлари таркибида учрайди. Ҳозирда бу қўшимча кўпроқ жой номини ҳосил қилувчи қўшимчадир. Шунинг учун, ишнинг бу қисмида биз асосан шу қўшимчанинг ўзига хос хусусиятларига ва уларнинг маълум бир ҳудудда номлар ҳосил қилишда ўша жой шевага хос хусусиятлари ўрни ва иштирокига эътибор қаратамиз. Шимолий Тожикистон ва унинг атрофидаги топонимлар тизимида бундай қўшимчалар кўпроқ отлар, сифатлар, сонлар ва бошқалардан ойконим ва оронимларни шакллантириш вазифасини бажарган. Мисолларга эътибор қаратсак бу ҳол яққол сезилади.

а) отлар: Турклар (маҳалла номи); Найманлар (маҳалла номи); Қипчоқлар (қишлоқ номи);

б) сифат ва отдан: Пучукойлар (маҳалла номи), Оқ тангилар (яйлов), Кўктошлар (тепалик номи), Сари(қ)қирлар (экин майдони номи);

в) сон ва отдан: Бешжузлар (қишлоқ), Учтомлар (қишлоқ яйлови) Мингбирбулоқлар (адир номи).

– истон форманти топонимларнинг шаклланишида маҳсулдор бўлиб, кўпроқ давлатлар номи таркибида учрайди. Ўзбекистон, Тожикистон.

– ак форманти нисбатан унумли ва топонимларнинг қуйидаги турини ҳосил қилади: Бедак (қир номи), Кунжак (қишлоқ номи, экин майдони номи), Дўнгалак (овул номи, гузар номи), Тирмизак тепа (тепалик номи), Қизак (ғор номи), Попушак (маҳалла номи), Бурчак (маҳалла номи) ва бошқалар.

– ча формантли шакл ҳозирги ўзбек тилининг қўшимчаси бўлиб, кўпинча бир жой номининг бошқасига нисбатан кичкиналигининг ифодалаш билан бирга топоним кичик майдонни, кичик объектларни номлари эканлигини англатади. Кўлча (гидроним), Боғча (фитоним), Тоғча (ороним), Ниёз дегча (топоним), Қўриқча (экин майдони), Мозорча (яйлов, экин майдони), Қўрғонча (қишлоқ номи, овул номи), Майдонча (қишлоқ номи), Шўрча (тепалик, экин майдони номи), Сойча (адир номи), Қипчоқча (қишлоқ номи). Бу формант маҳаллий аҳолининг шеваларида жуда кўп ишлатилади.

– зор формантли қўшимча аслида форс–тожик тилидан ўзлашган

бўлиб. Ҳозир ўзбекларда топонимлар ясашда фаол қўлланади. Бу қўшимча айниқса ўсимлик дунёсини номлашда айниқса унумли саналади. Токзор (фитоним); Оличазор (фитоним), Теракзор (ороним), Олмазор ва бошқалар.

– сор форманти бу қўшимча зор қўшимчасининг эквивалианти ҳисобланади. Шунингдек бу қўшимча кўплик маъносида ҳам қўлланади. Чашмасор (ороним), Исписор (топоним)

В. Префикслар ёрдамида ҳосил бўлган жой номлари.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, топонимларнинг шаклланишининг аффикс шакли кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, бу ерда топонимик қўшимчалар муҳим рол ўйнайди. Айни пайтда Шимолий Тожикистон топонимик тизимда, топонимик материалларни йиғишда биз префикслар ёрдамида яратилган баъзи топонимларни тўпладик, лекин бу усул жуда каммаҳсул бўлиб, бунда ҳам кўпроқ форсча–тожикча топонимлар ясалганини гувоҳи бўлдик. Бесўроқ (вайрон бўлган аҳоли пункти.), Бегар (тоғ номи), Беов (ер) каби, баъзан бу топоним Беова тарзида ҳам қўлланилган.

Формантсиз шаклланган жой номлари. Бу турдаги топонимлар Шимолий Тожикистоннинг бошқа географик номлари орасида ҳам учрайди. Тадқиқотчилар ушбу топонимларни ўрганиш ва ҳатто номлаш борасида турлича фикрдалар, шу жумладан улар орасида – «таянч – охири бўлмаган ном» (Никонов, 1962, 17), тугалланмаган оддий географик номлар, (бирламчи) (Роспонд, 1962, 14), оддий таянч–ном (Хромов, 1975, 17), оддий топонимлар (Исмоилов, 1999, 24) каби вариантлар берилганлигини кўришимиз мумкин. Кўпчилик тадқиқотчилар ўз илмий ишларида бу топонимлар асосан отлардан ясалган ва топоним ясовчи формантларсиз ясалган деб қайд этадилар. Бу топонимларнинг таснифи билан боғлиқ тадқиқотчиларнинг тахминлари хилма–хил бўлиб, уларнинг барчаси шу топонимлар микротопонимик тизимда кўп қўлланиши мумкинлигини кўрсатадилар. Бу мулоҳазаларга асосланиб, ўрганилаётган минтақанинг шаклсиз топонимларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

А). Асоси от сўз туркумига оид топонимлар. В). Асоси сифат сўз

туркумига оид топономлар.

А). От сўз туркумига оид топонимлар

Асосан от сўз туркумига оид топонимларнинг тарқалиш майдони янада кенгрок ва самаралирок ҳисобланади. Уларнинг семантик хусусиятлари ва топонимларнинг шаклланишидаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда уларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Ҳудуднинг хусусиятларини билдирувчи географик атамалар асосида шаклланган жой номлари: Ўтов олди (яйлов номи), Қамар (қиялик тоғ), Ўғридиёр (тоғ довони), Дашт (текислик), Адир (тепалик), Кўл (суғориладиган паст–текислик), Бўрижар (яйлов номи), Дара (дара номи) ва бошқалар.

2. Объектларнинг хусусиятларини кўрсатмайдиган географик атамалар асосида ҳосил бўлган топонимлар: Мозор (тепа), Тўда (ер), Майдон (хайдаладиган ер), Қўтан (ер) ва бошқалар.

Географик ҳудуд номларини шакллантиришнинг бундай усули метафора, метонимия, синекдоха ёки (асослаш) ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бу усуллар Тожикистоннинг барча ҳудудлари топонимикасида учрайди, буни мамлакатнинг турли ҳудудларидан махсус тадқиқотлар олиб борган тадқиқотчилар ҳам қайд этишган.¹

3) антропонимлар (киши исмлари) асосида пайдо бўлган топонимлар ва микротопонимлар: Жаббор Расулов (туман), А.Самадов, Б. Ғофуров, Чингиз (дара), Малик (боғ), Ниёзбек (қишлоқ), Эсанбой ороли (экин майдони), Қўзивой хожи маҳалласи (маҳалла), Ашурвой ота (маҳалла), Одилвой тепа (тепалик) ва бошқалар.

4). Асоси географик семантикага эга бўлмаган жой номлари : Қайирма (ёзги яйлов, қишлоқ номи), Оқтанги (яйлов), Кўктош (кичик тоғ номи), Қўтур булоқ (булоқ номи, яйлов номи), Тоғоёқ-Тоғайақ (қишлоқ номи), Шайидқараянтоқ (қишлоқ) ва бошқалар.

В. Сифат асосида ясалган жой номлари. Биз тўплаган материалдаги бу турдаги топонимлар маълум миқдорни ташкил этади ва асосан ҳудуднинг

¹ Алимий, 1995, 24-25 б

жойлашуви ва хусусиятларини (объектнинг жойлашуви, ранги, ҳолати, хусусияти) кўрсатади ёки уларни ўзида акс эттиради: Қизили (қишлоқ) Сурхи (қишлоқ), Кўктош (кичик тоғ номи), Узун (дара), Оқ сой (тоғ яйлови), Оқтош (тоғ яйлови), Қорақозон (маҳалла номи), Сарикамиш (қишлоқ номи), Қорабоғ (қишлоқ номи), Қорамозорсой (қадимий кичик сой номи), Шўрқишлоқ (маҳалла номи), Ширинсой (тепалик номи, сой номи), Қоратош (адир, тепалик номи), Кўккўзқўрғон (маҳалла номи), Кўктўнлик бобо (қабристон номи) ва ҳоказо.

Мураккаб жой номлари.

Бу минтақа топонимик тизимидаги мураккаб топонимлар юқоридаги топоним турларига нисбатан миқдорий жиҳатдан кўпроқ учрайди. Тадқиқотчилар уларни икки ёки ундан ортиқ қисм ва элементлар асосида яратилган топонимлар деб аташади. Мураккаб топонимларнинг шаклланишида аниқловчи ва копулятив топонимлар муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шимолий Тожикистондаги мураккаб топонимларда бу алоқа турларига нисбатан қуйидагича бўлиниш мумкин.

Бу топонимлар гуруҳи қуйидаги шаклларга эга:

а) от + от: Девдара (дара), Арчамайдон (ов жойи), Дўзахдара (жарлик), Тошбулоқ (дара), Эшонқўрғон (тепалик), Кампирдевор (дара, девор номи), Момотепа (адир, тепалик номи).

б) от + сифат: Тошқора (майдон номи), Даштқораянтоқ (қишлоқ), Юлдузкўк (қишлоқ, тепалик номи), Жиянчуқур (ариқ номи).

в) сифат +от. Оқсув (кўл), Сари (қ) мазор, (майдон), Оқ ер (ер майдони), Сари (қ) қир (жарлик номи), Қизилтов (тоғ), Қорабўйин (гузар номи), Қора ер (экин майдони)

г) сон + от: Қирқкудук, Еттисув, Олтибоғ, Бешбулоқ, Мингбирбулоқ, Ўн тепа (боғ, яйлов, экин майдони номи), Бешкал (маҳалла номи), Олти етим (арик номи), Уч тепа (овул номи), Уч боғ (овул номи), Мингйиллик (тоғ номи), Қирққиз (яйлов номи), Мингбоши (арик номи), Тўққизчелак (қишлоқ номи), Қирқ қозик (тоғ номи), Етти қиз (боғ номи)

д) от + феъл шакллари. Минтақа топонимик тизимида бу турдаги

топонимлар куйидаги куринишлари учрайди:

от + феъл. Олтинтопган (қишлоқ), Қизқочган (ер), Тошга чикқан (адир, тепалик номи), Кампир учган (жарлик), Эшак ўтган (довон йўли номи), Танга топди (қишлоқ номи), Бий келди (кичик сой номи), Биясўйди (боғ номи), Бўритешган (маҳалла номи), Бўрижурган (маҳалла номи).

сон + феъл шакли Яккатуймас (жой номи) Қирққиз қочган (тарихий жой номи).

Таъкидлаш жоизки, мураккаб топонимлар нафақат алоҳида топоним ясовчи элементларнинг боғланиши асосида, балки аффикслар ёрдамида ҳам пайдо бўлади. Бу турдаги топонимлар асосан оғзаки нутқ жараёнида кўплаб учрайди.

1) – а топоним ясовчи қўшимчали мураккаб топонимлар:

а) от + от + а: Ойқора, Ойбора, Етимдара (жар) .

б) от + феъл : Танакуйди (дашт), Тепақочди (ўтиш жойи), Ойқайтган (майдон)

2) –ак қўшимчаси билан тугаган мураккаб топонимлар:

а) от +от + ак: Момокампирак (тоғ), Қоратўбак (овул номи).

б) от + сифат + ак: Шодикарак (маҳалла номи).

в) сифат + от: Оқтут (дара), Оқжар (дара), Кўрали (дашт,). Қўтирбулоқ (булоқ номи)

д) сон+ от: Қирққудуқ (қишлоқ номи), Учтом (яйлов номи) Бешкапа (қишлоқ номи), Учтом (овул номи), Бешариқ (маҳалла номи), Учқўпирик (маҳалла номи), Мингбирбулоқ (булоқ номи), Уч чашма (булоқ номи).

г) от +феъл: Бўрижурган (яйлов,), Бўритешган (яйлов), Тошбосди (дара номи).

Икки асос асосида вужудга келган мураккаб топонимлар. Бу турдаги географик номларнинг Шимолий Тожикистонда тарқалиш майдони анча кенг. Ушбу минтақанинг топонимик тизимида бундай топонимлар кўп учрайди. Келиб чиқиши ва шаклланиш жараёнига кўра бу топонимларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

А. Мураккаб топонимлар, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзбек тилининг сўз бойлигидан келиб чиққан ва иккала қисми ҳам ўзбек тили материали асосида изоҳланган:

Оқтош (қишлоқ номи) иккита алоҳида сўздан иборат; Ўзбек тилида «оқ» сўзи ранг маъносини англатади: «тош» сўзи қаттиқ жисм деган маънони англатади.

Файзобод (қишлоқ номи): иккитадан сўздан иборат: мустақил сўзлар: «файз» сўзи «файзи» сўзининг қисқартирилган шакли бўлиб, бу ерда: антропоним ва аниқловчи топонимни билдирувчи «обод» сўзларидан ташкил топган бўлиб, «файзли, обод бўлган ҳудуд» маъносини англатади;

Ўртақўрғон (қишлоқ номи) икки сўздан иборат. «Ўрта» сўзи ўзбекча сўз бўлиб, ярим, ўрта деган маънони англатади ва «қўрғон» – қишлоқ қалъаси деган маънони билдиради;

Жарқўрғон (қишлоқ номи) ўзбекча сўз бўлиб, жарлик, паст – баландликлар деган маънони англатса, қўрғон – қалъа сўзига асосланган бўлиб, қишлоқ қўрғони деган маънони англатади.

Оққамар (яйлов номи) икки сўздан иборат. Ўзбек тилида «оқ» сўзи сифат сўз туркумига киради ва ранг маъносини англатади. «Камар» сўзи «тоғнинг ўртаси», тоғ оралиғи деган маънони англатади.

Тоғаяк (қишлоқ номи) икки сўздан иборат. Ўзбек тилида «тоғ» сўзи тоғ, тепалик, «оёқ (ояк)» – «охири, адағи» деган маънони англатади.

Шўрбулок (қишлоқ номи) икки сўздан иборат. Ўзбек тилида «шўр» сўзи аччиқ, тахир деган маъноларни англатади. Бу ерда шўр маъносидан ташқари бироз ифлосланган сувни ифодалаш учун ишлатилади. Бу топоним икки тоғ (даранинг) ўртасида хайқириб оқаётган сув маъносини ҳам билдиради. Мамлакатнинг бошқа минтақаларида ҳам худди шундай географик номлар топилган ва таҳлил шуни кўрсатадики, топонимларнинг бундай тузилиши тоғли ҳудудларга хосдир. Масалан Пенжикент туманининг тоғли ҳудудларида тожикча аталадиган худди шундай жой номлари Шўроб, Шўроба, Шўрова кўринишида учрайди. .

Шўрсув (қишлоқ номи) икки сўздан иборат. Ўзбек тилидаги шўр сўзини юқорида изоҳи келтирилди. Сув сўзининг маъносини бу ўринда бошқачароқ талқин қилиш зарур бўлади. Бизга маълумки, сув тириклик манбаи ҳисобланади. Аммо бу ўринда сувни истемолга яроқсиз эканлигига урғу берилмоқда.

Ўзбекгузар (жой номи) икки сўздан иборат бўлиб, маҳаллий «ўзбек» этноними ва «гузар» сўздан иборат. Бу топоним «ўзбеклар яшайдиган жой» маъносини билдиради. Шимолий Тожикистон марказий ҳудудларда «ўзбек» этноними билан бир қаторда тожик, қирғиз, татар, козоқ этник номлар ёрдамида ҳосил бўлган топонимларни ҳам учратамиз.

Ойқор (жой номи, яйлов) икки сўздан иборат. Ўзбек тилида «ой» сўзи – ой, осмон, юқори деган маъноларни англатади. «қор» – табиат ходисаси бўлиб, қор асосан қиш мавсумида ёғади. Бу топоним том маънода баланд тоғлардаги қор, баланд жой деган маъноларни билдиради .

Конибодом (худуд номи) икки сўздан иборат: ўзбек тилида «кент» сўзи – қишлоқ, шаҳар, маъносини англатади – «бодом» қўшимчаси худудни номини белгилаш маъносида қўлланган – бу сўз бодомли, бодоми кўп жой маъносини билдиради. .

Жиянчукур (жой номи) икки сўздан иборат. Ўзбек тилида жиян сўзи опа ёки сингилнинг ўғил–қиз фарзандига нисбат қилиб айтилади, чукур чуқурлик маъносида қўлланади. Бу топоним рамзий маънода яқин, жуда яқин сўзларининг ички маъноларига тўғри келади.

Эшшак ўтув (ўтиш номи) бу жой номи иккита сўздан иборат. Қадим замонлардан то ҳозиргача баъзи тоғли жойлардан фақатгина от, эшшак каби уловлардангина фойдаланилади. Бу жойдан ҳам фақат эшшак орқали ўтилган. Шу сабабли Эшшак ўтув деб номланади.

Тошкўпирик (овул номи) бу топоним икки сўздан иборат. Топонимнинг ясалишига асос сифатида қариялар бу овулга тош кўприк орқали ўтилганлигига йўйишади.

Тошқалла (яйлов номи) икки сўздан иборат. Ўзбек тилида «тош» – тош

физик қаттиқ жисм номи, «калла» – мустаҳкам тоғ танаси каби маънода қўлланган. Бу топоним бизнингча тошқалъа сифатида мавжуд бўлган, кейинчалик фонетик ўзгаришга учраб, тошқалла тарзида ҳам қўлланган. Тош билан ўралган ёки тошдан қурилган қалъага нисбат қилиб айтилган.

Қоратош (тоғ, тепалик номи) икки сўздан иборат. Ўзбек тилида қора сўзи рангдан ташқари катта, баҳайбат маъноларини англатади. Бу тоғнинг ён атрофидагиларга нисбатан катталигига ишора қилинмоқда. Шунингдек бу тоғ ва тепаликда қора рангли тошлар бошқа рангли тошларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилиши ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Қорабулоқ (яйлов номи) икки сўздан иборат. Юқорида қайд этганимиздек қора рангдан ташқари катта маъносида ҳам қўлланган. Бу яйлов атрофида қорабулоқ номли катта булоқ мавжуд бўлиб, бу булоқда асосан чорва моллари суғорилган.

Қоратоғ (ариқ номи) икки сўздан иборат. Топонимнинг ясалишига бу ариқ Қоратоғ номли тоғдан бошланиб, бир қанча қишлоқ ва овулларни сув билан таъминлаганлиги мабаларда қайд қилинади.

Қорасоққол (қишлоқ номи) икки сўздан иборат. Бу топоним ясалишига асос бўлган Қорасоққол номли киши бўлганлиги тарихий маъбаларда қайд қилинади. Ҳозир Қорасоққол бобо номли қабристон мавжуд бўлиб, бу қабристонда Пайғамбаримиз авлодларидан Абдурахмон Авф номли киши қўйилган, шунинг учун бу жой қадимдан ҳозиргача зиёратгоҳ маскан сифатида қайд қилинади. Бу зиёрагоҳдан ислом олами вакилларининг қадами йил давомида узилмайди.

Қорабўйин (қишлоқ номи) икки сўздан иборат. Бу топоним ерли аҳоли нутқида қарамўйин тарзида қўлланади. Қипчоқ лаҳжаси вакиллари б фонемаси ўрнида м фонемасини қўллайдилар. Бу топонимга асос сифатида катта бўйин сўзларини олишимиз мумкин. Бундан ташқари ўзбек уруғлари ичида қорабўйин тўпи ҳам мавжуд.

Қорашувоқ (экин майдони, жой номи) бу топоним ҳам икки сўздан иборат. Бу жой номининг ясалишига шувоқ ўсимлиги асос бўлганлиги қайд

этилади. Бу ўсимлик ранги унчалик қора эмас, бу ўсимлик олиб ташланмаса бошқа ўсимликларга соя бериб жуда катталашиб кетади. Юқорида қора сўзининг катта маъноси ҳам борлигини қайд этган эдик. Бу ўринда қора сўзининг катта маъносига ишора қилинаяпти.

Қоратой (жой номи, яйлов номи) икки сўздан иборат. Бу топоним ясалишига асос сифатида ўзбек уруғларидан бир бўлаги қоратой деб ҳам номланади. Шу билан бирга қора сўзининг катта маъносига урғу берадиган бўлсак, бу ўринда катта яйлов маъносида ҳам қўлланганлигига гувоҳ бўламиз.

Қоражинғил (овул номи) ҳам икки сўздан иборат. Қора сўзи бу ўринда ҳам кўпроқ катта маъносига яқин маънода қўлланганлигини кўрамиз. Жинғил кўп йиллик ўсимлик турига киради, шунингдек жинғил ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг қизил китобига киритилган ўсимлик ҳисобланади.

Қорасув (жой номи, ариқ номи) икки сўздан иборат. Бу топоним кўпроқ ариқ номи сифатида қайд этилган. Ариқ суви кўпинча лойқа бўлганлиги сабабли қорасув деб номланган. Жой номи сифатида ҳам қўлланганда, шу жой атрофидан кўпинча лойқа сувли ариқ ўтганлигига гувоҳ бўламиз.

Қора ер (экин майдони) икки сўздан иборат. Қора ер одатда унумдор ерларга нисбатан қўлланади. Бу ўринда ҳам серунум ер маъносида қўлланган. Булардан ташқари қора ер кўп ўринларда экин экилмайдиган ерларга ҳам нисбат берилганлигини кўрамиз.

Шимолий Тожикистоннинг аксарият ҳудудларида бу турдаги топонимлар кўп миқдордалиги қайд этилган ва ушбу тил birlikларининг лингвистик жиҳатлари, уларнинг тарқалиш жойлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти шу ҳудуднинг метафорик хусусиятлари асосида номланган. Бундан ташқари, бу минтақа топонимикасида фақат ўзбекча ва субстратли мураккаб топонимлар кўпроқ қайд этилган, бу шуни кўрсатадики, бу минтақа топонимияси ўзбекларнинг бу минтақанинг туб аҳолиси сифатида қадимдан бу ерларда яшаб келганлигидан далолат беради.

В. Ўзбек ва тожик компонентлари асосида ҳосил бўлган мураккаб жой номлари, яъни бу турдаги жой номининг қисмларидан бири ўзбек тилидаги сўз

асосида , бошқа қисми эса бошқа тилдан олинган сўздир:

Гўрсой (худуд номи) икки сўздан иборат; улардан бири тожикча «гўр» сўзи қабр, иккинчиси ўзбекча «сой / сай» сўзидир. Бу топоним қабрга ўхшаш жойга нисбат бериб ясалган. Бундан ташқари бу жой номининг Гургсой каби кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, бизнингча Гургсой топоними халқ жонли тилида фонетик ўзгаришга учраб, Гўрсой деган кўринишга келиб қолган.

Олчабулоқ, (қишлоқ, яйлов номи) икки сўздан иборат: тожикча «олуча» – мевали дарахт номи ва ўзбекча «булоқ» сўзидан ташкил топган. Бу топоним олча ёнидаги булоқ ёки атрофида кўп олча бор деган маънони англатади.

Ҳазратбулоқ (булоқ номи) икки сўздан иборат. Ҳазрат – киши исми, лақаби антропоним бўлиб ўзбек – тожик тилларида бирдай киши исми, тақводор киши сифатида қўлланади. Иккинчи сўз ўзбекча булоқ сўзи бўлиб, бу топоним тақводор, диндор инсон булоғи деган маънони англатади.

Куйгандиёр (махалла номи) икки сўздан иборат: ўзбекча «куйган» сўзи – куйган, куйиш, ичкиш каби маъноларни англатса, диёр сўзи форс – тожикча манзил, макон, яшаш маскани деган маъноларни англатади. Шунингдек бу топоним мажозий маънога ҳам эга бўлиб, висолига етишмаган ошиқлар макони Куйганёр тарзида ҳам учрайди.

Темурдара (худуд номи) икки сўздан иборат; биринчи сўз ўзбекча металл маъносини англатади. Иккинчи сўз эса форс–тожикча ғор, ичи бўш жой маъноларини англатади. Бу жой номи тоғнинг темир каби мустаҳкамлигига ёки бу тоғда темир рудаси борлигидан далолат беради. Шунингдек Темур ўзбек ва тожик тилларида кишиларга исм сифатида қўйилади ва антропоним ҳисобланади.

Жийдабулоқ, (булоқ номи) икки сўздан иборат. Биринчиси – тожикча сўз «жигда» – мевали дарахтнинг номи, иккинчиси булоқ сўзининг маъносини юқоридаги таҳлилларда ҳам қайд этдик. Бу топоним «жийдали дарахтлар тагидаги булоқ» маъносини билдиради.

Қора арча (жой номи) икки сўздан иборат. Бу топоним жонли халқ тилида Қара арча тарзида қўлланади. Биринчи сўз – бу ўзбекча «қара» – қора сўзи ранг

маъносидан ташқари катта маъносини англатишини юқорида ҳам айтиб ўтган эдик, иккинчи сўз – тожикча «арча» – игнабаргли, барглари доим яшил дарахт номи. Қора арча топонимидаги қора сўзи бу ўринда катта арчали жой маъносини англатиш учун хизмат қилган.

Ғиштбулоқ; (булоқ номи) икки сўздан иборат: тожикча «ғишт» – ғишт ва ўзбекча «булоқ», булоқ. Бу топоним «ғишт билан ўралган булоқ» деган маънони англатади.

Шимолий Тожикистон бу каби топонимлар гуруҳи сон жихатдан кўп бўлиб, улар кўпинча ўзбек ва тожик тиллари асосида пайдо бўлади. Бу ҳодиса шуни кўрсатадики, минтақанинг мураккаб топонимлари ҳам бошқа тиллардан ўзлаштириш орқали ҳосил бўлишига сабаб бўлганлигини кўрсатади. Бундай сўзлар ҳар иккала тилларнинг луғатида баб–баравар ўз сўзи сифатида қўлланиб келмоқда.

С. Тилшуносликда ўзбек тилининг соф сўз бойлиги сифатида изоҳланадиган, ҳар иккала қисм ҳам ўзбекча бўлган мураккаб топонимлар ҳудуд топонимиясида кўп учрайди.

Қоровултепа (яйлов номи) икки сўздан иборат. Бу жой номининг ҳар икки қисми ҳам ўзбекча сўздир. «Қоровул» – қўриқчи деган маънони англатади, «тепа» – тепалик, юқори жой деган маънони англатади. Бу топоним қўриқчилик учун мос жой, тепалик, тепадан кузатиш деган маъноларни англатади. Бу ўринда топоним юқоридаги яйлов маъносида қўлланган.

Толбулоқ, (ер номи) иккита ўзбекча сўздан иборат. «Тол» – мевасиз, манзарали дарахтнинг номи, «булоқ» – булоқ маъносини англатади. Бу топоним «тол дарахти остидаги булоқ» деган маънони англатади.

Тешиктош (жой номи) иккита ўзбекча сўздан иборат, «тешик» – тешик, «тош» – тош. Бу топоним «тешикли тош» деган маънони англатади. Бу жой кейинги пайтларда зиёратгоҳга айланган. Чунки халқ орасида фарзандли бўла олмаётган аёллар шу тош тешигидан ўтишса фарзандли бўлишади деган ақида юради.

Қўшбулоқ (қишлоқ номи) икки ўзбек сўзидан иборат. Биринчи сўз «қўш»

– жуфтлик, иккинчиси «булок» – булок маъносини англатади. Бу топоним «жуфт булок» деган маънони англатади. Қишлоқнинг бундай номланишига сабаб, қишлоқда булоқларнинг кўплиги билан ҳам боғлиқдир.

Оқайлоқ (яйлов) икки ўзбек сўзидан иборат. Бу топонимдаги *айлоқ* сўзи яйлов сўзининг қисқарган варианты ҳисобланади. Биринчи сўз оқ ранг маъносидаги сўз. Бу ўринда ранг маъносини ифода этишга хизмат қилмаяпти. Иккинчи сўз айлоқ, яйлов маъносини англатаяпти. Бу топоним ёзги яйлов маъносида қўлланмоқда.

Ўғуртош (жой номи) иккита ўзбек сўзидан иборат. Биринчи «ўғур» сўзи – бурғиланган, ичи бўш тош, турли хил қуруқ нарсаларни майдалашда фойдаланадиган асбоб номини ҳам англатади, «тош» – тош қаттиқ жисм маъносини англатади. Бу топоним «ўртаси тешик тош» деган маънони англатади.

Тошқўтан (яйлов номи), икки ўзбек сўзидан иборат. Ўзбек тилида «тош» – қаттиқ жисм маъносида, шунингдек кўплик маъносини ҳам англатади, «қўтан» – бу моллар тўдаси маъносини англатади. Бу топоним «тошлар тўдаси» – тошлар деган маънони, шу жумладан тегирмон тошлари деган маъноларни ҳам билдиради.

Тошқўрғон (тарихий жой номи) икки ўзбек сўзидан иборат, бу ерда «тош» сўзи тош, «қўрғон» эса тепалик, қозик маъносини билдиради. Бундан ташқари бу топоним тошлар уюми деган маънони ҳам англатади.

Шимолий Тожикистон ҳудудида келиб чиқиши соф ўзбек тилига алоқадор мураккаб топонимлари жуда кўп.

Д. Мураккаб топонимларнинг бир гуруҳи иккита асосдан ташкил топган географик номлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг бир қисми аниқ ва тушунарли, яъни ҳозирги ўзбек тили асосида таҳлил қилиш мумкин. Топонимнинг иккинчи қисмини эса изоҳлаш бироз қийин кечади.

Масалан:

Тамтош (булок номи.), Армашкон (яйлов номи), Авчардара (яйлов номи), Зимчакамар (жарлик номи), Ҳараткон (яйлов номи), Ҳарангон Авзикент

(қишлоқ), Рагова (қишлоқ), Ламатут (қишлоқ), Ерумпок (майдон) ва ҳоказо.

Шимолий Тожикистон топонимик тизимида бу турдаги географик номлар кўпи ҳудуднинг жанубий қисмига хосдир. Бу минтақага Айний ва Эски Масчоҳ туманлари киради. Бу гуруҳ номларининг этимологиясини географик минтақа топонимияси билан бирга Зарафшон ва Фалгар водийси топонимикасига таққослаб ўрганиш мумкин.

Ибора–топонимлар. Ибора–топонимлар гуруҳига топонимист олимлар икки ёки ундан ортиқ топонимларни ва топоним ясовчи компонентлардан ташкил топган географик номлар гуруҳини киритади. Топонимларнинг бу турини композицион ёки кўп компонентли топонимлар сифатида белгилаш мумкин. Бу топонимлар синтактик иборалар қолипида пайдо бўлганлиги сабабли, биз топоним – иборалар атамасини тушунтиришда уларнинг таҳлилига бевосита тўхтаймиз. Биз тўплаган материалларда ибора –топонимлар Шимолий Тожикистон минтақасининг умумий миқдорининг кўпчилини ташкил қилади. Кўпчилик тадқиқотчилар уларнинг ташқи кўринишини туркий тилларнинг грамматик хусусиятлари билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Кўриб турганимиздек, топонимик номларнинг бундай кўриниши замонавий ўзбек тилининг аналитик тузилиши билан чамбарчас боғлиқ. Топонимист олимлар ўз тадқиқотларида бу типнинг шаклланишида бирламчи топоним сифатида уларнинг фақат бирини олиш мумкин деган хулосага келадилар.

Бундай топонимларни қуйидагича таҳлилга тортиш мумкин.

– топонимларнинг қисмлари орасидаги боғланиш маълум бир бўлаги ёрдамида амалга оширилади;

– ибора–топонимда қисмларнинг ўрни турғун бўлади;

– иборанинг ҳар бир қисмида топонимнинг ўзига хос ўрни мавжуд булади.

Қайд этилганидек илгари аралаш топонимлар (икки тилли) кўпроқ махсус конструкциялар ёрдами билан боғланган икки ёки ундан ортиқ иборалардан иборат бўлиб, улар асосида тузилади. Ибора топонимлар–маълум қолиплар асосида пайдо бўлган иборалар бўлиб, ўрганилаётган ҳудуд топонимларида аралаш тиллар ёрдамида ҳам кўплаб ҳосил бўлганлигини кўраимиз.

Минтақанинг топоним–ибораларини бўлинмаларининг лингвистик мансублиги ва шаклланиш усулига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

А. Соф ўзбек топонимлари – Шимолий Тожикистон ҳудудида кенг қўлланиладиган иборалар:

Исириксой (қадимий яйлов номи)

Девонабоғ (боғ). Бу топоним, шунингдек, тескари маъно ёрдамида бир – бирига боғланган иккита иборадан иборат. Топонимнинг бундай номланишининг сабаби бу боғдаги дарахтлари тартибсиз ўсганлиги ва бу боғ дарахтлари турли хиллигидадир.

Девқўрғон (қадимий қишлоқ номи) иккита иборадан иборат.

Кўктўнлик бобо (муқаддас тарихий жой) турли хил конструкцияли бу топоним бир нечта аралаш композициялардан иборат бўлиб, уч қисмли ибора–топонимдир. Бу «ибодат қилинадиган кўк рангдаги бино, муқаддас жой» деган маънони англатади.

Товоқсой (жой номи) – бу топоним бир нечта аралаш қисмлардан иборат бўлиб, уч қисмдан ташкил топган. Тов+оқ+сой.

Чумолитепа (ҳудуд номи) – топоним ва бир неча аралаш қисмлардан иборат бўлиб, «аввалги жой» деган маънони англатади.

Кўзовулли (яйловнинг номи) – бир–бирига боғланган бир неча қисмли топонимдир. Кўз+ов+улли

Эшонмозор (қабристон) – топоним иккита иборадан иборат. Топоним диний пешволар кўмилган қабристон деган маънони англатади.

Б) аралаш маъноли топоним–иборалар

Қизилча Остон (зиёрат жойи) бу икки қисмли топоним. Қизилча ва остон сўзлари маъно жиҳатдан бир–бирига ёпишмайдиган топонимлардир. Шунингдек бу икки тилга оид сўзлардан ташкил топган. Қизилча лавлагининг бир тури бўлса, остон остона маъносидаги сўз ҳисобланади. Бу топоним «муқаддас жой яқинидаги бута» деган маънони ҳам англатади.

Тиллатонар (яйлов) бу топоним икки қисмдан иборат. Биринчи қисм

«тилло» – тожикча сўз бўлиб, ўзбекча «топар» сўзи ёрдамида феъл ҳосил қилади.

Қўшбулоқ (боғ) бу топоним икки қисмдан иборат. Биринчи қисм ўзбекча «қўш» сўзи, иккинчи қисми «булоқ» – ўзбек тилининг фразеологик шаклланишига мувофиқ мураккаб иборани ташкил этувчи иккита булоқ маъносини англатади. Бу топоним «Қўшбулоқ қишлоғи атрофида жойлашган боғлар» деган маънони англатади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Шимолий Тожикистон ибора – топонимларини – грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Топонимлар – нутқ жараёнида топонимларнинг турли қисмларида фонетик ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу турдаги топонимларда отларнинг ўрни турғун, асосий қисмда бўлгани каби, бошқа гап қисмлари ҳам маъно англатиш хусусиятига эга:

а) от билан от: Балчиқ булоқ, Жарқишлоқ, Жарқўтан, Жарқўрғон, Тўрақўрғон.

б) от ва сифат: Боғчаи кўк, Ёз кўк, Юлдузкўк (яйлов), Жиянчукур (арик).

в) антропоним асосли от: Фармонқўрғон, Ашурвой оқсоқол маҳалласи, Мадкарим эликбоши гузари, Одилвой тепа, Хўжа Тоҳир жар қишлоғи, Қўзивой хожи маҳалласи .

д) микротопонимли от: Оймомотепа (дара), Кампирдевор (мачит), Қашқатепа (маҳалла), Маховтепа (тепалик) Лангар дашт (маҳалла).

Ибора – топонимлар таркибидаги топонимнинг бир қисмида асосий маъно ётган бўлади. Кейинги қисм англатган маъно асосий маънога қўшимча маъно қўшиш учун қўлланади. Баъзан ҳар иккала қисм ҳам алоҳида–алоҳида маъно англатиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, топонимик атамалар ҳудуднинг рельефи ва ландшафтининг хусусиятларини билдиради ва бу нарса унинг номланишида ҳам акс этиши мумкин. Инсонларнинг турмуш тарзи, урф–одатлари, касб – корлари, маҳаллий урф–одатлар ва маросимлари ҳам ҳудуд топонимининг аталишида маълум рол ўйнаши мумкин. Бу ўринда, биз ўрганган ҳудуд

топонимларнинг катта гуруҳи—маълум бир минтақанинг ибора —атамалари билан бирга қўлланганлигини гувоҳи бўлди. Бу сўзлар турли кўринишда қўлланган. Масалан денгиз—дарё—кўл—сой, ер—замин, бўлак—гузар, маҳалла, сув, оби—зилол, дара—дара, дашт—дашт, тоғ, тоғ—кўх, кўй, ўтлоқ—шибар // тупроқ // шивар, ер—тупроқ, ёзги яйлов—яйлов—қишлоқ, ариқ, тепа, кўрғон, булоқ, кўча — кўчаси ва бошқалар .:

1. Сой—кўл индикаторли термин билан қўлланадиган топонимлар; Оқтошсой, Боғлисой, Оқсой, Каттасой, Гудоксой, Аштсой, Кунжаксой, Ошовасой, Исфарасой, Бердисой, Ингичкасой, Ёмонсой, Ўтгансой, Ширинсой, Андарсой, Аравасой, Қизаксой ва бошқалар.

2. Дашт индикаторли топонимлар; Қизили дашти (яйлов), Оқтош дашти, Сари(қ)кўл дашти, Лангар дашти, Гончи дашти, Бўтакўз дашти ва ҳ.к.

3. Тепа индикаторли топонимлар; Талтепа, Кумуштепа, Кўрғонтепа, Култепа, Қўштепа, Беклар тепа, Оқтепа, Эскент тепа, Муғтепа, Оймомотепа, Ўратепа, Қашқатепе, Бузруктепа, Маҳов тепа, Учтепа, Ўнтепа, Мўғилтепа, Одилвой тепа, Тирмизак тепа, Маслахаттепа, Бойтепа, Лолатепа, Қоратепа, Зовтепа, Мунчоктепа, Заргар тепа ва б.лар.

4. Булоқ индикаторли топонимлар; Бахмал булоқ, Кўрбулоқ, Қўтирбулоқ, Бихалифа булоғи, Иноят булоғи, Балчиқ булоқ, Бошбулоқ, Араб булоқ, Қатор булоқ, Ойнабулоқ, Хулбабулоқ, Қора булоқ, Гумбулоқ, Шўрбулоқ, Мингбирбулоқ ва б.лар

5. Кўрғон индикаторли топонимлар: Кўшкўрғон, Саидкўрғон, Фармонкўрғон, Қамишкўрғон, Чимкўрғон, Каттакўрғон, Тошкўрғон, Янгиқўрғон, Девкўрғон, Жаркўрғон, Кичиккўрғон, Эшонкўрғон, Кўккўзкўрғон, Шўркўрғон, Ботиркўрғон, Тўракўрғон, Кумушкўрғон ва бошқалар.

6. Мозор индикаторли топонимлар: Лангар мозор, Қорамозор, Тераклик мозор, Тошкўрғон мозор, Гойиб ота мазори, Момомозор, Каттамозор, Жангали эшон мозор, Гойиб Азлар мазори.

7. Тош индикаторли топонимлар: Қоратош, Оқтош, Кўктош, Тепатош, Қоқтош.

8. Маҳалла индикаторли топонимлар: Юқори маҳалла, Паст маҳалла, Мадраса маҳалласи, Тошлоқ маҳалла, Қўзивой ҳожи маҳалласи, Қуйи дарвоза маҳалласи, Қизил мачит маҳалласи, Ичкари маҳалла, Қўрғон маҳалла, Пештоқ маҳалла, Ғойиб оқсоқол маҳалласи, Қўриқ маҳалласи, Араб маҳалла, Бўтқа маҳалла, Офтоб маҳалла, Анжир ота маҳалласи, Найман маҳалла ва б.лар

9. Гузар индикаторли топонимлар: Бой гузар, Ичкари гузар, Боғча гузар, Сой гузар, Юқори гузар, Тош гузар, Турк гузар, Қорабек гузар, Пастки гузар, Боявут гузар, Бешкал гузари, Баландлик гузари, Аппон гузари, Туш гузари, Бешбола гузари, Бешкапа гузари ва б.лар.

10. Қудук индикаторли топонимлар: Оққудук, Шўрқудук, Қирққудук

11. Ариқ индикаторли топонимлар: Оқарик, Янги ариқ, Осиё ариқ, Катта ариқ, Дам ариқ, Майдон ариқ, Мингбоши ариқ, Мозор ариқ, Бош ариқ, Раҳна ариқ, Оқ қалъа ариқ, Анҳор ариқ, Овчи ариқ, Такан ариқ, Бўз ариқ, Қатранги ариқ, Қўриқ ариқ, Қоратоғ ариқ, Қарақчиқум ариқ, Андархон ариқ, Қози ариқ ва б.лар.

12. Тоғ индикаторли топонимлар: Мўғул тоғ, Мевагул тоғи, Мунглик тоғ , Оқ тов (тоғ), Қара тав (Қора тоғ), Сим тоғи, Туркистон тизма тоғлари, Мўғултой тоғи, Оқ танги тоғ ва б.лар.

13. Оқ перефексли топонимлар: Оқтош, Оқ танги, Оқ ариқ, Оқтепа, Оқсой, Оқсув, Оқ ер, Оқсу, Оқ қалъа, Оқ том, Оқ кум бобо, Оққудук, Оқжар, Оқчоп, Оқбел, Оқ сўқок, Оққана, Оқарик, Оқ қўтон, Оқбел, Оқмачит ва б.лар.

14. Қора перефексли топонимлар; Қорасув, Қоратош, Қора боғ, Қора кўл, Қора мозор, Қорабўйин, Қора ер, Қорақалпоқ, Қорамозорсой, Қорабулоқ, Қоратепа, Қорашувоқ, Қоратой, Қоражинғил, Қорасоққол, Қорабек, Қоравул тепа ва б.лар.

15. Сон билан боғлиқ топонимлар: Учтол, Бешкапа, Беш тол, Уч том, Олти етим, Олти кўл, Қирққудук, Тўқсон кориз, Ўн тепа, Бешкал, Уч тепа, Уч боғ, Мингбоши, Мингйиллик, Қирқ, Еттиқиз, Бешюз, Тўққиз челақ, Яккатол, Бешқўтон ва б.лар.

Шимолий Тожикистон топонимларида баъзан географик худуд

хусусиятига тўғри келмайдиган ўрмон, бел, юза, ён каби индикаторлар ҳам учрайди. Шимолий Тожикистон топонимларида юқоридаги индикаторлар билан бирга, боши, орқаси, лаби, юзи, юқориси, ўнги каби терминлар ҳам кўшиб қўлланганлигини гувоҳи бўлдик.

а) боши лексемали топонимлар: Булоқ боши, Калот боши, Шўркўрғон боши, Мўғул тоғ боши, Хўжанд боши, Қазноқ боши, Оқ танги боши, Қора ер боши, Бахмал боши ва б.лар

б) энг юқори лексемали топонимлар : Энг юқори қишлоқ, Энг юқори яйлов, Энг юқори чўққи, Энг юқори боғ, Энг юқори тоғ, Энг юқори тепалик, Энг юқори гўша ва б.лар.

с) лаби лексемали топонимлар Оқариқ лаби, Оқсой лаби, Қўтирбулоқ лаби, Баланд тарнов қишлоғи лаби, Яккатол йўли лаби, Сарикамиш қирғоғи лаби, Тошҳовуз лаби, Ёркент лаби ва б.лар.

ф) ўнг лексемали топонимлар: Жарқишлоқ ўнги, Хулбабулоқ ўнги, Оқтепа ўнги, Беш қапа ўнги, Хўжанд ўнги, Болғали ўнги, Жарқўтон ўнги, Фармонқўрғон ўнги, Уч тол ўнги, Шахристон ўнги ва б.лар.

г) орқа лексемали топонимлар: орқа Бешкапа, орқа Оқтанги , орқа Қазноқ, орқа Мужум, орқа Қўштойир, орқа Якка боғ ва б.лар.

д) қуйи лексемали топонимлар: қуйи Чорбоғ , қуйи Лакат, қуйи Кенгқул, қуйи Ўртақўрғон, қуйи Пашши, қуйи Сарови ва б.лар.

ж) бўйин, бўйнида лексемали топонимлар: Оқтанги бўйнида, Оқтош бўйнида, Катгасой бўйнида, Қайрақум бўйнида, Мевагул бўйнида, Оқтепа бўйнида ва ҳ.к.

5. Плюралия тантум гуруҳига кирувчи топонимлар.

Сўнги йилларда Европалик топонимистларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар шакл ясовчи ва сўз ясовчи тополексемаларни қўллаш билан бир қаторда, ҳозирги замон топонимикасида ва айниқса ўзбек тилида тополексемаларнинг алоҳида турларига эътибор беришган. Умумлаштирувчи топонимлар орасида бу турдаги топонимларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳарактерли хусусиятларини инобатга олган ҳолда,

европалик тадқиқотчилар уларни плюралия тантумининг махсус гуруҳига ажратдилар. Дарҳақиқат, (микро) топонимларнинг бу шакли тарихан турли туркий тилларида, шу жумладан ўзбек тилида мавжуд бўлган ва баъзи жиҳатлари олимлар томонидан топонимикани тизимли таҳлил қилишда анъанавий шаклда ёритилган, лекин топонимиканинг бу шакли ва унинг грамматик хусусиятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бу турдаги географик атамаларнинг таърифига келсак, рус олимлари А.В.Суперанская ва М.В. Подолскаянинг рус ономастик терминологияси луғатидаги мулоҳазаларини келтириш мумкин: плюралия сўзи (лотинча сўз) кўплик, шакл, умумлаштирилган деган маънони англатади, тантум сўзи эса (лотинча сўз) ягона, алоҳида каби маъноларни англатади.¹ Бу тушунча одатда фақат жамоавий шаклда ишлатиладиган топонимларни билдиради. Яъни, плюралия тантум – бу умумий номларнинг якка шакли ва маъносида кўплик билан ҳосил бўлган тополексемаларнинг бир тури (бунда антропоним умумийлик касб этади, яъни сулолани англатади): Темурийлар, Бобурийлар, Шайбонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар. Баъзи тадқиқотчилар бу фикрни кўллаб–қувватласалар баъзи олимлар эса инкор қиладилар, аммо, умуман олганда, улар бу тил ҳодисаси эканлигини эътироф этишиб умумийлик бирлик асосида ифодаланишини қайд этадилар. Бирликда қўлланадиган антропонимлар умумийлик касб этиб, топонимларга ўтиш жараёни кузатилади.² Бу назария асосида Америка Қўшма Штатлари, Англия қироллиги, Россия Федерацияси каби машҳур шаҳар ва мамлакатларнинг географик номларининг умумлашиб қўлланиши, Карпат (Карпатлар), Жигули, Дарданел, Сейшел ороллари каби номларда ҳам умумийлик ётганини кўриш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, славян тилларида отларнинг кўплиги бу тилларнинг грамматик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган оддий лингвистик шаклларда ифодаланади, лекин ўзбек тилида улар изофа алоқаси билан боғланган аниқловчи ва маъно англатиш шаклига эга фразеологик шаклда

¹ Подольская, Н. В. Проблемы ономастического словообразования [Текст] / Н. В. Подольская // Вопросы языкознания. 1990, № 3. С. 40 - 53.

² Топоров, В. Н. Из области теоретической ономастики [Текст] / В. Н. Топоров // Вопросы языкознания. - 1962. № 6. - С. 3 – 12

кўлланади. Масалан: Алп тоғлари – Болқон тоғ тизмалари, Карпат тоғ тизмалари ва бошқалар.

Топонимистларнинг аксарияти топонимларнинг бу шаклига мурожаат қиладилар. Биз ҳам бу таснифга амал қиламиз. Чунки бу грамматик хусусият биз тўплаган топонимлар тизимида яққол намоён бўлади. Шимолий Тожикистоннинг турли даврларидаги топонимик материалларни таққослаш ва ўрганиш шуни кўрсатадики, «топонимларнинг тарқалиш чегараси маълум бир динамикага бўйсунди ва ҳар хил вақтда ва жойларда объектларнинг физик – географик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Турли тарихий ва сиёсий даврларда географик объектлар (қишлоқлар, ер участкалари, дарёлар, кўллар, даралар ва ҳ.к.) номлари ҳар хил ўзгаришларга учрайди ва баъзи пайтларда грамматик шаклини бутунлай ўзгартирди. Шакл ва грамматиканинг бундай ўзгариши турли вақтларда тузилган маълум бир ҳудуднинг географик хариталарини таққослашда яққол кўриниб туради ва бу лингвистик ҳодиса бир нечта географик объектларнинг бир ёки бир неча объектга бирлашишини ёки аксинча, уларнинг бўлинишини кўрсатади. Шундай қилиб, плюралия тантум топонимлари турига шартли равишда қуйидаги топонимларни киритишимиз мумкин. Пастки Чақир, Юқори Чақир, Юқори Дара, Пастки Дара, Юқори Гузар, Пастки Гузар бу топонимлар умумийлик хусусиятга эга жой номлари ҳисобланади.

Юқоридаги мисолларни ҳисобга олмаганда, ушбу ҳудуд доирасида биз бу гуруҳга оз сонли топонимларни қайд қилдик, уларнинг умумий сони минтақадаги топонимларнинг умумий сонининг икки – уч фоизини ташкил қилади. Бу турдаги топонимик номлар оз миқдорда қолган бўлса ҳам, Шимолий Тожикистон топонимик тизимида учрайди. Топонимларнинг қайси гуруҳга мансублиги ва тузилиш хусусиятларига кўра, бу топонимлар гуруҳини қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

1. Асослар – зоонимлардан ташкил топади: Чумчуқ орол, Қирғий, Каптархона (даранинг номи), Қуёнқочди (дашт номи), Юмронқозикли (дашт номи).

2. Асослар – этнонимлардан ташкил топади: Чингизийлар (дашт), Турклар (дараси), Ўзбеклар (яйлов), Яғноблик (қабристон), Матчойилар.

3. Асослар – фитонимлар: Юлғунзор (дара), Узумзор (турар жой), Қайинзор (дара), Олмазор (боғ), Токзор (узумзор).

4. Асослар – антропонимлар: Оқ Қайнар ота (яйлов), Қўзивой ҳожи маҳалласи (маҳалла), Хўжа Тойир Жар (жар), Чингизийлар (дара).

6. Асослар – аралаш лексемалар: Шўркўл (қишлоқ номи), Ширинсой (сой номи), Болтақир (адир номи), Симтоғи (тоғ номи), Қизил қум (яйлов номи), Фармонқўрғон (қишлоқ номи), Қизили (қишлоқ номи).

Қизиғи шундаки, бу ҳудуднинг «кўплик, тантум» кўринишида ишлатилган баъзи географик номлари ҳам кўплик қўшимчаси – ларни қабул қилган ҳолда қўлланади. Масалан Равот – Равотлар, Бешюз – Бешюзлар, Майда туранги – Майда турангилар, Оқтепа – Оқтепалар каби.

Маълумки, ўзбек тилида отлар асосан ўрганилаётган минтақа лаҳжалари лексик тизимида фонетик ўзгаришларга учраган –ла, –лар қўшимчалари билан кўплик ҳосил қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Шимолий Тожикистоннинг баъзи ҳудудлари топонимик тизимида кўплик қўшимчаси қайд этилган –лар кўплик қўшимчасидан ташқари (унлидан кейин) ўз диалект вариантыда – ёт // от қўшимчалари ёрдамида ҳам кўплик ифодаланиши мумкин. Бу қўшимча асосан маълум бир жойларда яъни тожиклар билан ёнма–ён яшайдиган ўзбекларнинг жой номларида учраши мумкин. Бу кўплик қўшимчаси тожик тилига араб тилидан ўзлашган кўплик қўшимчаси ҳисобланади ва асосан арабча сўзларда ишлатилади, аммо Шимолий Тожикистон топонимиясида бу ҳол кам бўлсада кузатилади: Боғиёт, Қўтан – Қўтанот (дара, ёзги яйлов), Вогот, Мукорот (қишлоқ номи), шунингдек арабча Мозор – Мозорот (қабристонлар) сўзи ва бошқалар.¹

Шуни таъкидлаш керакки, бу ҳудуднинг географик номлари тизимида –от қўшимчаси ёрдамида ҳосил бўлган субстрат топонимлар кўпчиликини ташкил

¹ Успенский, Л. В. Загадки топонимики [Текст] / Л.В.Успенский. - 2-е изд. - М. : Молодая гвардия, 1973. - 272 с. 104

қилмайди, бундай ҳолат асосан Тожикистоннинг шарқий ҳудудлари учун хосдир. Шернот (қишлоқ), Мукорот (қишлоқ), Хутан (ёз) уй–жой, дача, Хутаннот // Хутанот – ёзги турар жой, дачанинг номи каби маъноларни англатади.

Кўриниб турибдики, тилда бундай ҳодисалар тасодифий эмас, бундан ташқари, улар, албатта, минтақа халқининг шеваларига хос хусусият саналади. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, лексема ва тополексемаларнинг бу тури асосан субстрат ҳарактерига эга бўлган ва исломгача бўлган даврда объектлар номининг келиб чиқишига тегишли бўлган тушунчалар ҳисобланади. Шундай қилиб, гарчи плюралия тантум типигаги топонимлар ўзбек тилида ва Тожикистоннинг турли вилоятларининг топонимик тизимида мавжуд бўлса-да, улар топонимикада кенг қамровли тадқиқот объектига айланмаган ва атрофлича ўрганилмаган. Бу йўналишни ҳар томонлама ўрганиш ўзбек тилшунослигининг барча бўлимлари учун фойдали бўлар эди. Дарҳақиқат, топонимларнинг бундай шаклланиши Тожикистоннинг бошқа минтақаларига ҳам хосдир, уларни ўрганиш Шимолий Тожикистон топонимияси билан таққослаш келажакда номшунослар томонидан бажариладиган масалалар сирасига кираси.

Шимолий Тожикистон тарихий топонимининг шаклланиши ва ривожланиши.

Шимолий Тожикистон ва минтақанинг бошқа ҳудудларининг географик номлари асрлар давомида турли хил номланиб, бир неча бор алмашиб, ўзгартирилиб келмоқда. Бу ҳол топонимларни тўплаб, илмий таҳлилга тортган ҳолда келажак авлодга етказиш масаласи ҳозирги номшунослар олдида турган муҳим ва долзарб вазифалар сирасига киришини кўрсатмоқда.

Маълумки, топонимлар–тилнинг илк даракчиси ҳисобланади.¹ Дарҳақиқат, бугунги кунда, Тожикистоннинг турли жойларининг географик номларини ўрганишга бағишланган бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва мақолалар чоп этилган бўлса ҳам, Тожикистон топонимикасида жумладан туркий топонимикасида ўрганилиши зарур бўлган ҳудудлар

¹ Никонов, В. А. Введение в топонимику [Текст] / В. А. Никонов. - М. : Наука, 1965.-180 с

кўпчиликини ташкил қилади. Таниқли топонимист профессор А.Л.Хромовнинг сўзларига кўра, «... Тожикистонда маҳаллий топонимикани ўрганиш ҳали ҳам паст даражада». Гарчи Тожикистон ерлари географик номларни ўрганувчилар учун ўта қизиқ объект ҳисобланса ҳам. Бу ҳудудларда турли даврларга оид ва мазмунан турли хил тарихий номларни учратиш мумкин–ки, уларнинг кўпчилиги ўзгариб ёки унутилиб бормоқда. Шунинг учун уларни тўплаб, илмий тадқиқ қилиш зарурати кун сайин ортиб бормоқда. Бу номларда қимматли манбалар мавжудлиги туфайли тилшунослик, жумладан ўзбек топонимикаси учун қимматли манба саналади.¹ Ўтган асрнинг 60 –йилларида айтилган бу сўзлар ҳозир ҳам ҳам ўз қийматини йўқотмаган ва XXI аср топонимистлари учун долзарб муаммолигича қолмоқда. Бу ҳолат ўзбек топонимикаси учун ҳам тўлиқ тегишли вазифа саналади. Сўнгги йилларда ономастикада, жумладан, унинг топонимика соҳасида ҳам олдинга силжишлар кўзга ташланган бўлса–да, бу нарса фақат илмий мақолалар ёзиш ва географик номларнинг ёритилиши ҳақида ҳисоботлар бериш кабилар билан чекланиб қолмоқда. Минтақанинг кўплаб жойлари ҳанузгача илмий тадқиқот объектига айланмасдан қолмоқда. Энг ачинарлиси тарихий топонимлар, шу жумладан тарихий туркий топонимлар ҳанузгача тадқиқот объектига айланмасдан қолмоқда–ки, шу сабабли кўплаб тарихий топонимларнинг унутилиб кетмоқда. Сўнгги эллик йил ичида бир қанча илмий мақолалар, илмий тадқиқотлар қилинди. Лекин буларнинг барчаси фанга қўйилган натижаларни берди дея олмаймиз. Бунинг учун аввало, ўзбек тилшунослигида маълум вақт бу йўналишларда оқсоқланиш кузатилди. Биз ўрганаётган ҳудуд туркий топонимлари шу пайтгача тадқиқот объекти бўлмаган. Шимолий Тожикистон аҳолисини қарийб қирқ фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Бу ҳол уларнинг жой номларини таҳлилга тортганда ҳам ўз исботини топди. Аммо кўпчилик тожик тарихчилари бу нарсани тўғридан – тўғри асоссиз инкор этиб келдилар. Қадимги тарихий асарлар гувоҳ беришича бу заминда туркий қавмлар эрамиздан олдинги даврлардан бошлаб истиқомат

¹ Хромов А.Л. Согдийская топонимия верховьев Зеравшана // Топонимика Востока. - М., 1969. -С. 87-99

қилиб келганлар. Шимолий Тожикистоннинг кўплаб жойларининг табиати сўлим бўлиб, бу жойларда собиқ шўролар даврида дам олиш масканлари барпо этилди. Бу жойларга рус миллати вакиллари доимий яшаш учун кўчиб келдилар. Бу нарса ўз–ўзидан русча жой номлари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Собиқ шўролар даврида Шимолий Тожикистон ва уларнинг атрофида, янги турмуш тарзига мос равишда, бу ерларда рус ва рус тилида сўзлашадиган кўп одамлар яшаган ва санаторийлар, курортлар, дачалар ва дам олиш уйлари қуришда бевосита иштирок этганлар. Улар даволаш–профилактика ва курорт муассасалари қурилиши билан бирга, бу жойни яшаш жойи сифатида танладилар, бу рус тилидаги жой номларининг кўпайишига сабаб бўлди. Шимолий Тожикистоннинг кўп ҳудудларида ўзбекча бўлмаган топонимларни, уларнинг тарихий келиб чиқиши ва лисоний мансублигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин:

1. Эрон тилларига тегишли топонимлар.
2. Славян тилларига алоқадор топонимлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, биз тўплаган географик номларнинг аксарияти тожик топонимлардан иборат эрон тилларига асосланган. Топонимларнинг бу тури, қайси гуруҳ тилига мансублигига қараб, кичик гуруҳларга ҳам бўлинади:

1. Шарқий Эрон тилларига тегишли географик номлар.
2. Ғарбий Эрон тиллари билан боғлиқ географик номлар.
3. Этимологияси номаълум бўлган жой номлари.

Минтақанинг Шарқий Эрон топонимлари (субстратум топонимлар)

Шимолий Тожикистоннинг жанубий қисм географик номларининг катта қисми Шарқий Эрон топонимларидан иборат. Илмий тилшунослик манбаларида бу турдаги географик номлар ҳам субстрат топонимлари гуруҳига тегишли. Субстратум топонимлари атамаси географик номларнинг турини билдиради. Улар таркибида мавжуд бўлган лингвистик қатламларга асосланиб, маълум бир минтақада тарихан мавжуд бўлган ва ривожланган қабилалар ва халқлар тилларига тегишли ёки бу лингвистик қатламлар тегишли бўлган

топонимлар маълум миқдорда учрайди. Бу ҳудудда тарихан мавжуд бўлган қабилалар ва халқларнинг тиллари ва лаҳжалари ёки бу ерда яшовчи халқлар урф – одатлари маълум маънода уларнинг топонимларида ҳам акс этган бўлади. Биз тўплаган материал доирасида топонимларнинг бу тури маълум бир ҳудуддаги топонимларнинг умумий сонининг тахминан 10–15% ни ташкил қилади. Бу гуруҳ биринчи навбатда топонимларини шарқий эрон (сўғд, бактрия, ягноб ва ҳозирги Помир) тилларининг лингвистик материаллари асосида таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўрта Осиёнинг географик тарихий ва археологик манбаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу ҳудудлар қадимдан доимий яшаш жойи ва миграция чегараси бўлган. Бу жойларда турли қабилалар, халқлар қадимдан бир оила сифатида яшаб келганлар. Бу ҳудуддан қадимги Буюк Ипак йўлининг ўтганлигини инобатга олсак, бу жойларнинг қадимийлиги яна бир бор ўз исботини топади. Кўп асрлар давомида ўрганилаётган тарихий минтақа ҳудудидан ўтган дунёнинг катта қисми таҳлил қилувчи халқларининг савдо йўли бўлганлигини ҳисобга олсак, бу минтақа топонимларини ўрганиш фан учун, жумладан тилшуносликнинг топонирика бўлими учун муҳим ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шу пайтгача Тожикистоннинг баъзи жойларида ҳозиргача учрашиши мумкин бўлган қадимий жой номлари, бу улкан савдо ва маданий алмашинув изларининг номларини ўрганиш тарихи тўғрисидаги муҳим манба ҳисобланиб, топонимистлардан чуқур билим ва катта маъсулият талаб қилади. Бу ҳудуд халқларининг кундалик ҳаётида намоён бўлган бу тарихий ҳодисаларнинг барчаси тўғрисида уларнинг топонимларидан қимматли маълумот олиш мумкин бўлади. Барча топонирик тадқиқотларга қўшимча равишда, ушбу географик минтақанинг этнолингвистик хусусиятларига бағишланган, топонирика бўйича қилинган тадқиқотларни ўрганиб, шундай хулоса қилишимиз мумкин, Шимолий Тожикистон ҳудудининг кўпчилик қисмида қадимдан то ҳозиргача туркий қавмлар билан бирга эроний қавмлар яшаб келмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, саклар эрон тилида сўзлашадиган энг қадимги қабилалардан бири бўлиб, улар милoddан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмида нафақат ҳозирги

Марказий Осиё ҳудудида, балки унинг чегараларидан ташқарида ҳам яшаган ва бугунги топонимик материал ўрганилаётган ҳудуд Шимолий Тожикистоннинг жанубий қисмида эроний халқлар вакиллари ҳам учрайди. Хусусан, кўп йиллар Тожикистон топонимияси билан шуғулланган А.Л. Хромов фикрларига кўра, биз ўрганаётган ҳудудлардан Эски Мастчоҳ ва Айний туманларининг топонимларида умумий хусусиятлари қадимий сакларга оид элементларни кузатиш мумкин.¹ Шимолий Тожикистон маҳаллий халқлар диалектларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларининг қадимий манбалари бўйича қилинган тадқиқот материаллари шуни кўрсатадики, Шимолий Тожикистон ҳудудининг кўплаб жой номлари жуда қадимий даврлардан дарак беради. Шарқий Эрон географик номларини аниқлашда қуйидаги стандартлар ҳисобга олинади:

- а) топонимларнинг грамматик тузилиши ва шакли;
- б) топонимларнинг фонетик хусусиятлари;
- в) баъзи жой номларини ўзбек ва тожик тиллар асосида таҳлил қилишнинг иложи йўқлиги;²

Шимолий Тожикистоннинг жанубий қисми Мастчоҳ ва Айний туманлари топонимик материални кузатиш шуни кўрсатадики бу топонимларнинг фонетик ва грамматик тузилиши оддий тожикча сўзлардан фарқ қилади, тожик ва туркий тиллар асосида изоҳланмайди. Бу топонимларга қуйидагиларни киритиш мумкин Зайрон, Зигар, Ромит, Варзоб, Арху, Бегар, Пишайдоч, Зидде, Хушон, Сорво, Хушере, Варв, Такоб, Танаҳарф ва ҳоказо.

Шундай қилиб, уларни алоҳида гуруҳ сифатида Шарқий Эрон топонимлари гуруҳига киритиш мумкин.

Маълумки, шарқий Эрон жой номларининг таркибий таснифи қийин ва мураккаб жараёнدير. Шунинг учун, топонимистларнинг кўпчилиги, Тожикистон ҳудудларининг турли топонимларини ўрганиб илмий таҳлил

¹ Хромов А.Л. Таджикиская микротопонимия долин Верхнего Зеравшана и Ягноба // Ономастика Средней Азии. – М., 1978. – С.58-62

² Хромов А.Л. Некоторые особенности формирования топонимии Средней Азии в IX-XIII вв. // Топонимика Востока. - М., 1980. - С. 132-139.

қилишган бўлсалар—да, Шарқий Эрон гуруҳига кирувчи топонимлар шу пайтгача тадқиқот объектига айланмаган. Шуларни инобатга олган ҳолда биз ўз тадқиқотимизда турли ҳудудларнинг Эрон топонимларини ва умуман Эрон ва Европа ономастикасини ўрганиш доирасида тарихий номларнинг таркибий таснифини тадқиқ қилишга уриндик. Ушбу таҳлил усулларига асосланиб, биз мавжуд эрон тилларининг турли луғатларидан ҳам фойдаланганмиз ва Шимолий Тожикистоннинг жанубидаги Шарқий Эрон жой номларини ўрганишга ойдинлик киритишга ҳаракат қилганмиз.

Таснифлаш назариясига мувофиқ, қадимги топонимлар ўрганишда В.А.Никонов ҳозирги вақтда ҳинд–европа тиллари таснифида қўлланиладиган ягноби топонимларини (сўғд) ўрганишга мос келадиган структуравий шаклларни кўриб чиқади. Хусусан, бу борада у славян тиллари тадқиқотчиларининг асарларини тилга олади ва ўша пайтда бу соҳада кўп ишлар қилинганини таъкидлайди.¹

Бизнинг фикримизча, рус олимларига таклиф қилинган бешта назарий шакллар минтақамиздаги Шарқий Эрон жой номларини ўрганишга мос келади. Таъкидлаш жоизки, тадқиқотимизнинг умумий назарий асосини таниқли рус ва европалик топонимистлар таклиф қилган методология ташкил этса—да, бизнинг материалimiz Тожикистоннинг айрим ҳудудлари топонимлари билан Шарқий Эрон тарихий номларининг қиёсий таҳлили асосида тадқиқ қилинган. Топонимик бирликнинг маъносини аниқлаш билан боғлиқ ҳолатларда бир неча босқичли ёндашиш мавжуд. Булардан, биринчи навбатда, тадқиқ этилаётган топонимик бирликнинг товуш (харф) нуқтаи назаридан, аниқроғи, фонетик тузилишини тадқиқ этиш муҳимдир.

Шимолий Тожикистон ҳудудидаги географик объект номларининг аксарияти узоқ тарихга дахлдор, қадимги номлар бўлиб, албатта, ўтган давр уларнинг фонетик структурасига анча таъсир этганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат баъзан топонимларнинг этимологиясини аниқлаш жараёнини мураккаблаштирганлигига ҳам гувоҳ бўламиз.

¹ Никонов, В. А. Введение в топонимику [Текст] / В. А. Никонов. - М. : Наука, 1965.-180 с.

Топонимларнинг фонетик хусусиятларини ўрганаётганда уларнинг товуш таркиби, товушларнинг тури, бўғин тузилиши, топонимик ном таркибидаги ундошларнинг жарангли–жарангсизлиги ҳамда урғусига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги А.Ишаев томонидан айтиб ўтилган¹.

Шимолий Тожикистон ҳудудидаги топонимларнинг шаклланиши у ерда истиқомат қилган ва истиқомат қилаётган аҳолининг тили билан боғлиқ. Айтиш лозимки, Суғд вилояти ҳудудидаги ўзбеклар билан бир қаторда тожиклар, қирғизлар ҳамда рус миллатига мансуб кишилар яшайди.

Бу ҳолат вилоят ҳудудида мавжуд топонимларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Аксарият топонимлар фонетик тузилиши нуқтаи назаридан ўзбек тили фонетик қурилиши қоидаларига мувофиқ келса–да, ўз навбатида, бошқа қардош ва ноқардош тиллар таъсир ўтказганлигини ҳам кузатиш мумкин. Биз таҳлилларимизда топонимларнинг шаклланишида турли тиллар таъсири ҳамда шевалик жиҳатларини иккинчи планга тушириб, номларни шарҳлашда ҳар хилликка йўл қўймаслик учун ўзбек тилининг мавжуд адабий тил меъёрлари асосида олиб бордик.

Шимолий Тожикистон топонимларининг фонетик таркиби, товушларнинг жойлашиши, номнинг қанча ва қандай товушлардан ҳосил бўлишини қуйидагича таҳлил этиш мумкин:

1. Содда топонимлар:

а) CVC – Нов, Кум, Дам;

б) VCV – Ўра;

в) CVCV – Овчи;

г) VCVC – Увоқ, Олой, ;

д) VCCVC – Айғир, Оқжар, Оқтом, Оқбел ;

е) CVCCV – Халта, Тутли, Халқа, Қотма;

ё) CVCVC – Қуруқ, Тўқай, Терак, Товоқ, Равот, Камар, Патар, Какир, Та-

кан;

¹ Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973. – С. 159.

- ж) CVCCVC – Қўрғон, Мирлар, Тошлоқ, Қазноқ, Тентак, Лангар.
- з) CVVCV – Дуова;
- и) CVCVCV – Даҳана, Нижони, Дулона;
- к) CVCCVCV – Жинғили, Хулвали;
- л) CVCCVCC – Ҳарсанг;
- м) CVCVCVC – Бурижар, Сарикир, Саричак, Қатаған;
- н) CVCVCCV – Маҳалла, Қарапчи;
- о) CVCCVCCV – Басманда, Қўрғонча каби.

Юқорида саналганлардан ташқари ҳудудида тўққиз Эшшак ўтув, ўн Қарақчиқум, Танга топар, Сўзангарон, ўн бир Кампирдевор, Халта қишлоқ, ўн икки Маслаҳаттепа, Тирмизактепа, Холдорқипчоқ ва ўн уч товушдан таркиб топган Тарнов қарапчи каби топонимлар ҳам учрайди.

Бу номлар бугунги кунда ажралмас шаклга келиб қолган.

Шимолӣ Тожикистон топонимларини неча бўғиндан ташкил топганлиги жиҳатидан қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) бир бўғинли: Қум, Дам.
- б) икки бўғинли: Қипчоқ, Қийғир, Камар, Октуш, Оқжар.
- в) уч бўғинли: Қарапчи, Қипчоқча, Болғали, Қизили, Оқ қудуқ каби.

Ҳудуд топонимиясида тўрт, беш ва ундан ортиқ бўғинли топонимлар ҳам анчани ташкил этади. Булар Турақўрғон, Олабайтал, Бўзахона, Қамишқўрғон, Қорақозон, Мунчоқтепа, Тирмизактепа, Холдорқипчоқ, Қоравултепа, Қулликўтон, Ойим мозор, Кўктунлик ота, Даҳанасой, Қорамозорсой, Эскиқораянтоқ, Даштқораянтоқ, Шайидқораянтоқ каби.

Шимолӣ Тожикистон топонимларининг таркибий хусусиятлари. Ном таркибидаги морфологик қурилиш унинг лексик–семантик хусусиятларини аниқроқ, батафсилроқ баён этишга кўмаклашади. Шу жиҳатдан қараганда, Шимолӣ Тожикистон топонимиясидаги географик объект номлари сўз қурилиши жиҳатдан ҳам ранг–баранглигини кузатиш мумкин. Бунда фақат бир асосдан, асос ва қўшимчадан, асос ва асосдан ташкил топган ҳолатлари кузатилади:

Бир асосли: Равот, Дам, Қум каби.

Асос+аффикс шаклида: Тоға–як, Қўрғон–ча, Олма–ли, ва бошқалар.

Таъкидлаш керакки, *Мангитон*, *Мўғулон*, *Сайидон*, *Сўфиён*, *Туркон*, *Хитоён*, *Ўзбакон*, *Қалмоқон* каби номлар ҳам аслида икки қисмдан иборат бўлиб, улар *Мангит+он* (*мангитлар*), *Мўғул+он* (*мўғуллар*), *Сайид+он* (*сайидлар*), *Сўфи+ён* (*сўфилар*), *Турк+он* (*турклар*), *Хито+ён* (*хитойлар*), *Ўзбак+он* (*ўзбеклар*), *Қалмоқ+он* (*қалмоқлар*) шаклидаги қўшилиш натижасида пайдо бўлган.

Топонимист С.Қораев бу ҳақда шундай фикр билдирган: “бу тожикча аффикс Ўзбекистон шароитида аксари топоним ясайди ва кишиларнинг қандайдир социал гуруҳга, чунончи: 1) муайян миллатга – Арабон (араблар), Қирғизон (қирғизлар), Ўзбекон (ўзбеклар); 2) қандайдир уруғ–аймоққа – Мангитон (мангитлар), Мингон (минг уруғидан бўлган кишилар); 3) маълум табақага – Мирзоён (котиблар), Тархонон (олиқ–солиқдан озод қилинганлар); 4) хунар–касбга – Бўйрабофон (бўйра тўқувчилар), Косагарон (коса усталари), Сўзангарон (игна усталари); 5) диний эътиқодга мансуб эканлигини билдиради: Муғон, Муғиён (оташпарастлар), Ҳиндувон (хиндлар) ва ҳ.к.”¹.

Асос+асос шаклида: Беш – кал, Беш–капа, Янги–арик, Уч–том, Оқ–тош, Оқ–тепа, Беш–арик, Хазрат–бобо кабилардир.

Асос+асос шаклидаги Нав–обод, Бек–обод, Хон–обод, Дашт–обод, Нур–обод каби кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, аслида улар таркибидаги “обод” қисми топоформант ҳисобланади. Бу ҳақда тадқиқотчи Ў.Ражабов фикр юритиб, унинг Хоразм шеваларида ават шаклида қўлланишини қайд этган².

Шунингдек, А.Л.Хромов *обод* компоненти Ўрта Осиёда, жумладан Тожикистонда энг сермахсул топоформантлардандир, унинг тарқалиш ареали Эрон, Афғонистон ва Покистон каби мамлакатларни ҳам ўз ичига

¹ Qorayev S. Toponimika. – Т.: O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – В. 9.

² Ражабов Ў. Хоразм топонимияси индикаторларининг лисоний таҳлили: Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2007. – Б.47.

олишини ёзади.¹ Р.Абрамян *обод* сўзи ўрта форстилига мансуб бўлиб, “аҳоли жойлашган”, “гуллаб–яшнаган” каби маънолар билдиришини қайд этган.² Т.Нафасов эса бу ҳақда фикр юритганда, кексалар обод бўлган жой тарзида изоҳлашини, обот – овод – оват – уруғ номи, дея шарҳлайди³.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади топонимларни лексик–семантик жиҳатдан таҳлил қилиш бўлса ҳам, топонимик номнинг маъносини очиб беришда фонетик ва грамматик таҳлилга мурожаат қилиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Шимолий Тожикистон топонимини тўплаш натижасида ҳудудда аҳоли пунктлари, боғлар, кўллар, кўприклар, кўчалар, маҳаллалар, масжидлар, тепалар, экин ерлари, қабристонлар, қудуқлар, ҳовузлар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг барчаси турли даражада тарихий ном бўлиб, айримлари яқин ўн йилликларда, аксарият қисми эса бир неча аср олдин пайдо бўлган.

Топонимларнинг пайдо бўлиши, ясалиши, номланиш сабаблари бир неча асосий йўналишлар бўйича тадқиқ этилганлигини илмий адабиётлар орқали билиб олиш мумкин. Хусусан, З.Дўсимов республика топонимларини тасниф қилишда, асосан, икки йўналиш: лексик–семантик ва грамматик тузилишига кўра таснифлаш яққол кўзга ташланишини қайд этиб, лексик–семантик таснифда этнотопоним, антропотопоним, зоотопоним, биотопоним, геоморфологик топонимларни ўрганишни тавсия этади⁴.

Биз ҳам ўз таҳлилларимизни З.Дўсимов тавсия этган усулда олиб борамиз.

Топонимларнинг пайдо бўлиши маълум бир сабаб ва қонуниятлар асосида рўй беради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳудуддаги географик объектларнинг номлари бирор сабаб, ёки бирор асоснинг натижасидир. Топонимларнинг шаклланиш йўли, пайдо бўлиш жараёни муайян

¹ Хромов А.Л. Таджикиская микропонимия долин Врехнего Зеравшана и Ягноба // Ономастика Средней Азии. – М., 1978. – С.60.

² Абрамян Р. Пехлавийско-персидско – армяно-русско – английский словарь. – Ереван, 1965. – С.61.

³ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). – Т.: Ўқитувчи, 1988. – Б.135.

⁴ Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – 1-сон. – Б. 17-20.

лисоний қонуниятларга амал қилинган ҳолда ҳамда бевосита маҳаллий аҳоли тили (шеваси)нинг лисоний имконияти ва бирликлари иштирокида кечади.

Шимолий Тожикистон топонимларини ўрганиш жараёнида этнонимлар асосида шаклланган топонимларнинг бир нечтаси аниқланди. Айтиш мумкинки, Шимолий Тожикистонда этнонимлар элликка яқин географик объект номларининг шаклланиши учун асос бўлган. Бу ҳолат айниқса Ўзбекистон топонимиясининг шаклланишида бирмунча кўпчиликни ташкил қилади. Чунки Ўзбекистонда этнонимлар юзлаб топонимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган¹.

Этнонимлар борасида кенг қамровли тадқиқот олиб борган Х.Дониёров ўзбек миллатининг этник таркибини турк–ўзбек, қипчоқ–ўзбек, ўғуз–ўзбеклари ташкил этганлигини, булардан турк–ўзбеклар, асосан, қарлук, чигил, тукси, яғмо, яғбу, ёбоқу, тангут, арғу каби туркий қабила–уруғларнинг бирлашиши натижасида ташкил топганлиги, булар ўзбек миллатининг энг қадимги ва энг биринчи компоненти бўлиб ҳисобланишини қайд этган².

Шимолий Тожикистон микротопонимлари сирасида этнотопонимлар салмоқли ўрин эгаллайди. Изланишлар натижасида 48 та топонимга этноним асос бўлганлиги аниқланди.

Шимолий Тожикистонда халқ, миллат, қабила ва уруғлар ҳамда уларнинг тармоқлари номи билан аталган қуйидаги географик объектлар шаклланган: аҳоли пунктлари: Болғали, Қарапчи, Бешжуз, Найман, Қатаған, Қипчоқ, Кенагас, Манғит, Холдорқипчоқ, Ўроқли, Сулоқли, Уяс, Увоқ, Хитой, Қорахитой, Араблар, Парчажуз, Ишкили, Кенгкўл.

Гидронимлар: Араблар ариғи, Муғул ариқ, Ўзбек ариқ, Араб ҳовуз, Тожик ҳовуз, ороним: Қипчоқ, Қипчоқтепа, дала номлари: Кенагас ери, Болғали ери, Парчажуз ери, Холдорқипчоқ ери, масжид: Хўжамачит, Турк мачит, авлиё: Абу Бакр, Абдурахмон Авф қабристон: Ўзбеклар, Урус, Тожик каби.

Қайд этилган номларнинг пайдо бўлиши, бир томондан, тарихий

¹ Qorayev S. Toponimika. – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – Б. 76-85.

² Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Т.

жараёнлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ном бериш анъаналарига боғлиқ. Худуддаги Арабхона, Араблар, Турклар, Туркон, Корахитой, Хитой, Қалмиқлар, Қўнғиротлар, Қарлуқлар кабилар маълум манзилларга турли халқ ва миллатларнинг турли сабаблар билан келиб ўрнашишига бориб тақалади. Шу номлар асосида пайдо бўлган Юқори Арабхона, Арабхонаи боло, Пастки Араблар, Арабхонаи поён, Қуйи Араблар, Муғулон, Юқори Қарлуқлар, Пастки Қарлуқлар кабилар аҳолининг ортиши, аҳоли пунктларининг кенгайиши натижаси саналади.

Бешбўри, Бешкапа, Болғали, Қарапчи, Парчажуз, Бешжуз, Қатаған, Найман, Қипчоқ, Холдорқипчоқ, Кенагас, Хитой, Корахитой, Қарапчи, Ўрокли, Сўлокли кабилар эса туркий қавмлар номлари асосида шаклланган этнотопонимлардир.

Топонимлар шаклланиши жараёнида иштирок этувчи лексик бирликларнинг орасида ранг–тус, хажм–ўлчов, ўрин–жой, кўлам–масофа маъноларини ифодаловчи элементлар сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этади.

Худудда оқ, қора, қизил, сарик, кўк топошаклар иштирокидаги топонимлар ҳам учрайди: Оқтанги, Оқтепа, Оқтом, Оқтош, Оқсу, Қорасув, Қорабўйин, Қорамозор, Қоратош, Қорасаққол, Кўктўнлик, Кўккузқўрғон, Тегишкўк, Кўкгунбаз, Қизили, Қизилқум, Сарикир каби.

Бу топошаклар топонимик таркибда аввалги элемент сифатида иштирок этади ва иккинчи сўзнинг аниқловчиси бўлиб келади. Айтиш лозимки, бундай кўринишда иштирок этиш аниқловчилик вазифасини бажараётган сўзнинг бошқа ҳолат ёки қуршовдаги белгини англатиш хусусиятидан ўзгачадир. Чунончи, оқ, қора каби ранг билдирувчи birlikлар топонимлар таркибида рангни англатиш маъноси ва вазифасидан четлашади. Оқ булут, қора шим кабиларда ранг ифодалаган сўз аниқловчи вазифасида қўлланган бўлса, Оқтом, Оқтош, Қоратош, Қорамозор кабилар таркибидаги биринчи элементлар катта, улкан, кенг каби маъноларни ўзида мужассамлаштирган.

Ўрта Осиё, жумладан Шимолий Тожикистон топонимиясида учрайдиган

Оқсув, Қорасув топонимлари ҳақида таниқли топонимист Э.М.Мурзаевнинг билдирган фикрлари¹ ҳам бу ҳолатни тасдиқлайди.

Юқорида қайд этилган топонимлар таркибидаги қук топошакли бугунги кунда ранг–тус ифодаловчи сўз саналмаслигини таъкидлаган эдик. Оқработ топонимига изоҳ берар экан, профессор Т.Нафасов *Оқработ деган қишлоқлар республикада анчалиги, работнинг араб истилосидан сўнг савдо йўлларида қурилган тевараги девор билан ўралган манзил, карвонсарой, ҳарбий истеҳком, шаҳардан ташқарида қурилган сарой эканлиги ҳамда Оқработ – катта работ, улкан истеҳком*² эканлигини қайд этган.

Худди шундай Оқпўлат топоними таркибидаги оқ топошакли ҳам ранг–тус ифодаловчи бирлик эмас. Манбаларда туркий уруғ номлари орасида пўлатчи/пўладчи номи мавжудлиги, барлосларда ҳам пўлатбачча деган уруғ тармоғи борлиги, қорақалпоқларнинг кандакли уруғининг бир шохобчаси тоқпўлат деб аталиши, Қашқадарё вилоятида Пўлати ва Бухоро вилоятида Оқпўлат номли қишлоқлар борлиги ва этнонимдан қишлоқ номи келиб чиққанлиги келтирилган³.

Топонимлар таркибидаги қора топошакли бир қанча ўзига хосликларни намоён этади. Бу ҳақда сўз юритар экан, профессор Т.Нафасов ушбу сўзнинг *туркий ва мўғул тилларида қора/ҳара – баландлик..., текисликдаги кичик баландлик, дўнг жой, кичик тепа* маъноларида қўлланишини таъкидлаган⁴.

Тадқиқотчи А.Пардаев ўзининг номзодлик диссертациясида қора сифат лексемаси хусусида сўз юритиб, манбаларда бу сўз “катта”, “йирик”, “муҳташам”, “улуғ”, “қудратли”, “кучли”, “покиза”, “мусаффо”, “қуруқлик”, “ер”, “зулмат кўки”, “шимол” каби маъноларда қўлланиши борасида маълумотлар мавжудлигини кўрсатган⁵.

¹ Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М., 1974. – С. 200-201.

² Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи. – Т.: Мухаррир, 2009. – Б. 198-199.

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-жилд. – Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2004. – Б.212.

⁴ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Қашқадарё вилояти қишлоқлари номининг тадқиқи. – Т.: Мухаррир, 2009. – Б. 379.

⁵ Пардаев А.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фанл. Номз...дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – Б.8.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Оқтом, Оқтанги, Қорамозор, Қорабўйин каби топонимларда ранг маъноси эмас, балки бошқа белги–хусусиятлар ифодаланган.

Топонимлар таркибида юқори, паст, баланд, катта birlikлари иштирокидаги аҳоли пункти номининг кўп учраши, бир қатор ҳудуддаги мавжуд топонимларга ушбу birlikларни қўшиб, янги ном ҳосил қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин: Юқори Қўрғон, Паст Қўрғон, Ўрта Овул, Ўрта Қўрғон, Ўрта Мозор, Қуйи Арабхона, Қуйи Олмазор каби.

Бу турдаги номлар топонимик ҳудуднинг кенгайиши, аҳоли сонининг ортиши, аҳоли пунктининг йириклашиши натижасида юзага келган. Аҳоли пунктининг йириклашиши ҳудуднинг юқори, қуйи, ўрта каби нисбий бўлинишларига сабаб бўлган.

Янгидан пайдо бўлган ёки мавжуд объектнинг йириклашиши натижасида юзага келган объектга ном беришда унинг жойлашган ўрнини эътиборга олиш, объектнинг географик жиҳатдан жойлашганлигини мўлжаллаш муҳим саналади. Ҳудудида бир қанча номлар ана шу тарзда истеъмолга кирган. Булар жумласига Турклар– Юқори гузар Турклар, Пастки гузар Турклар, Арабхона– Юқори Арабхона, Пастки Арабхона, Қуйи Арабхона, Ўрта Арабхона, кўпинча бу топонимларга гузар, маҳалла тополексемалари қўшиб айтилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, баъзида ушбу топонимларнинг имлоси борасида ҳар хилликлар юзага келади. Ёзма нутқда уларни чизиқча билан ёки ажратиб ёзиш ҳолатлари учрайди. Аслида ушбу топонимлар от ясалишининг [сифат+от] қолипи ҳосиласи бўлиб, биринчи компоненти сифат, иккинчи компоненти от бўлган атоқли отлар қўшиб ёзилади.

Бундан шундай мулоҳаза келиб чиқадики, ранг–тус билдирувчи сўзлар иштирокида ҳосил бўлган топонимлар ўзига хос бир гуруҳни ташкил қилади. Бунда уларнинг белги англатиш имконияти кенгайди ва шартлилик мазмунини касб этади.

Шундай қилиб, нарса–ҳодисанинг белги–аниқловчиси бўлган сўз топонимик элемент таркибида муҳим компонент сифатида иштирок этади ва

алоҳида оттенка касб этади. Бу эса топонимик майдонда тил бирликлари маъноларининг яна ҳам кенгайишига сабаб бўлади.

Шимолий Тожикистон топонимларининг таркибида сон, миқдор маъносини ифодаловчи сўзлар иштирокида ҳосил бўлган топонимлар ҳам мавжуд. Булар сирасида алоҳида топонимик бирлик тарзида учрайдиган номлар мавжуд эмас. Бу тизимда фақат рақам кўринишидаги номлар учрамайди. Рақамлардан икки сонини ифодалашга хизмат қиладиган қўш сўзини кузатиш мумкин: Қўштут, Қўштол, Қўштегирмон, Қўшқўрғон. Икки сўзига маънодош сифатида қараладиган *қўш* элементи топонимик атамалар орасида ёлғиз қўлланмайди. Сабаби *қўш* сўзи омонимиклик хусусиятига эга бўлиб, у икки сони билан алоқадор маъноларни ҳамда “сафар, саёҳат ва ш.к.да вақтинча қўниш жойи; вақтинчалик қароргоҳ”¹ маъносига эга. Қўш элементи топоним таркибида жойнинг сонини эмас, балки унинг алоҳидалигини ажратиб кўрсатишга, таъкидлашга, жойни бошқалардан фарқлашга хизмат қилади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 2-том. – М.: Рус тили, 1981. – Б. 482.

Таркибида сон ифодаловчи сўзлар иштирок этган топонимларни таҳлил этиш жараёнида шунга амин бўлиндики, ҳудуднинг рельефида алоҳида кўзга ташланадиган нарса, мўлжал топонимнинг алоҳидалигини таъминлайди. Сон билан фарқланган рельеф ҳудуднинг атоқли отига айланади.

Шимолий Тожикистон топонимиясида бир, икки, уч, беш, олти, етти, тўққиз, юз, минг сони иштирок этган топонимик номлар кўплаб учрайди. Бу сонлар ариқ, булок, гумбаз, капа, кўл, мачит, чашма, кудук, кўрғон, сой каби отлар билан қўшилиб, топоним ҳосил қилади. Шимолий Тожикистон топонимиясида эса ўзига хос бир ҳолат кузатилди: ҳудудда бир қанча сонлар ёрдамида топонимлар ясалганини гувоҳи бўламиз, аммо буларнинг орасида беш сони иштирокида ясалган топонимлар кўпчилиқни ташкил қилади. Қуйидаги мисолларда ҳам беш сўзи орқали ясалган топонимлар кўп эканлигини кўриш мумкин Беш тол, Бешкўрғон, Олти етим, Ўн эна, Мингбирбулок, Бешкўтон, Бешкал, Еттиқиз, Олти айгир, Уч тепа, Қирқ, Тўққиз челақ, Уч тайпон, Мингйиллик, Бешжуз, Уч боғ, Ўн тепа, Бешкапа, Еттивой, Қирқ қозик, Олти кўл, Бештол, Етти уй, Қирқкудук.

Топоним таркибида беш сўзининг иштироки ҳақида Т.Нафасов *Бешариқ* – бешта ариқ, Бешбек – бешта ўғил ташкил этган қишлоқ, Бешбола-Беш бола ташкил қилган қишлоқ, кўнғиротларнинг ойинли бўлимига хос уруғ номи, дея изоҳлаган. Шунингдек, манбалардан туркманжуз, қипчоқ, катагон ва сарой уруғларининг тармоқларидан бири *бешбола* эканлиги маълум. Демак, топонимлар таркибидаги *беш* доим ҳам сонни ифодаламаслиги мумкин.

Умуман олганда, нафақат Шимолий Тожикистон, балки Ўзбекистон Республикасининг кўплаб ҳудудларида ҳам беш сўзи иштирокида кўплаб географик номлар мавжуд. Биргина Қашқадарё ҳудудида Бешариқ, Бешбек, Бешбола, Бешбулок, Бешгумбаз, Бешкент, Бешдарак, Бешкал, Бешкалтак каби 25 та ном борлиги қайд этилган¹.

Бешкапа номи ҳақида манбаларда турлича изоҳлар мавжудлигига гувоҳ

¹Нафасов Т. Кўрсатилган асар. – Б.57-62.

бўлиш мумкин. Жумладан, Т.Нафасов “таркиби беш+капа. Капа – вақтинчалик туриш, яшаш учун қилинган бошпана. Кеч баҳор, ёз ва кузда яшаш учун қилинган вақтинчалик бошпаналар кўп қилинган жойда бунёд этилган қишлоқ”¹, дея шарҳ берган.

С.Қораев эса “чайла ҳамда уруғ номи (масалан, канасарой)” тарзида изоҳ берган².

Бешдарахт ери атамаси ҳудуднинг Бешдарахт қишлоғига тегишли эканлигини англатади. Сепула топоними ернинг шакл–кўриниши асосида пайдо бўлган. Дала ернинг учбурчак³ шаклда эканлиги асосида номланган, пайдо бўлган.

Шимолий Тожикистон топонимиясида алоҳида эътиборга лойиқ номлардан бири Қирққиз топонимидир. Қирққиз Шахристон тумани ҳудуддаги тоғдаги тошлар номи бўлиб, мазкур объектда жойлашган. Ушбу номнинг этимологиясига доир хилма–хил қарашлар мавжуд. Халқ орасида юрган ривоятга кўра, ёв ҳужумидан қочган қирқ қиз душман яқинлашгач, унинг кўлига тушмаслик учун худодан ёлвориб сўраганликлари учун, уларни қирқта тошга айлантириб кўяди. Бу топоним тўғрисида бошқача талқинлар ҳам мавжуд, жумладан, бухоролик тарихчи олим Н.Йўлдошев ўзининг “Бухоро авлиёларининг тарихи” китобида Бухоро Арки тепасида қудуқ бўлганлиги, у Чилдухтарон – Қирққиз деб номланганлиги, Бухоро туманидаги бир тепалик Қирққиз деб аталиши, худди шундай ном Шофиркон тумани ҳамда Бухоро шаҳрида ҳам борлиги ҳақида маълумот берган. Олим Қизбиби ёки Ҳазратбиби деб юритиладиган тепа Жондор туманида ҳам мавжудлигини қайд этиб, тасаввурларга кўра улар умрларининг охиригача бикир ўтганлиги, яъни эрга тегмаганлиги сабабли шундай номланганлигини таъкидлаган⁴. Т.Нафасов эса Қирққиз топонимини “қир-чўзиқ ясси баландлик” билан алоқадор деб ҳисоблайди.⁵

¹Нафасов Т. Кўрсатилган асар. – Б.59.

²Qorsyev S. Toponimika. – Т.: O`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – В. 193.

³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1-том. – М.: Рус тили, 1981. – Б.248.

⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1-том. – М.: Рус тили, 1981. – Б.188.

⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 2-том. – М.: Рус тили, 1981. – Б.119.

Шундай қилиб, сонлар иштирок этган топонимлар икки ва ундан ортик компонентдан иборат бўлиб, улар таркибида объектнинг моҳиятини англатувчи сўз, топоиндикатор ёки топоморфант иштирок этади.

Шимолий Тожикистон микротопонимлари сирасида литонимлар (тоғ, тош, қоя ва ҳ.к.лар билан боғлиқ атоқли отлар) иштирокидаги бир неча топонимлар ҳам мавжуд. Литонимлар республиканинг тоғли ёки тоғолди худудлардан фарқли равишда туманнинг ландшафти, географик рельефи билан боғлиқ эмас.

Тошлоқ, Тошқўрғон, Тошқалла, Чолтош, Тошқўприк, Қоратош, Тошқўтон, Тошлоққия, Оқтош, Тошбек, Тоштепа, Тошгачиққан, Қоратош, Тошбулоқ, Кўктош кабиларда тош компоненти ҳаммавақт “яхлит масса ёки бўлак–бўлак ҳолда, сув кор қилмайдиган, қаттиқ, мўрт тоғ жинсларининг умумий номи”¹ маъносида бўлса, Тошбек, Тошбулоқ кабиларда ўзининг асосий маъносидан четлашиб, топонимнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган. Кўктош “кўк+тош – кўкиш оқ рангли мрамартош. Қадимги қабрларга қўйилган мрамартошлар номланишига асос бўлган. Қадимги қабристонлар ер сатҳи билан бир хил бўлиб кетгандан сўнг мрамартошлар кўриниб қолган. Кўктош – кўкиш оқ рангли мрамартош бўлган жойдаги қишлоқ², Тошкони– турли мақсадлар учун тош қазиб олинган жой, кон, Тошмачит – тошдан қурилган мачит, Тошбулоқ, Тошқудуқ – тош терилиб бунёд этилган булоқ, қудуқ каби.

Топонимларнинг ушбу гуруҳига кирадиган номларнинг рақамларда ифодаланишига назар ташласак, манзара қуйидагича намоён бўлади: битта сунъий денгиз, иккита дарё, учта сув омбори, ариқлар – 106, қудуқлар – 10, каналлар – 18, ҳовузлар – 14, захкаш – 10, булоқ – 14, сой – 10, кўл – 3 та, жами 191 тани ташкил этади. Бу умумий жой номларининг 18,1 фоизидир.

Аҳоли турмуш тарзининг ўзгариши, худуддаги гидротизимнинг кенгайиши натижасида туман гидронимлари гуруҳида ҳам ўзгариш рўй берган.

¹Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ (ибора́т аз 2 ҷилд). Ҷилди 2 (О – Я). – Душанбе, 2008. – С. 230.

²Ўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. – Бухоро, 1997. – Б.24.

Авваллари дарёга боғлиқ бўлган гидротизим бугунги кунда тўлиқ сунъий суғоришга боғланиб қолган.

Худуддаги барча гидронимлар номлари маҳаллий аҳоли томонидан кўйилган. Тумандаги гидронимларни табиий ва сунъий сув иншоотларга ажратадиган бўлсак, уларнинг атиги 14 таси (булоқ номлари) табиий, қолганлари эса сунъий сув иншоотларини ташкил этади.

Шимолий Тожикистон гидронимлари тизимида салмоқли ўрин эгаллаган сунъий сув иншоотларидан бири ариқ номларидир. Қайд этилганидек, худудда 106 та ариқ номи мавжуд. Ариқ индикатори билан боғлиқ гидронимлар топоним сифатида луғатда берилган 1–маънода шаклланган: сунъий равишда ясалган сув йўли, ўзани ва ундаги сув; жўяк¹. Ариқ сўзи ҳақида Ш.Рахматуллаев “аслида қадимги туркий тилдаги оқ(моқ) маъносини англатган а:р феълидан – (ы)қ кўшимчаси билан ясалган, кейинроқ а: унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, ўзбек тилида а унлиси ä унлисига алмашган, ы унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: а:р + ық = а:рық > арық > әріқ”², дея фикр билдирган.

Машхур турколог Э.В.Севортян *арик* сўзи ҳақида “қадимги туркий тилидаги оқ маъносини англатган а:р феъли + ық кўшимчасидан ташкил топган ва «кичик сув йўли» маъносини ифодалайди”², деган.

Топонимларнинг ясалишидаги бир номнинг иккинчисига кўчиш қонунияти ариқ номларининг ҳосил бўлишида ҳам амал қилган ва бу ҳолат уларнинг семантик гуруҳларида акс этиб туради. Аниқланган гидронимларнинг 106 таси *арик* индикатори билан ифодаланган. Бунда *арик* индикатори куйидаги мавзу гуруҳларига мансуб гидронимларни ҳосил қилган:

1) антропоним: Ширинсой, Кўзивой ота ариғи, Шоберди ариғи, Турсунбой ариғи, Фарход ариғи, Иноятбой булоғи, Нурали Бешқўтан ариғи, Қози ариқ, Шоберди ариқ, Княз ариқ;

2) этнотопоним: Кўнғирот, Хитойреза ариқ, Чигатой, Бешхутан;

3) топоним: Даҳана, Овчи ариқ, Оқ қалъа, Навганда, Бахмалбулоқ,

¹Нафасов Т. Кўрсатилган асар. – Б.373-374

²Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ (ибораат аз 2 ҷилд). Ҷилди 2 (О – Я). – Душанбе, 2008. – С. 202.

Махрам, Кўчкина, Рапқон, Патар, Кўчкак, Қароқчиқум, Андархон, Қоратоғ, Варкент, Кунжаксой, Аштсой, Исфарасой ва б.

4) объектнинг ўлчовини билдирувчи номлар: Катта ариқ, Олти етим, Жиянчуқур, Катта ҳовуз, Гала ариқ, Катта ариқ, Узун ариқ, Бешариқ;

5) объектнинг табиий ҳолатини билдирувчи номлар: Қумлик ариқ, Рахна ариқ, Оқсу, Қорасув, Захсув, Дам.

Қайд этиш керакки, аниқланган гидронимларнинг аксарияти аҳоли пункти номи асосида шаклланган.

ШИМОЛИЙ ТОЖИКИСТОН ТУРКИЙ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ–ЭТИМОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Топонимлар шаклланишининг семантик омиллари

Жой номлари миллий қадриятларнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади, маънавият, қадриятлар эса одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб хизмат қилган. Сўғд вилоятининг ўзига хос қиёфаси, шу заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларининг маънавий салоҳияти, ибратли фаолияти, минтақанинг табиий ва иқтисодий–ижтимоий хусусиятлари жой номларида мужассам десак муболаға бўлмайди. Ҳар қандай топоним инсон фаолиятининг маҳсули, у географик объектнинг номи сифатида ер юзининг маълум бир нуқтасида пайдо бўлган. Жой номларининг шаклланиш жараёни жамиятнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ, жойларга қандай ном бериш аввало жамиятнинг муайян босқичидаги эҳтиёжлари билан белгиланади. Ҳар бир давр, тузум ўз мафқураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалик фаолияти ва бошқа сиёсий, иқтисодий–ижтимоий омилларга таяниб номлар мажмуини яратади ва айнан жой номларида кишилик жамияти тараққиётидаги давр руҳи, халқнинг турмуши ва маданияти билан боғлиқ турли хил воқеа–ходисалар муҳрланиб қолган. Бошқача айтганда, топонимларда мамлакатда

содир бўлган ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, давр маданияти, замон маънавияти ва мафкураси, ном қўювчиларнинг дунёқараши ўз ифодасини топади. Географик объектлар қанча кўп ва хилма–хил бўлмасин ҳар бирининг номи бор, уларда содир бўлган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва таққослаш, албатта, халқнинг ижодий маҳсули бўлган жой номларини ўрганишдан бошланиши керак. Чунки, жой номлари географик объектларнинг ўрни, табиий ва иқтисодий–ижтимоий хусусиятларини ҳамда кўпгина бошқа географик тушунчаларни ҳам ўзида мужассам этган бўлади. Х.Ҳасановнинг ибораси билан айтганда: «номлар жойларга шундай мослаб берилганки, маҳаллий аҳолининг заковатига қойил қоласан киши. Янги туғилган чақалоққа от қўйиш осон. Чунки юзлаб тайёр исмлар бор, улардан фақат ўзингизга маъқулини танлаб оласиз. Аммо жой номлари тайёр эмас. Уларни «ўйлаб топиш» керак, исмини жисмига монанд қилиш керак»¹. Шубҳасиз, ҳар қандай топоним қандайдир бир маънони англатади, чунки маъносиз топонимнинг ўзи йўқ, аммо ҳали маъносини кишилар тушуниб етмаган номлар кўп. Буни сабаби шундаки, топонимлар узоқ ўтмишда пайдо бўлган, уларни яратган халқлар тарих сахнасидан кетган, номга асос бўлган сўзлар муомаладан чиққан ёки фонетик жиҳатдан тамоман ўзгариб тушунарсиз бўлиб қолган бўлиши мумкин. Номшуносликни муҳим қонуниятларидан бири шуки, нотаниш сўзларни халқ ўз тилининг фонематик хусусиятларига мослаштиришга уринади. Масалан, Ғончи туманида Тегишкўк, Лойкўк каби топонимлар бор. Бу номларнинг илк шакли Кўк Тангричилик (оташпарастилик) билан боғлиқ бўлган, аммо ҳозирда улар шаклан ўзгариб маҳаллий халқ учун тушунарсиз бўлиб қолган. Ана шундай шаклан ўзгариб кетган топонимлар нихоятда кўп учрайди. Топонимистнинг вазифаси замон ўтиши билан ташқи қиёфаси, сирти ўзгарган номларни аниқлаш, уларнинг дастлабки шаклларини топиш, реал ҳаётда номнинг туғилишига туртки бўлган аломатларни қидириб топишдан иборат. Топонимлар муайян ҳудудда ажралган ҳолда эмас, балки ўша ҳудуд билан, у

¹ Ҳасанов Х. Ер тили. – Т.: Ўқитувчи, 1977. –102 б.

ердаги табиий ҳамда ижтимоий – иқтисодий шароитлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Аҳоли пунктларини ижтимоий–иқтисодий категория эканлигини инобатга олган ҳолда, уларнинг номларини муайян маънода табиий–географик объектлари номларидан муҳимроқ деб, ҳисоблаш мумкин, зеро уларда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ўз инъикосини топган. Келажакда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиши, халқаро алоқаларнинг ривожланиши, янги ерларнинг ўзлаштириши халқлар ҳаётида уларнинг роли ва аҳамиятини янада оширади. Жой номлари аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлганлиги сабабли табиат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришлар уларга таъсир қилмасдан қолмайди, тарихий давр, тил ва халқларнинг алмашиши географик муҳитнинг ўзгаришига олиб келиши аниқ. Жой номларига ҳудудийлик хос бўлса ҳам, ер юзида яккаю–ягона, бошқалардан бутунлай ажралиб қолган ном йўқ, балки топонимлар бир–бири билан боғлиқ, бир ном бошқа бир номга нисбат бериб қўйилган. 2010–2021 йиллардаги маълумотлар бўйича, Сўғд вилоятида 1000 га яқин аҳоли пункти рўйхатга олинган, улардан 10 таси шаҳар, 14 таси туман мақомига эга.

Топонимларни талқин қилишда географик таққослаш, тарихий қиёслаш, этимологик таҳлил, сўров ва таққослаш, таҳлил ва синтез, картографик, статистик ва бошқа методлардан фойдаланилган. Номларни танҳо эмаслиги, ҳар қандай ном республиканинг бошқа ҳудудларида ёки туркий ва форсий тилли қўшни мамлакатларда ҳам мавжудлиги инобатга олиниб, топонимларнинг тарқалиш ареалига ҳам қисқача географик таъриф бериш лозим бўлади. Этнонимлар асосида пайдо бўлган аҳоли яшаш масканлари номлари ҳам катта қатламни ташкил этади. Қабила, уруғ, тўп номининг пайдо бўлиши, халқнинг тотемистик қарашлари, тамғалар асосида этник гуруҳларнинг номланиши ва булар билан боғлиқ ҳудудий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, анъанавий, диний, ахлоқий, маданий, маърифий, лисоний хусусиятлари ҳақида тарихий, этимологик таҳлил қилиш асосида кўплаб топонимлар этимологияси тўлиқ ёритилади.

Ҳар бир географик объектни ўз номи бор. Уларнинг баъзилари яқиндагина

пайдо бўлган бўлса, айримлари узоқ тарихий даврдан бизгача етиб келган. Номларни халқ маълум бир ҳудудда ва замонда ижтимоий эҳтиёж туфайли яратган. Шу сабабдан уларга ҳудудийлик ва тарихийлик хос. Ном замирида яширин маънони аниқлаш учун ном яралган давр ва ҳудуд тарихини пухта ўрганмоқ, ном учун асос бўлган табиий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, лисоний омилларни топиш лозим. Фақат шундагина номнинг маъзи, асл маъноси, тарихи тўғри аниқланади. Маълумки, кундалик ҳаётни жой номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир инсон муқаддас она юртига бўлган меҳрини бир бўлаги сифатида, албатта ўз маҳалласи, қишлоғи ва шаҳрининг номи нега шундай аталган, қандай маъно унда яширин, бу ном унга қачон ва кимлар тамонидан берилганлиги билан қизиқиб, аниқлик киритишни хоҳлайди. Жамиятнинг тез суръатлар билан ривожланиши ва халқлар ҳамда мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни топонимларсиз тасаввур қилиб бўлмаслиги бу йўналишдаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Топонимлар кўп қиррали ва хилма–хил ахборот манбаи бўлиши билан бирга, кишилик жамияти учун зарур ва муҳим бўлган ижтимоий–сиёсий вазифани, яъни адреслик функциясини ҳам бажаради. Бинобарин, ижтимоий эҳтиёж маҳсули бўлган жой номлари орасида ойконимлар алоҳида мақомга эга, чунки улар ҳар қандай аҳоли пунктларнинг номи сифатида тарихий манбаларда кўпроқ қайд этилган. Ибтидоий даврдан бошлаб одамлар теваарак–атрофни кузатиб географик объектларни бир–биридан фарқлаш мақсадида уларга ном берганлар. Объектларнинг табиий хусусиятларини ифодаладиган топонимлар жамиятнинг дастлабки босқичида кўпроқ бўлган, кейинчалик эса табиатга жамиятнинг таъсирини кучайиши оқибатида улар аста–секин камайиб борган. Дастлаб табиий объектларга зарурият юзасидан оддий, содда ва тасодифий номлар берилган бўлса, кейинчалик ижтимоий онг ривожланган сари тушунчалар сони ортиб топонимлар ҳам мураккаблашиб борган. Кишилик жамиятининг ривожланиши ва кундалик эҳтиёжларнинг ортиб бориши янги ҳудудларни ва табиатнинг таркибий қисмларини ўзлаштиришга олиб келган, бу эса ўз навбатида жой номларининг кўпайишига сабаб бўлган. Топонимлар аниқ

бир тарихий шароитда пайдо бўлганлиги сабабли табиат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришлар уларга таъсир қилмасдан қолмайди, тарихий давр, тил ва халқларнинг алмашиши географик муҳитнинг ўзгаришига олиб келиши аниқ. Жой номлари табиат ва жамият алоқадорлиги масаласини ўрганувчи тилшунослик учун ҳам кўпгина маълумотлар беради, чунки халқ турмуш тарзининг турли томонлари топонимларда ўз аксини топган. Масалан, ойконимларда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти акс этган, улар ёрдамида аҳолининг қадимий хўжалик юритиш шакллари, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоклари, қазиб олинган фойдали қазилма жойлари, ўтмишдаги карвон йўллари, ривожланган хунармандчилик турлари, халқларнинг тарқалиш ареали ва тил хусусиятларининг барча–барчасига топонимлар ёрдамида ойдинлик киритиш мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича тарихий манбаларда топонимиянинг бошқа таркибий қисмларига қараганда аҳоли пунктлари номлари кўпроқ қайд этилган, уларда минтақа табиатининг хусусиятлари жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса ва воқеалар, аҳолининг касб–хунарлари номлари, аҳоли пунктига асос солган кишининг исми, унда қандай қавм вакиллари яшагани ёки яшаётгани ўз аксини топган. Жой номлари муайян ҳудудда ажралган ҳолда эмас, балки ўша ҳудуд билан, у ердаги табиий ҳамда ижтимоий–иқтисодий шароитлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Келажакда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиши, халқаро алоқаларнинг ривожланиши, янги ерларнинг ўзлаштириши халқлар ҳаётида уларнинг роли ва аҳамиятини янада оширади. Шимолий Тожикистоннинг маъмурий–ҳудудий бўлиниши кесимида жой номлари таҳлил қилинганда туманлар топонимиясининг шаклланишида ҳам лексик, ҳам семантик жиҳатдан муайян тафовутлар борлиги аниқланди. Масалан, Хужанд, Айний, Мастчоҳ туманлари аҳоли пунктлари номлари таркибида кўпроқ қадимги сўғдий ва эроний субстрат топонимлар ва жойнинг географик хусусиятига қараб номланган топонимлар ҳам учрайди. Жаббор Расулов (Пролетар), Спитамен (Нов), Деваштич (Ғончи), Истаравшан (Ўратепа), Шаҳристон, Хужанд, Зафаробод туманлари топонимияси таркибида кўпроқ қадимий туркий

топонимлар учрайди. Сўғд вилоятининг шимолий ва жанубий тоғли ҳудудларидаги қишлоқларда аҳоли қадимдан яшаб келган, шимолий ҳудудларидан фақат Зафаробод тумани чўлнинг ўзлаштирилиши натижасида бунёд этилган. Вилоятнинг жанубий тоғли ҳудудлари ва шимолий ҳудудларидаги субстрат (тубжой) ойконимлар асосан асрлар давомида шаклланган. Топонимик материаллардан маълум бўлишича минтақанинг табиий шароити, иктисодий – ижтимоий кўрсаткичлари, этнографияси, географик терминлари, аҳолининг этник таркиби каби омиллар ойконимларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган. Вилоятнинг тоғ олди ҳудудларида халқнинг табиатга бўлган муносабати, табиий ҳодисаларни англаш даражаси, турли хил ландшафтлардан фойдаланиш имкониятлари каби омиллар жой номларининг яратилишида моддий, ижтимоий ва лисоний асос вазифасини бажарган. Минтақанинг тоғли ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари номлари кўпинча, маҳаллий халқнинг ўтроқ ҳаётга, турғун турмуш кечиришга ўтиш жараёнини ўзида акс этган. Бундай ойконимлар кўпинча тарихийлик мақомига эга, бунга уларнинг қачон пайдо бўлганлиги, ном яратган халқнинг маълумлиги, шу турдаги номларнинг бошқа ҳудудларда ҳам учраши, тилнинг замонавий ҳолати билан изоҳлаб бўлмаслиги каби далилларни кўрсатиш мумкин. Вилоят аҳоли пунктлари номларига хос хусусият сифатида уларни гидрообъект ёки оронимик объект номлари билан аталишини кўрсатиш мумкин. Бундай номлар уларнинг вилоят аҳолиси ҳаётида қадим замонлардан бошлаб муҳим аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, оронимик ва гидронимик объектлар қишлоқларни пайдо бўлишида моддий асос бўлиб хизмат қилган, уларни номлашда эса мўлжал, ориентир вазифасини бажарган. Шу сабабдан вилоятнинг тоғли ҳудудларида ороним ёки гидроним сифатида шаклланган номларнинг ойконимга ўтиши кўпроқ кузатилади. Бундай жой номлари таркибида тош, тоғ, бел, довон, ағба, чақир, танги, сой, булок, чашма, қудуқ каби географик терминлар кўп учрайди. Сув хавзалари нафақат чўл, балки тоғ олди ва тоғли ҳудудларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Улар инсон фаолияти ва ҳаётида катта ижтимоий, моддий аҳамиятга эга бўлганлиги боис

тоғли хуудлардаги аҳоли пунктлари номлари орасида азалдан алоҳида мақомга эга. Гидрообъектларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этганлигини Варгин, Банд, Даргат, Гулба, Кориз каби аҳоли пунктлари номидан ҳам илғаб олиш мумкин. Масалан, Варг – қадимий Сўғд тилида «тўғон», «банд» маъносини ифодалаган. Гидротехник иншоот ёрдамида сув йиғиб вегетация даврида бир ёки бир неча йўналишдаги экинларга керакли миқдорда жўнатишган. Қишлоқ – тўғон, банд ёнида жойлашганлиги сабабли унга шундай ном берилган. Табиий ва иктисодий–ижтимоий омиллар асосида шаклланган ойконимлар қуйидаги турларга ажратилади.

Ҳар қандай ҳудудий топонимияни ўрганиш жараёнида вақт ва ёш омили доимо инобатга олиниши керак. Олиб борилган тадқиқотлар давомида маълум бўлдики, вилоят топонимиясига алоқадор бўлган энг қадимий маълумотлар икки минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлган ёзма манбаларда учрайди. Ўша даврлардан бошлаб кўп асрлар давомида вилоят жой номлари тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб келган. Минтақа топонимиясининг шаклланишида шарқий эроний тилларга хос (Сўғдча, форс–тожикча) номлар муҳим аҳамият касб этган бўлса ҳам, кейинги даврлардан бошлаб (Турк ҳоқонлиги давридан) вилоят топонимиясида туркий қатлам алоҳида ўринга эга бўлган. У аввалги топономик қатламлар устида жойлашганлиги, энг бақувват қатлам эканлиги ва ҳудуднинг ҳамма жойида кенг тарқалганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Вилоят жой номларининг лингво–географик таҳлили минтақа топонимиясининг таркибий қисми ҳисобланган ҳозирги аҳоли пунктлари номларининг шаклланиши, тараққиёти, қайси халқлар тили асосида таркиб топганлиги, мавжуд топономик қатламларнинг ўзаро таъсири, уларнинг ҳудудий жойлашуви каби масалаларни аниқлашни талаб этади. Жой номлари аниқ бир тарихий шароитда пайдо бўлиб, келиб чиқиши жамият ҳаёти, ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ айтганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини унинг топонимларида ҳам кўриш мумкин. Шу сабабдан, жой номларини пайдо бўлиш даври билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқ. Албатга, ҳар бир тарихий давр

жой номларининг муайян қатламини қосил қилган, аниқроғи ҳар бир қатламнинг жой номларида ўзига хос «изи, тамғаси» мавжуд. Вилоят жой номларининг ҳозиргача аниқланган энг қуйи қатлами милоннинг бошларига тўғри келади. Ховатоғ, Лакат, Савот, Мик, Муғ, Нижони, Тапқоқ (Истаравшан тумани), Лойкўк, Нўширавон, Новка, Лангар, Мужум, Далён (Ғончи тумани), Қистакўз, Тешиккўк, Мутон, Табошар, Адрасмон (Хўжанд тумани), Қазноқ, (Жаббор Расулов тумани) кабиларни маъно – мазмунини аниқлаш қийин бўлган субстрат жой номларини айтиб ўтиш мумкин. Улар ҳозирда ўлик ҳисобланган қадимий сўғд тилига мансуб топонимлар бўлиб, кўпинча тўлиқ ҳолда ёки қисман ўзгаришлар билан ўтмишда Уструшана давлати таркибида бўлган Бунжакент, Сабат, Газантерак, қисман Пенжакент туманларида сақланиб қолган.¹ Қадимда Устарушана таркибида бўлган Савот деган тарихий ойконим бор. Академик А.Г.Муҳаммаджоновнинг ёзишича, Уструшананинг Себат рустоқида Буюк Ипак Йўли уч тармоққа (Шош, Фарғона, Уструшана тармоқларига) бўлиниб кетган. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирида биттадан работ – карвонсарой мавжуд бўлган ва Себат (се–уч, бат – работнинг қисқарган шакли) «уч работ» маъносини беради. Себат маҳаллий халқ талаффузида Сабот, Савот бўлиб ўзгарган. Ўрта асрларнинг арабийнавис географлари Муқаддасий, Ибн Хавкал, Истахрий асарларида ҳам қишлоқ тўғрисида маълумотлар мавжуд ва унинг катта карвон йўли устида жойлашганлиги таъкидланган. Қулай географик ўрнига эга бўлган Себатда ўрта асрларда Уструшанадаги ягона машҳур ёпик бозор бўлган. Демак, Савот – аслида Себат бўлиб «уч работ», «уч карвонсарой» деган маънони ифодалайди.² Иккинчи қатламга форс–тожик тилига хос бўлган топонимларни киритиш мумкин. Бундай ойконимлар вилоят ҳудудида анча кенг тарқалган, уларни топиш ва этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш қийин эмас. Кўпчилик топонимларнинг маъносини ўзбек ва тожик тиллари ёрдамида тушунса бўлади. Жўлангар, Дуоба, Заргар, Латтабанд, Тағоб, Варсик, Чорвоқ, Боғдон, Сангзор, Танги, Яккатол, Яккабоғ,

¹ Муҳаммаджонов А. Самарқанднинг тарихий топонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2007. – 4-сон. – Б.38

² Муҳаммаджонов А. Жой номлари – тарихий манбадир // Илмий- амалий конференция докладлари тезислари. – Т., 1994. – Б.15-17.

Лангар каби аҳоли пунклари номларини ана шу қатламга киритиш мумкин. Жўлангар кишлоғининг номи жўй – «ариқ»; лангар – «тўхташ жой», «карвонсарой». Лангар сўзини П.Ғуломов «тўхташ жой, кўноқ, манзил», деб шарҳлаган. (П.Ғуломов, 1994). Илгариги карвон йўлларидаги кўноқ жойлар, карвонсаройлар шу атама билан юритилган. Лангарларда чойхона, меҳмонхона, карвонсарой, баъзан гузарлар (бозори билан) бўлган. Э.М.Мурзаевнинг таъкидлашича: «топонимларда ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларини ўқиш мумкин».¹ (Э.Мурзаев, 1974). Шундай экан, ҳар бир топоним муайян бир тарихий даврнинг маҳсули, асрлар давомида шаклан ўзгариб, мазмунан мавҳумлашиб қолади. Масалан, Фориш туманида Гараша номли қишлоқ бор. Ойконимга форс–тожик тилидаги «гирехкушо» сўзи асос бўлган. Гирехкушо сўзи гирех – «тугун», «банд» ва кушо – «ечмоқ», «тугунларни ечувчи», «тилсимларни очувчи», «ҳожатбарор», маъноларини ифодалайди. Гирехкушо нисбаси XII аср охирлари ва XIII асрнинг бошларида яшаган, яссавия тариқатининг издошларидан ҳисобланган ва илк бор шу қишлоқ ҳудудида кўним топган шайх Муҳаммадшариф ибн Алиасқарнинг тахаллусидир. Гирехкушо деб ном олишларига авлиёнинг кўпгина каромат қилганликлари ва муаммолар ечимини тўғри кўрсатганликлари сабаб бўлган. Ҳозирда Шайх Муҳаммадшариф ибн Алиасқар қабри атрофи обод қилиниб зиёратгоҳга айлантирилган. Баъзан топоним шаклан ўзгарганлиги сабабли нотўғри талқин қилиниб, унинг этимологияси умуман бошқа маънони касб этиши мумкин. Бу ҳолни ҳам Гараша ойконими мисолида таҳлил қилиб кўриш мумкин. Чунончи, баъзи мутахассислар фикрича, Гараша ойконими гара – «қора» ва ша – «сой» қисмларидан ташкил топган бўлиб, қадимий туркий тилда қора сўзи–«гара» тарзида, сой сўзи –«шай» шаклида қўлланилган. Шунинг учун Гараша қишлоқ номи «қорасой» деган маънони беради.² Учинчи, энг сўнгги устки қатлам туркий топонимлардан таркиб топган, у вилоятнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган ва этимологик

¹ Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М., 1974. – С.200-201.

² Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – С., 1997. – 202 б.

жиҳатдан бундай географик номларни аниқлаш анча осон. Бунга вилоят худудидаги ойконимлардан Қорасой, Кенгкўл, Ўртақўрғон, Ўртақишлоқ, Оқтош, Узунбулоқ, Янгиқўрғон, Жарқўрғон, Эгизбулоқ, Жарқўтон этноойконимлардан Туёқли, Минг, Болғали, Қирқ, Парчаюз, Увоқ, Уяс, Ўроқли, Қарапчи, Қипчоқ, Холдорқипчоқ, Найман, Қатаған, Кенагас, Чўмичли, Калтатой, Сўлоқли, Илонли ва бошқа юзлаб топонимлар мисол бўлади. Туркий қатламнинг яна бир ўзига хослиги аҳоли пункти номлари таркибида этнонимларнинг кўплигидир. Тадқиқотлар давомида шу нарса аниқландики, этноойконимлар кўпинча қабила ёки уруғ яхлит яшайдиган ҳудудларнинг марказида эмас, балки кўпроқ чекка қисмида, яъни бошқа қабила ёки уруғ билан чегарадош ва аралаш яшайдиган жойларда кўпроқ учрайди. Масалан, қабила ёки уруғ вакиллари яхлит яшайдиган ҳудудларда қишлоқлар этноним билан аталмаган, аммо қабила ёки уруғ бошқа этнос вакиллари орасида ёки улар билан ёнма-ён яшаётган бўлса, кўпинча бундай қишлоқлар шу этнос номи билан аталган. Бу ҳолатни Истаравшан тумани мисолида таҳлил қилиш мумкин. Этнограф олима Б.Х.Кармишева ёзишича: «жалойир қабиласи то 1375 йилгача ҳозирги Оҳангарон ҳавзаси ҳамда Хужанд атрофида яшаган. Амир Темурга қаттиқ қаршилик кўрсатганликлари учун, соҳибқирон жалойирлар саркардасини қатл эттиради ва уларни турли томонларга бўлиб юборади».¹ (Б.Кармишева, 1960). Натижада жалойирлар бошқа қабила ва уруғлар орасида йўқолиб кетмаслиги учун, янги ташкил этган қишлоқларини Жалойир деб атаганлар. Ҳозирда Жалойир номли қишлоқлар нафақат Тожикистонда, балки Ўрта Осиё давлатларида, жумладан, Ўзбекистоннинг Каттақўрғон, Нарпай, Хатирчи, Қумқўрғон, Шўрчи, Зангиота. Қибрай, Қува, Риштон, Кармана туманларида ҳам Жалойир номли қишлоқлар бор.² (И.Бегалиев, 2004). Шахристон ва Истаравшан туманларидаги Жалойир қишлоғида яшовчи маҳаллий халқ орасида XIV асрнинг охирида бу ҳудудга келиб муқим яшаб қолган деган фикр мавжуд. Тўртинчи қатлам арабларнинг кўп

¹ Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: СЭ. 1964. – С.205.

² Бегалиев Н. Топонимларнинг ўзбек халқ этногенезидаги ўрни //Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – 4-сон. – Б. 67-71.

асрлик истилоси билан боғлиқ, улар ислом динини олиб келиш билан бирга келиб чиқиши араб тилига мансуб сўзлардан пайдо бўлган топонимларнинг шаклланишида фаол иштирок этганлар. Ҳозирда вилоят жой номлари таркибида учрайдиган мазор, маҳалла, масжид, равот, агба, супа, қалъа, тал каби сўзлар аслида араб тилидан олинган. Арабча номлар вилоятнинг тоғли туманлари топонимиясида кўпроқ учрайди. Масалан, Конибодом туманида Работ деган ойконим бор. «Работ – ўрта асрларда арабларнинг мустақамланган қароргоҳи. Тархи тўртбурчак, деворларида миноралари бўлган. Дастлаб (ислом дини тарқала бошлаган даврда) ғозийларга мўлжаллаб қурилган махсус бино. Кейинчалик Работ фақат қўрғон, истехком маъносидагина эмас, балки меҳмонхона (карвонсарой) мазмунида ҳам тушунилган. Ўрта Осиёда VIII–X–асрларда кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудлар билан чегарадош жойларда кўплаб работлар қурилган».¹ (М Э , 2006). Ўрта аср шаҳарларининг савдо ва хунармандчилик дўконлари жойлашган қисмини ҳам рабод деб аташган ва VIII–X–асрларда форс, тожик, ўзбек тилларига ўзлашган».² (Т.Нафасов, 1988). Шу сабабдан, бу географик термин Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ҳудудида кенг тарқалган. Яна бир мисол, Хужанд туманида Маржонбулоқ деган овул бор. Топоним таркибидаги «марж – сўзи арабча – русча луғатда «ўтлоқ», «яйлов» деб таржима қилинган. Бу сўз анча қадимда араб тилидан тожик тилига ўзлашган ва унга тожикча –он кўплик қўшимчаси қўшилган ва у ўрин–жой маъносини ҳам ихчамлаштирган. Маржон – «ўти кўп жой», «ўтлоқ», «яйлов» демакдир, аммо шу билан бирга бу сўзнинг ўтмишда бошқа маъноси ҳам бўлган. Қўрғон ҳаробасидан ҳосил бўлган тепа, қўрғон маъноси билан бу сўз жой номлари ясаган. Масалан, Маржонбулоқ – «қўрғон олдидаги булоқ». Талимаржон – «қўрғонтепа», «қўрғон ҳаробаси булган жой». (Т.Нафасов, 1988). Вилоятдаги , Талл, Сўфимозор, Аламли, Жума каби қишлоқ номлари арабча сўзлар асосида ташкил топган. Мутахассислар араб тилидан ўтган сўзлардан юзага келган

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдли. 7-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б.486.

² Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистоннинг жанубий районлари). – Т.: Ўқитувчи, 1988. – 135 б.

топонимлар орасида диний терминларнинг учрашини алоҳида қайд қилишган. Сўғд вилояти ҳудудидаги асли мўғул тилидан ўзлашган сўзлардан пайдо бўлган географик номларнинг келиб чиқиши XIII асрдаги мўғуллар истилоси билан боғлиқ ва у ҳозирда вилоят жой номлари таркибининг кичик бир гуруҳини ташкил қилади. Мавжуд жой номлари орасида муғулча номларнинг нисбатан камлигига уларнинг маҳаллий халқ билан аралашиб дини ва тилини қабул қилганлиги сабаб бўлган. Вилоят топонимияси таркибида ҳозиргача сақланиб қолган Манғит, Ём, Найман, Сайхан, Кутал каби аҳоли пунктлари номлари аслида мўғул тилидан олинган. М.Мурзаевнинг фикрича, Сайхан маҳалласининг номи ҳам аслида мўғулча сайкан сўзидан олинган «чиройли», «гўзал» деган маънони англатади, кейинчалик географик термин сифатида бу сўз ўзбек тилига ўзлашган ва ҳозирда «катта», «текис очик жой», «майдон» маъносини ифодалайди. Бу жой Туркистон тизмасининг давоми бўлган Молгузар тоғлари этагида атрофи очик, текис ва кенг яланглик ерда жойлашган.¹ Мўғул тилидан ўзлашган географик номлардан бири қадимий Устарушанага қарашли бўлган Ём ойконимидир. Ём – қишлоғи тарихий манбаларга кўра XIII асрдан шу ном билан маълум. Ём мўғулча сўз бўлиб йўл демақдир. Академик Б.Я.Владимирцов (1884–1931) ёзишича: «ём сўзи мўғуллардан туркий тилларга ўтиб, мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда жуда кенг тарқалган. Ёмлар чингизийлар даврида қурила бошлаган. Кейинчалик ём сўзи «чопарлар, йўловчилар кўнадиган ва от алмаштирадиган жой», «бекат» маъносини ифодалаган. Ёмда доим отлар шай туриб, бир қанча киши хизмат қилган. Ўгадайхон кўплаб ёмлар қурдирганлиги билан фахрланганлиги маълум».² Шунини айтиш керакки, Ўрта Осиёда мўғуллардан кейин ҳам ёмларга зарурат борлиги учун улар сақланиб қолган. Бунга «Бобурнома»даги қуйндаги сўзлар мисол бўла олади: «... ҳар ўн саккиз гуруҳда олти ём оти боғлагайлар. Ёмчи ва сайисга улуфа ва отларга алик тайин бўлғай». (З.Бобур, 1960). XV аср ўзбек тилига ёмхона – емхона, отлар

¹ Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М., 1974. – С.200-201.

² Караев С.К. Топонимия Узбекистана. – Т.: Фан, 1991. – 130 с.

сақланадиган жой, ём оти – чопар от, ёмчи – ём хизматчиси сифатида ўзлашган. Ёмчи қишлоғининг номи ҳам «ём хизматчиси» деган маънони беради. А.Пардаевнинг эътирофи этишчи: «ём сўзи айрим ҳолларда «жом» кўринишида ҳам ифодаланган. Қўшни ҳудудлардаги «жом» номи билан аталадиган жой номлари мазмун – моҳиятига кўра ёмнинг айнан ўзидир». (М.Пардаев. 2010). Шуниндек, мўғулча ём сўзи нафақат туркий тилларга балки славян, хусусан, рус тилига ҳам ўтган. Масалан, рус тилидаги «ямшик» сўзига ём сўзи асос бўлган. Баъзи мутахассислар араб ва мўғул тили билан боғлиқ бўлган географик номларни алоҳида тарихий қатламларга ажратишнинг кераги йўқ, араб ва мўғул тилларидан ўзлашган топонимлар аллақачон тилимизнинг луғавий бойлигига айланиб, халқ орасида сингиб кетган, сон жиҳатидан ҳам бундай топонимлар кўп эмас деб ҳисоблайдилар. Босқинчилар сафида келган турли этник бирликлар, жумладан араб ва мўғуллар давр ўтиши билан маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган бўлса ҳам, аммо уларнинг «изи» топонимлар таркибида ҳозирга қадар сақланиб қолган. Ўрта Осиёни босиб олган араблар этник жараёнга таъсир қилмаса–да, ислом дини ҳукмронлигини ўрнатган. Мўғул истилоси эса, бутун минтақада ўз таъсирини ўтказиб маҳаллий халқнинг ирқий тузилишига бир оз ўзгаришлар киритган. Русча жой номларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида Россия тамонидан Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ ва уларни ўзига хос микрогуруҳ десак ҳам бўлади. Русча топонимлар турли сабаблар билан пайдо бўлган. Масалан, вилоят картасида Чкаловск, Ленинобод, Карл Маркс, Сталинобод, Колхозобод каби номлар собиқ иттифок даврида пайдо бўлган. Оқибатда вилоят харитасида туб жой халқига ёт бўлган, ўзга тилнинг қонун–қоидаларига асосланган Рассвет, Партсъезд, Ульяново, Ленин, Коммуна, Ивановский каби аҳоли пунктлари номлари ҳеч қандай заруриятсиз, маҳаллий халқ томонидан қўйилган жой номлари ўрнида пайдо бўлган. Э.М.Мурзаев ҳақли равишда таъкидлайди: «бундай жой номлари маҳаллий халқ томонидан яхши қарши олинмаган. Кўпинча, янги ном билан

бирга аввалги анъанавий номи ҳам қўлланиб келинган».¹ Жой номларини харитага туширадиган мутахассислар маҳаллий тилларни билмаган ва рус тилининг грамматик хусусиятларидан келиб чиқиб жой номларини харитага туширганлар. Эндиликда географлар, тилшунослар, тарихчилар топонимларнинг русча ёзилишини тубдан қайта кўриб чиқиб географик номларни аслига тўғри вариантларини тавсия этишлари керак. Топонимист Н.Н.Архангельский соҳадан анча хабардор зиёли сифатида бу ҳақда бундай ёзган: «Ўрта Осиё географик номенклатурасининг рус тилида расмийлаштирилган шакли бир географик объектларнинг маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилинган номлари шаклидан жуда катта фарқ қилади».² Масалан, Ўратепани – Ура–тюбе, Зоминни – Заамин, Сангзорни – Санзар, Нуротани – Нуратау деб ёзилишига ҳеч ҳам қўшилиб бўлмайди. Баъзан харитада хато ёзилган жой номларини рус топонимистлари нотўғри талқин қилишган. Масалан, Нурота сўзи харитада Нуратау шаклида ёзилганлиги сабабли В.А.Никонов уни мўғулча: нуру – «тизма» ва туркийча тау – «тоғ» сўзларидан таркиб топган деб нотўғри изоҳлаган.³ Шўролар даврида халқона номларга умуман эътиборсизлик билан қаралди, миллий руҳни акс эттирувчи юзлаб тарихий топонимлар унутилишга маҳкум бўлди. Уларнинг ўрнини қандайдир чучмал, маъно ва мазмуни саёз номлар эгаллади. Ўша даврда пайдо географик номларнинг аксари собиқ пролетариат доҳийлари, шўро давлати ва коммунистик партиянинг раҳбарлари ва партия ҳамда давлат югурдаklarининг номларидан иборат мафкуравий топонимлар эди. Собиқ Иттифоқ даврида бундай топонимлар вилоят ҳудудида ҳам жуда кенг тарқалган. Хусусан, ўша даврдаги баъзи амалдорларнинг кўр–кўрона сиёсати натижасида пайдо булган янги хўжаликларга ҳукмрон мафкура ва сиёсат таъсирида коммунистик партия ва совет ҳокимиятини тараннум этувчи номлар берилган. Чунончи, Ленин, Маркс, Ульянов, Октябрь, Партсъезд, Большевик каби ойконимлар вилоятнинг ҳар бир

¹ Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М., 1974. – С.200-201.

² Қараев С.К. Топонимия Узбекистана. – Т.: Фан, 1991. – 130 с.

³ Никонов В. А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – 164 с.

туманида мавжуд бўлган.

Ўрта Осиёда, жумладан, Тожикистон ва Ўзбекистонда жой номлари ўзгартирилди. Албатта, бу борада Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан кўпчилик географик номлар давр талабини акс эттирадиган, халқона, оддий, содда ҳамма учун тушунарли бўлган номлар билан алмаштирилди ёки уларнинг тарихий номлари қайта тикланди. Аммо Тожикистон топонимикаси тўғрисида ҳам юқоридаги фикрларни айтолмаймиз. Чунки Шимолий Тожикистонда русча топонимлар билан бирга асл туркийча (ўзбекча) топонимлар ҳам зўрма–зўраки тарзда тожикча топонимга айлантирилди. Масалан Қатаған-Зарзамин, Қайирма-Истиклол, Қарапчи-Вахдат, Гончи-Деваштич, Қипчоқ-Ҳаёти Нав ва ҳ.з.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоят топонимияси бир неча тарихий давр маҳсули бўлиши билан бирга, ҳар бир даврнинг ўзига хос топонимлари мавжуд. Географик қатламлар оралигидаги чегаралар шартли бўлиб, улар орасида узвий ўхшашлик бор. Шу сабабдан, уларни аниқ белгилаб бўлмайди, янги қатлам дастлабкисини тўлдирса, эскиси янги қатламга ўз таъсирини ўтказган. Тадқиқотлар давомида аниқланишича, минтақа туркий ойконимларининг жами георафик қатламлари ҳозирга қадар тадқиқ қилинмаган ва илмий жиҳатдан мукамал тадқиқот объекти ҳам бўлган эмас. Бу эса, ҳудуд ойконимларининг тарихий тараққиёти ва топонимик қатламларининг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилишни анча долзарб масала эканлигидан далолат беради. Илмий изланишлар доирасида минтақа топонимларини классификациялашга ҳаракат қилинди. Тадқиқотлар бу масалада соҳа мутахассислари орасида муштарак қараш йўқлигини ҳамда ҳозирга қадар ягона, универсал, содда ва ҳаммабоп классификациянинг яратилмаганлигини кўрсатди. Шубҳасиз, бунга ҳар қандай минтақа ёки ҳудудий бирликларнинг мураккаб, кўпқатламли тирик ва ўзгарувчан топонимик системага эга эканлиги асосий сабаб бўлган. Топонимикани тилшунослик, тарих ва география фанлари кесувида пайдо бўлганлигини инобатга олсак масала янада ойдинлашади, чунки мавжуд классификациялар ҳам баъзан тилшунос–топономистларни қаноатлантирса, тарихчи ва географларнинг эътирозига сабаб бўлиши ёки аксинча, географ – топономистларга маъкул бўлса

хам тилшунос–топонимист ёки тарихчи – топонимисгларнинг норозилигига сабаб бўлишини тушуниш қийин эмас. Келажакда топонимика мустақил фан сифатида тўлиқ шакллангандан кейин, соҳа мутахассислари томонидан жой номларининг универсал классификацияси яратилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Географлардан илк бор, профессор Ҳ.Ҳасанов топонимларни бунёдга келишига қараб, шартли равишда турларга ажратишда ҳар бир номни биринчи навбатда тил коидалари нуқтаи назаридан ва шаклланиш босқичларига кўра таҳлил қилиш ўринли бўлур эди, деган фикрни баён қилган.¹ Географик нуқтаи назардан энг мукамал бўлган бу классификация асос сифатида қабул қилиниб, тадқиқотнинг мақсади ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, минтақа топонимиясининг қуйидаги семантик классификацияси таклиф этилди: 1). Оронимлар – рельеф шакллари ва элементлари: – тоғлар, чўққилар, тепалик, плато, дўнглик, водий, дара, жарлик. Пастлик, пасттекислик, қумликлар ва бошқаларнинг номлари; 2) Гидронимлар – барча сув объектларининг номлари: денгиз, кўл, дарё, сой, жилға, булоқ, сув омбори, канал, қудуқ ва бошқаларнинг номлари; 3). Ойконимлар – барча аҳоли пунктлари: шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла номлари. Таклиф қилинаётган географик номлар классификациясининг камчилик томонлари ҳам бор. Масалан, кўпчилик ҳолларда дарё ва сой, ҳовуз, қудуқ номлари ҳеч қандай ўзгаришсиз аҳоли пункти номига ўтиши мумкин. Қирққудуқ, Осмонсой, Ҳовузбулоқ, Гумсой, Кориз, Эгизбулоқ, Узунқудуқ ёки аксинча, оронимлар асосида қишлоқ номи пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин Оқтош, Қуйтош, Қоратош, Кўтал, Ойқор, Тошқамар кабилар бунга мисолдир. Вилоят табиатининг хусусиятлари, жамият ҳаётида асрлар давомида рўй берган тарихий, ижтимоий ва сиёсий ҳодиса–воқеалар, аҳолининг касб–ҳунар номлари, аҳоли пунктига асос солган кишиларнинг исми, лақаблари, уруғ–қабила номлари ва бошқалар ойконимларда ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам шаҳар – қишлоқларнинг таркиб топиши, жойлашиши, аталиш қонуниятларини конкрет табиий–тарихий ва сиёсий шароит билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш катта

¹ Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Т.: Ўзбекистон, 1985. – 120 б.

илмий ва амалий аҳамиятга эга. Юқоридагиларни инобатга олиб, ойконимларни икки гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: А) Табиий ёки табиий – географик ойконимлар. Б) Ижтимоий – иқтисодий географик ойконимлар. Аҳоли пунктларининг ижтимоий–иқтисодий категория эканлигини инобатга олиб, уларнинг номларини табиий ёки ижтимоий–иқтисодий ойконимларга бўлишни шартли деб ҳисобаш мумкин. Табиий географик ойконимия деганда, келиб чиқиши сув объектларига, жойнинг геоморфологик шакллариغا, ўсимлик–ҳайвон номларига ва бошқа табиий географик шароитларига қараб номланган аҳоли пунктлари номлари тушунилади, уларни гидроойконимлар, ороойконимлар, фитоойконимлар, зооойконимлар кабиларга бўлиш мумкин. Кишиларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий – иқтисодий ойконимлар деганда аҳолининг ўзи ва унинг хўжалик ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган аҳоли пунктларининг номлари назарда тутилган. уларни антропоойконимлар, этноойконимлар, хўжалик фаолиятни акс этадиган ойконимлар, неоойконимлар каби турларга бўлиш мумкин. Географик номларни классификациялаш ҳудудий топонимик тадқиқотларда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай илмий тадқиқотда тўпланган маълумотлар маълум даражада системага солишни талаб қилади. Вилоят географик объектларининг номланишига асосланган классификацияси илк бор амалга оширилди ва у келажакда янада такомиллаштиришни талаб этиши аниқ. Шубҳасиз, ҳар қандай топонимлар классификациясида, авваламбор, диалектик қонуният – шакл ва мазмун яхлитлиги ҳисобга олинishi ва шаклдан мазмунга қараб борилиши мақсадга мувофиқ. Мутахассисларнинг эътироф этишича, жой номларининг аксарият кўпчилиги географик терминлар асосида пайдо бўлган, чунки халқ бирон табиий ҳодисани улар ёрдамида ифода этади ва бинобарин, жой номлари таркибида географик терминлар кўп учрайди. Уларни йиғиш ва тартибга солиш анча машаққатли иш, лекин географик терминларни ўрганмаслик мумкин эмас. Маълумотларга бой бўлган маҳаллий географик терминлар кўп асрлар давомида мутахассислар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Уларнинг пайдо бўлишида халқнинг хўжалик фаолияти, тарихи, моддий

маданиятининг хусусиятлари ҳамда жойнинг табиий муҳити ва географик шароити алоҳида аҳамиятга эга. Жой номларининг этимологиясини аниқлашда географик терминлар билимдон кўлида бебаҳо хазинадир, шу сабабдан мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай топонимик тадқиқот энг аввало географик терминларни ўрганишдан бошланиши керак. Географик терминларнинг тарқалишида ҳам худудийлик хос. Масалан, вилоятнинг тоғли худудидаги аҳоли пунктлари номлари таркибида кат, тағоб, танги, газа, қашқа, акба, кўтал, тоғ олди ва текислик қисмида эса адир, камар, лойқа, санглоқ, оғар, кўрик, тўқай, бўз, қайирма каби географик терминлар кўпроқ учрайди. Шу нарса эътиборга моликки, бу терминлар қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам мавжуд ва ўтмишда уларнинг ареали анча кенг бўлганлигидан далолат беради. Баъзи ҳолларда кўшимча сўзларсиз ҳам маҳаллий географик терминлар аҳоли пунктлари номига айланган. Масалан, Шимолий Тожикистон худудида камар, довул, оғар, лойқа, қайирма, кўрик, бўз, тўқай, кўтал каби маҳаллий географик терминлар аҳоли пунктлари номлари шаклида ҳам учрайди. Сўғд вилоят аҳоли пунктлари номларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – ойконимлар таркибида аҳолининг ўтмишдаги этник таркиби, яъни қайси қабила, уруғ, тўп, қавмга мансублигининг кўп акс этганлигидир. Масалан, Шахристон туманидаги мавжуд 102 та аҳоли пункти номининг 42,0 фоизини ҳозир ҳам этноойконимлар ташкил этади, уларнинг сони ўтмишда бундан ҳам кўп бўлган. Этнотопонимларнинг аксарият қисми ойконимлар, улар минтақа аҳолисининг тарихий шаклланиши, тараққиёти, халқларнинг қадимий муносабатини кўрсатувчи муҳим манба ҳисобланади. Тўпланган этнотопонимлар таҳлили худуд миқёсида уларнинг ареали турлича эканлигидан далолат беради. Ҳозирги даврда бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиб, географик объектларга ном берилаётганда уларнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги, жамият тараққиёти билан боғлиқлиги ҳамда минтақа топонимияси таркибида уйғунлик ҳосил қилиб, сингиб кетишини унутмаслик даркор. Албатга, вилоятдаги ҳар бир туман географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш комиссияси аъзолари географик объектларга ном

беришда ҳар қандай каттароқ ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари борлигини инобатга олмоғи лозим. Ном танлашда ҳудуднинг табиий шароити, иктисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этнографияси каби омилларни инобатга олган ҳолда, топонимларнинг маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, уларнинг инсонларда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришига хизмат қилиши лозимлигини ҳам доимо назарда тутиш керак. Хусусан, бу борадаги муаммоларга ойдинлик киритиш учун аҳоли пунктларининг аталиш қонуниятларини аниқ ижтимоий–иктисодий, табиий–тарихий ва сиёсий ҳамда топонимлар асосини ташкил этадиган маҳаллий географик терминлар билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Этнонимларни, уруғ–қабила номларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганишда тарихий ва лисоний маълумотлардан кенг фойдаланиб, уларнинг этимологияси ва ҳудудий тарқалиш ареалларини, шаклланишида таъсир кўрсатган табиий ва ижтимоий–иктисодий географик омилларни илмий асосда тадқиқ қилиш зарур. Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат ўз ҳудудидаги географик номларга бефарқ бўлолмайди. Чунки, номда давр маданияти, замон маънавияти ва мафқураси, номловчиларнинг дунёкараши акс этган бўлади. Собиқ Иттифоқ парчалангач мустақилликни қўлга киритган давлатлар қаторида бўлган Тожикистон республикасида ҳам географик объектларнинг номлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида бир неча қонун ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, бу қарор асосан қадимдан тожик халқи билан қон–қардош бўлиб кетган ўзбек халқи яшайдиган жой номларини ўзгартиришга қаратилгандек кўринади. Чунки ўзбекча Қипчоқ, Қарапчи, Парчажуз, Қатаған, Найман, Ўроқли, Сўлоқли, Уяс, Увоқ каби этнотопонимлар, Ўзбекқишлоқ, Янкўрғон, Жаркўрғон, Жаркўтон, Кенгқўл, Қўрғонтепа каби топонимларнинг ҳаммаси Зарзамин, Ҳаёти Нав, Ориён, Истиклол, Ваҳдат каби номланди. Бу ҳолатни албатта ҳеч бир нарса билан изоҳлаб ёки оқлаб бўлмайди.

Ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос тарихи, қиёфаси ва қисмати бор. Ер юзидаги кўплаб шаҳарлар номи дунёда маълум ва машҳур, баъзиларини кўпчилик билмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан шаҳарлар одамга ўхшайди, дунёга келади,

машхурлик чўққисига чиқади, вақти келиб йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар қандай шаҳарнинг шон–шухрати, биринчи навбатда унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тутган ўрни билан белгиланади. Хўжанд шаҳри ҳам ана шундай ўзига хос қиёфага, минг йиллик ўтмишга эга шаҳар. Мутахассисларнинг ёзишича, шаҳар сўзи қадимий санскритча подшоҳ қароргоҳи маъносини англатади. Сўғдий кат (канд, кент), форсий пойтахт сўзлари билан маънодош. Хўжанд шаҳри вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Майдони 25185 км.кв. Аҳолиси 251,0 минг киши (1.01.2020 й.). Шаҳар таркибида 85 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Хўжанд шаҳри Сирдарёни ёнида, Қайракум денгизининг куйи қисмида жойлашган. Ҳозирги кунда Хўжанд Ўрта Осиёдаги қадимий ва навқирон шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шаҳар эрамикча бўлган VII–VI асрларда Хўжанд Александр Македонский томонидан босиб олинади. Аввал ҳаробага айланган шаҳарни Македонский қайтадан қуради ва Александр Эсхата деб номлайди. Буюк Ипак йўлида жойлашган Хўжанд шаҳри, Самарқанд ва Фарғона водийсини боғлашда муҳим рол ўйнаган. VIII асрда Хўжанд араблар томонидан забт этилади. XIII асрда Хўжандликлар Темир Малик бошчилигида Чингизхон қўшинларига қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Чингизхон қўшинлари Хўжандни осонликча қўлга киритолмасликларига кўзи етгач, ҳийла–найранг йўли билан Темир Малик қўшинини енгади.

Темир Малик матонати, мўғулларга қарши жангдаги жасорати ҳозиргача тилларда дoston бўлмоқда. Минг йиллик тарихда бўлганидек Хўжанд шаҳри Ўрта – Осиёни ўзаро боғлашда муҳим рол ўйнайди. Араб истилоси натижасида, яъни VIII–асрнинг иккинчи яримида қадимги шаҳар вайрон этилади. Кейинчалик шаҳар ҳаёти Қалиятепадан 6 км. шимоли–ғарбда жойлашган ҳозирги ўрдага кўчади. Ёзма манбаларда илк бор ислом дунёси географ олимларидан Ибн Хавқал, Мукаддасий, Ёкут Ҳамавий асарларида шаҳар деб тилга олинган. IX–X–асрларда Сомонийлар, XI–XII–асрда Қорахонийлар, XIV–XV–асрларда Темурийлар давлати, кейинчалик Бухоро амирлиги таркибига киритилган. Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб, қайта тикланган. Амир

Темур ва Темурийлар даврида яна ҳам ободонлашиб, савдо-сотиқ ва стратегик аҳамиятни касб эта бошлаган. XIX асрнинг 60–йилларида, яъни Россия истилоси арафасида Хўжанд (ўрда) 100 гектарга яқин майдонни эгаллаган, икки қатор мудофаа деворларига эга, Бухоро амирлиги тасаруффидаги Хўжанд ҳокимининг маъмурий маркази, ҳарбийлашган қалъа–шаҳар ҳисобланган. Россия истилосидан кейин, Туркистон генерал губернаторлигига қўшиб олинган Хўжанд шаҳри янги ташкил топган Хўжанд уездининг марказига айланган. Ном давр, замон, ижтимоий эҳтиёж маҳсули. Ном пайдо бўлган давр тарихини яхши билмасдан, унинг замиридаги маънони англаш қийин. Бунинг учун камида номлашга асос бўлган ижтимоий, маданий, лисоний омилларни аниқлаб олиш зарур. Жой номланган пайтларда унинг маъноси ва номланиш сабаблари шу номни қўйган аҳолига аниқ маълум бўлган. Қадимги буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ҳозирги Хўжанд шаҳри, муҳим стратегик аҳамиятга эга бир қалъа сифатида илк Ўрта асрларда пайдо бўлган ва дастлаб Хўжанд деб номланган.

Жой номларининг тарихий манбалардаги талқини масаласи

Ўрта Осиё антик тарихининг моддий ва маънавий маданиятида Уструшина сезиларли из қолдирган. Ўша даврларда Уструшана Сўғд вилояти билан беллаша оладиган вилоят саналган, йирик ҳудудда жойлашган эди. Ўрта аср форс ва араб географ ва саёҳатчиларнинг маълумотлари, археологик қазилмалар ва ёзма манбалардан олинган маълумотларга кўра Уструшана Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Буни академик Н.Н.Негматовнинг қуйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: «Қадимда Уструшана кенг маънода Сўғднинг ажралмас қисми ҳисобланган. Қадимги давр Уструшанини ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан Сўғддан ажратиш қийин. Бироқ, аста–секин, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши туфайли кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги, шаҳарларнинг ўсиши, шаҳар аҳолиси ва хунармандчиликнинг ривожланиши туфайли Уструшанини Сўғддан ажралиб чиқиши ва ушбу ҳудуднинг мустақил ривожланиши учун зарур шарт–шароитлар

пайдо бўлди. Сўғднинг мавжуд қисмини мустаҳкамлаш, афтидан, Кушон даврининг охирига келиб Сўғд вилояти ўз қудратига эга бўлган бўлса—да, Кушон империясининг қулаши билан Уструшана ажралиб кетишига тўсқинлик қилолмайдиган»¹.

Уструшана илк бор Хитой ҳукмрон сулолалари – Тан ва Суи солномаларида тилга олинган, «Уструшана» сўзи Хитойча Судуйшана сўзидан келиб чиққанлиги² Шимолий Вей йилномалари ва Бейши йилномаларининг 97–бобида қайд қилиб ўтилган.

Кейинчалик бу ном Суй сулоласи солномаларида (581–618) – Суйшу, Пай Цзюй (605–606) ва Танг сулоласи тарихида (618–907) – Тангшу ёзувларида системали равишда топилган. Танг сулоласи солномаларига кўра, Уструшана Шарқий Цао давлати деб аталади; бу ерда Шуойдушана, Судуйшана, Цзебуцзюйна (Цзебудана), Судушина³ номлари билан ҳам юритилган.

Цзебудана матнларда Шарқий Цао – Дун Цаонинг яна бир номи сифатида хато қайд этилган. Худди шу ривоятда Уструшан Дулисенга сифатида берилган. Е.Шаванн бу Судулисенга транскрипциясининг қисқартирилган версияси эканлигини тўғри таъкидлайди⁴. Шунга кўра, В.В.Бартолд тўртта вариант беради: Осрушана, Осрушна, Усрушана, Сутрушана ва энг қадимги вариант Сутрушана эканлигини ва бу вариант Хитой ёзувларида ҳам мавжуд эканлигини таъкидлайди.⁵ Танг сулоласи вакиллари Уструшана давлатига Лайвэй деб янги ном берганлар, бу хитойча сўз бўлиб, «ҳокимиятнинг қудратини англаган ҳолда итоат қилиш»⁶ деган маънони англатади. VII асрда яшаган Хитой сайёҳи Сюань Цзянь вилоят номини «Сутулисенга» шаклида беради. Унинг замондоши Хой Чао эса «Цао»деб номланган вилоят бор деган маълумот қолдирган.⁷

¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М. – Л., 1953

² Худуд-ул-олам. – Душанбе, 1983

³ Беруни Абу Райхан. Канон Масъуда. Избранные труды. Т.

V. – Ташкент, 1957; Он же. Осор-ул-бокия. – Душанбе, 1991

⁴ Абдураззак Самарқанди. Матла-ус-саъдайн ва маджма-ул-бахрайн. – Ташкент, 1969; Фасих Хафави. Муджмали Хасифи. – Ташкент, 1980

⁵ Макшеев А.И. Географические, этнографические и этнографические материалы о Туркестанском крае. – СПб., 1868

⁶ Костенко В. Туркестанский край. – СПб., 1880;

⁷ Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Т. I. – Ташкент, 1890.

Ўрта аср араб ва форс муаллифларининг асарларида минтақанинг номи турли шаклларда, аммо бир хил маънода Усрушана, Ушрусана, Осрушана, Осруша, Сурушана кўринишида учрайди.¹

Хитой манбаларида келтирилган «Судуйшана» ва араб географларида «Усрушана» тарзида берилиши аслида бир топонимдир. А.М.Манделстам ёзганидек, «... бу, эҳтимол, икки номнинг фонетик ўзгаришга учраши билан боғлиқдир»².

Араб–форс муаллифлари вилоят номини ҳар бири ўзига хос тарзда ёзганлиги ва хитойликлар транскрипциясининг бизнинг талаффуз нормаларимиздан фарқ қилиши ҳам топонимнинг турли кўринишлари пайдо бўлишининг асосий сабабларидандир.

«Уструшана» топоними Хитой транскрипциясига ва талаффуз оҳангига мутлақо тўғри келмайди. Шунга қарамай, бу топоним қандай ёзилишидан қатъи назар сўзнинг маъноси ўзгармайди.

Муф тоғидан топилган хужжатлар ўрта асрларда бу ҳудуд «Устравшана» деб номланганлигини тасдиқлади, аммо кейинги манбаларда Усрушина тарзида берилганлигига гувоҳ бўламиз.

XX асрнинг 30–йилларида ўрта аср араб географлари ва тарихчилари материалларини ўргангач, шоир А.Азизий қуйидаги фикрга келди: «ҳозир халқ томонидан қўлланадиган «Истаравшан» топоними ҳеч қайси манбада учрамайди. «Усрушана» каби шакл барча географлар томонидан қайд этилган»³.

Ўрта аср манбалари асосида луғат тузувчиларнинг ва иккинчи томондан тарихчи ҳамда географларнинг хулосалари бутунлай бир–бирига зид. Баъзи луғатлар муаллифлари «Уструшана» шаҳарнинг номи эканлигини ёзсалар, баъзи тарихчи ва географлар бу вилоятнинг номи эканлигига ишора қилганлар.

Уструшана тўғрисидаги дастлабки батафсил маълумот ўрта аср

¹ Кушакевич А. Очерки Ходжентского уезда // Туркестанские ведомости. – 1872. - №14

² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т.І. - М., 1963; Он же. К истории орошения Туркестана. Соч. Т.ІІІ. - М., 1965; Он же. Несколько слов об арийской культуре // Наследие предков. - 2006. - №9

³ Азизи А. Уротеппа-Истаравшан // Рахбари дониш. - 1930. - №4

географлари ва тарихчилари томонидан берилган. Улар бу вилоятни жуда аниқ тасвирлаб беришган. Улар берган маълумотлар Хитой манбаларидаги маълумотлар билан биргаликда Уструшананинг бошқа Ўрта Осиё вилоятлари каторидан ўрин эгаллаганини кўрамиз. Бу маълумотларда Уструшана Сўғд, Хоразм, Шош, Фарғона, Чағониён каби вилоятлар билан тенглаштирган ҳолда қайд этилганлигига гувоҳ бўламиз. Ўрта аср араб географи Ҳофиз Абру куйидагиларни ёзади: «...Уструшана Мовароуннаҳрда катта аҳоли пункти саналади, у Сирдарё ва Самарқанд каби шаҳарлар ўртасида жойлашган. Уструшана билан Самарқанд ўртаси 26 фарсахлик йўлдир¹.

Ал–Истахрий Уструшана Сўғд каби катта ҳудудда жойлашганини ва бу ном вилоят номи эканлигини, бу ном билан аталувчи шаҳар йўқлигини ва энг катта шаҳар Бўлсан деб номланишини ёзади. Шаҳарлар орасида Бунжикат, Сабат, Зомин, Диззах, Ҳаркана бор эканлигини қайд этиб, ҳукмдорлар Бунжикатда яшашини таъкидлайди.² Ибн Ҳаукал ҳам бу фикрни тасдиқлайди.³ Ал–Муқаддаси эса «Уструшана «номи вилоятни англатганини, пойтахти – Бунжикат эканлигини ёзади⁴. Буюк қомусий олим Беруний ўзининг координацион жадвалида Уструшанани вилоят деб кўрсатган⁵.

Ал–Якубий, Ал–Масъуди, Ал–Балазурий, ал–Табарий каби бошқа географ ва тарихчилар ўз асарларида Уструшана катта майдонда жойлашганлигини таъкидладилар. «Бироқ шуни ҳисобга олиш зарур, деб ёзади О.И.Смирнова, араб тилида сўзлашувчи муаллифларнинг маълумотлари асосан савдо йўллари жойлашган жойларга тааллуқлидир. Қолган жойлар тўғрисидаги маълумотлар умумий ҳарактерга эга»⁶.

Шарқшунос Вамбери араб географи Балхий маълумотиغا асосланиб шундай ёзади: «Уструшана қалъаси Мовареннаҳрнинг шимолида жойлашган

¹ Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье. - Сталинабад, 1957;

² Мухтаров А.М. Город Уратюбе // Археологи рассказывают. – Сталинабад, 1959.

³ Смирнова О.И. Вопросы исторической топографии и топонимики Верхнего Зеравшана // Материалы и исследования по археологии СССР. – 1950.

⁴ Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. - М.; Л., 1958

⁵ Беруни Абу Райхан. Канон Масъуда. Избранные труды. Т. V. – Ташкент, 1957; Он же. Осор-ул-бокия. – Душанбе, 1991

⁶ Смирнова О.И. Археологические разведки в Уструшане в 1950 г. // Материалы и исследования по археологии СССР. - 1953.

бўлиб, Шарқда Фарғона, жанубда Кеш, шимолда Чоч, ғарбда Сўғд билан чегарадош»¹. Ўрта асрларда тузилган луғатларда бу топоним «Исравшана» тарзида ёзилган.

Ўрта аср ёзма манбаларининг маълумотлари асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: Шарқда Уструшана Фарғона – Асбара (ҳозирги Исфара шаҳри) тумани билан чегарадош, шимоли–Шарқда Хўжанд тумани билан чегарадош ва бу ерда чегара Оқсув тоғ дарёсининг ғарбидан ўтиб, ундан шимолда замонавий Бекобод шаҳри ва Сирдарё бўйларига, ғарбда Сўғд билан чегарадош бўлиб, жанубда Уструшана бошқа минтақалардан Ҳисор каби ажралиб туради.

Бу топоним ҳақида Ал–Истахрий қуйидагиларни ёзган: “... бу ер тоғли жойда жойлашган бўлиб, ундан Шарқда Фарғона, ғарбда Самарқанд, шимолда Шош, жанубда Кеш, Шумон, Лошжар ва Рашт кабилар бор. Катта шаҳар Балсон деб аталади”². Бу маълумотлар ҳозирги маъмурий ҳаритага таққослаштирилса, Уструшана Тожикистоннинг Сўғд вилояти Истаравшан, Ғончи, Спитамен, Жаббор Расулов, Айний (юқори Заравшон) туманларини, Ўзбекистоннинг Хавас, Зомин, Жиззах ва Фориш туманларини ҳамда Қирғизистоннинг Лайлак тумани ҳудудини эгаллаганлиги маълум бўлади.

Уструшана номининг этимологиясига кўра, бир нечта кўринишлар мавжуд. Россиялик тадқиқотчи И.Кастанье қуйидаги афсонани келтиради:... Хўжанд пайдо бўлишидан олдин ҳам Ўратепа «Зара» («зар» – олтин сўзидан) номи билан машҳур бўлган. Шаҳарнинг ўртасида дарё бўлиб, бу дарёнинг пастки қисмида олтин кум уюмлари ётарди. Шунинг учун шаҳарга «зара» номи берилган бўлса–да, кейинчалик «ёркин юлдуз»деган маънони англатувчи Истаравшан номи берилган³.

Бошқа бир версияга кўра, бу исм Эрон шоҳи Гуштоспанинг қизи – Равшан исми билан боғлиқ бўлиб, у тақдир тақозоси билан бу жойларга келган. У

¹ **Вамбери А.** История Бохары или Трансоксании. - СПб., 1873. - С. 9

² **Al-Istakhri,** Abu Ishak al Farisi. - P. 338

³ **Кастанье И.** Древности Уратюбе и Шахристана // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. - 1915. - вып. I. - С. 17

отасидан унга атаб шаҳар қуришни илтимос қилди. Шоҳ қизининг истагини бажарди, бу шаҳарга Истаравшан деб ном қўяди, яъни у қизининг исмига «ист» (р) – юлдуз сўзини қўшди.

Аҳоли орасида жуда кенг тарқалган бу версияни ўрта аср тарихчиси Мирхонд ўзининг «Равзат–ус–сафо» китобида ҳам қайд қилган. Бундан ташқари, шаҳар аҳолиси орасида яна бир вариант бор бўлиб, унга кўра «ист» сўзи бутунлай бошқача нарсани англатади. «истод» – яъни қолмоқ феълидан олинган дейилади. Гўё шаҳар қурилиши тугагандан сўнг, Гуштосп қизига шу ерда қолишини буюради. Муғ тепадан топилган ҳужжатлар туфайли топонимларнинг энг тўғри шакллари тиклаш мумкин бўлди. Бу ҳужжатларда бу топоним: А–9 R 132 номерли манбанинг 16–17–саҳифаларида ZK «stwsrnyk' wt' ks'tw'px'nstk « уструшан халқи тарзида берилган.¹

В.А.Лившицнинг фикрича, «... Муғ ҳужжатларини ўрганиш шунини кўрсатади–ки, Уструшана топонимининг кўп сонли кўринишлари ва VIII аср араб манбаларида берилган вилоят номининг вариантларидан «Уструшан» шакли ҳақиқий талаффузга энг яқин эканлигини қайд этиш мумкин.²

Топонимнинг этимологияси ҳақида турли хил фикрлар мавжуд.

П.И.Лерх Уструшана топонимидаги s(a)на топоформантини Авестодаги saiana “яшаш жойи, маскан” каби маъноларга тўғри келишини қайд этади.³ А.И.Герценберг Уст(р)ус(а)на топонимини Ура–теппа билан боғлайди ва husraw+rsa →«эркак, айиқ» + маъносини англатиб «ана»қўшимчасини олган деган фикрни олдинга суради.⁴ О.И.Смирнова эса бу топонимни Будда худоси Сударсанага боғлайди.⁵

Сўғд календарининг ўн саккизинчи куни адолат худоси Раснаосга бағишланган.⁶ Бу ном ҳам Сўғд ҳужжатларида учрайди. Берунийнинг

¹ Лившиц В.А. Согдийские слова в таджикском языке // Известия Отделения общественных наук АН Таджикской ССР. - 1957.

² Лившиц В.А. Два документа с горы Муг // Вестник древней истории. - 1960.

³ Лерх Г.И. Монеты Бухар-Худатов.- Спб., 1909.- С. 71

⁴ Герценберг Л.Г. Морфологическая структура слов в древних индоиранских языках. - М., 1972. - С. 44-46

⁵ Смирнова О.И. Первые монеты из Уструшаны // Эпиграфика Востока. - 1971. - С. 64

⁶ Фрейман А.А. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. - М., 1962. - С. 31

маълумотиға кўра, Сўғдийларнинг ўн саккизинчи куни «рашн», «расн»деб аталган.¹ Бу сўз «ҳақиқатпараст», яъни ҳақиқатпараст фаришта» деган маънони англатади. Ю.Я.Якубов фикрича ...балки Рашан вилоятнинг ҳомийси бўлгандир».² Тарихчи олим А.К.Мирбабаев фикрича топонимда Судуйшана, Сурушана, Суруш номи билан танилган Авестан пантеонининг номини яширинган бўлиши мумкин, чунки Эрон тақвимининг ўн еттинчи куни номи ҳам шундай бўлган. Суруш ёки Сурушруз номли одамларнинг тинчлигини кўриқлайдиган фаришта бўлганлиги ҳақидаги афсоналар тарихий ривоятларда мавжуд. Вақт ўтиши билан, айниқса, аҳоли сўғд тилидан тожик–форс тилига ўтиши натижасида «Сурушна» атамаси осонлик билан Усрушна ёки Исравшан³ га айланган бўлиши мумкин.

Н.О.Турсунов Авестанинг «суруш» атамаси ва унинг Уструшана номи билан боғлиқлиги ҳақида ўз асарларида қайд этиб кетади.⁴ Муҳтарам Ҳотам эса бу топонимни қуёш системасидаги Ушас номли худоларидан бирини номи билан боғлаб, бу номларнинг қуйидаги шакллари келтиради: Эос, Аврора, Ауша, Тонг, Аусар, Уасар, Усар, Усра.⁵

Хитой манбаларидаги Судуйшана, Судушини, Шуойдушана каби кўринишлари араб ва форс географлари ҳамда саёҳатчиларининг маълумотларида келтирилган Осрушана, Усрушана, Уструшана каби кўринишлари имлоси ва талаффузидаги озгина бузилишдан қатъи назар, «рашн», «рашан» ва «раснаос»лар англатган маъно яхлитликка эга.

Барча версияларда Истаравшан икки қисмдан иборат:

